

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**




ТАРИХ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ

**Ўзбек давлатчилиги тарихининг
долзарб муаммолари ва замонавий
тарихшунослик тадқиқотлари**

МОДУЛИ БЎЙИЧА

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА



ТОШКЕНТ-2021

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчилар: **Илҳомов З.А.** - Низомий номидаги ТДПУ “Ўзбекистон тарихи” кафедраси., т.ф.н., доцент
Исматуллаев Ф.О. - Низомий номидаги ТДПУ “Тарих ва уни ўқитиш методикаси” кафедраси., т.ф.н., доцент

Тақризчилар: **Ш.Шоёқубов** - Тошкент давлат Молия институти “Ўзбекистон тарихи” кафедраси мудири, т.ф.н.
Х.Матяқубов - Низомий номидаги ТДПУ “Ўзбекистон тарихи” кафедраси, т.ф.н.

Хорижий эксперт: т.ф.н., доценти **Р.А.Хамидов** – академик Бобожон Гафуров номидаги Хўжанд давлат университети.

Ўқув-услубий мажмуа ТДПУ Кенгашининг 2020 йил 27 августдаги 1/3.6- сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.



МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР	4
II. МОДУЛНИ ҲЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ	12
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР.....	31
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ	100
V. КЕЙСЛАР БАНКИ	118
VI. ГЛОССАРИЙ	125
VII. ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	135

I. ИШЧИ ДАСТУР

КИРИШ

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора тadbирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон Фармонидаги устувор йўналишлар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий ва педагогик компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади. Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари вақонунчилик нормалари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, махсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларини ўзлаштириш бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутди.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Олий таълим муассасалари педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг **мақсади** педагог кадрларнинг ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини мунтазам янгилаш, малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари асосида уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратини доимий ривожланишини таъминлашдан иборат.

Модулнинг **вазифаларига** қуйидагилар киради:

“Тарих ўқитиш методикаси” йўналишлари бўйича олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курси тингловчиларида тарих фанининг замонавий долзарб муаммолари ҳақидаги тасаввурларни ҳосил қилиш;

педагог кадрларнинг тарих фани бўйича касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш механизмларини яратиш;

замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг соҳага оид касбий компетентлик даражасини ошириш;

педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;

махсус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;

“Тарих ўқитиш методикаси” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциясини таъминлаш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

– Давлатчиликнинг назарий масалалари: тушунчалар, даврлаштириш, шаклланиш ва тараққиёт назариялари;

– Ўзбек давлатчилигининг тараққиёт босқичлари ва тадқиқотларнинг замонавий концепциялари;

– Тарих фанининг замонавий назарий қарашлари ва етакчи концепцияларини;

– Жаҳон иқтисодий ва сиёсий глобаллашув жараёнларида ўзбек давлатчилигининг ташқи иқтисодий ва сиёсий алоқалари масалаларининг замонавий тарихшунослик тадқиқотлари;

– Тарих фанининг ёрдамчи фан соҳалари;

– Фаннинг моддий ва ёзма манбалари;

– фаннинг таълимий ва тарбиявий мақсад-вазифалари;

– фаннинг ривожланиш тарихи ва тараққиёт босқичлари;

– олий таълим тизимида тарих таълими соҳасидаги кадрларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талабларни;

– таълим мазмунини модернизациялашни;

– таълимнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини;

– таълимдаги инновацияларни билиши керак.

– фанлардаги инновациялардан таълим жараёнида фойдаланиш;

– дарсларда тингловчиларнинг фаоллигини оширишга хизмат қиладиган интерфаол таълим шакллари, методлари ва воситаларидан самарали фойдаланиш;

– фанни ўқитишда ривожланган мамлакатлардаги илғор тажрибалардан фойдаланиш;

– таълим жараёнида тингловчиларнинг билимларини объектив баҳолаш механизмлари, рейтинг назоратда қўллашга қаратилган дидактик воситалар: стандарт ва ностандарт ўқув ва тест топшириқлари мажмуасини ишлаб чиқиш;

– таълим жараёнида тингловчиларда мустақил равишда билимларни янада орттириб боришга бўлган эҳтиёжни шакллантириш, мустақил иш вазифаларини табақалаштириш, мустақил иш ва ижодий изланишларини ташкил этиш, уларга раҳбарлик қилиш **кўникмаларига эга бўлиши лозим.**

– ўқитувчининг педагогик фаолиятини лойиҳалаштириш;

– модератор ўқитувчиларнинг илғор иш тажрибаларини ўрганиш асосида ўзининг педагогик фаолиятини такомиллаштириш;

– фанларни ўқитиш жараёнида тингловчиларнинг билимларини холисона баҳолаш механизмларини, рейтинг назоратда қўллашга қаратилган дидактик

воситалар: стандарт ва ностандарт тестлар ҳамда ўқув топшириқлари мажмуасини ишлаб чиқиш;

– ўқув ахборотни қайта ишлаш, муаммоли вазият, Кейс-стади топшириқларини тузиш;

– таълим жараёнида тингловчиларда мустақил равишда билимларни янада орттириб боришга бўлган эҳтиёжни шакллантириш, мустақил иш вазифаларини табақалаштириш, мустақил иш ва ижодий изланишларини ташкил этиш;

– дидактик таъминотни такомиллаштириш каби **малакаларига эга бўлиши лозим.**

– Тарих фанининг замонавий йўналишларига оид назарий қарашлар, етакчи концепцияларини педагогик фаолиятда қўллаш олиш;

– машғулотларда инновацион ва ахборот технологиялар, тингловчилар ўқув фаолиятини фаоллаштирувчи методларни қўллаш;

– таълим жараёнида тингловчиларнинг фаоллигини оширишга хизмат қиладиган интерфаол таълим шакллари, методлари ва воситаларидан педагогик амалиётда самарали фойдаланиш;

– ривожланган мамлакатларда тарих фанини ўқитиш методикасидаги илғор тажрибаларни таълим-тарбия жараёнига модернизация қилган ҳолда қўллаш **компетенцияларига эга бўлиши лозим.**

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Тарих ўқитиш методикаси” йўналиши бўйича маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

Модулни ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Ўзбек давлатчилиги тарихининг долзарб муаммолари ва замонавий тарихшунослик тадқиқотлари” модули мазмуни ўқув режадаги “Тарих фанининг назарий масалалари ва замонавий концепциялари”, “Олий таълимда тарих фанларини ўқитиш методикаси ва методологик масалалари” ҳамда “Глобаллашув шароитида Ўзбекистоннинг Европа ва Осиё давлатларининг билан ҳамкорлиги” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда

педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қилади.

Модулнинг услубий жиҳатдан узвий кетма-кетлиги

Асосий қисмда (маъруза) модулнинг мавзулари мантиқий кетма-кетликда келтирилади. Ҳар бир мавзунинг моҳияти асосий тушунчалар ва тезислар орқали очиб берилади. Бунда мавзу бўйича тингловчиларга етказилиши зарур бўлган билим ва кўникмалар тўла қамраб олиниши керак.

Асосий қисм сифатига қўйиладиган талаб мавзуларнинг долзарблиги, уларнинг иш берувчилар талаблари ва ишлаб чиқариш эҳтиёжларига мослиги, мамлакатимизда бўлаётган ижтимоий-сиёсий ва демократик ўзгаришлар, иқтисодиётни эркинлаштириш, иқтисодий-ҳуқуқий ва бошқа соҳалардаги ислохотларнинг устувор масалаларини қамраб олиши ҳамда фан ва технологияларнинг сўнгги ютуқлари эътиборга олиниши тавсия этилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар Ўзбек давлатчилиги тарихининг долзарб муаммолари ва замонавий тарихшунослик тадқиқотлари ҳақида маълумотга эга бўлиб, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимооти

№	Модул мавзулари	Жами	Жумладан	
			назарий	амалий
1.	Давлатчиликнинг назарий масалалари: тушунчалар, даврлаштириш, шаклланиш ва тараққиёт назариялари.	2	2	-
2.	Ўзбек давлатчилигининг тараққиёт босқичлари ва тадқиқотларнинг замонавий концепциялари	2	2	-
3.	Ўзбек давлатчилиги тарихи тарихшунослик тадқиқотларининг долзарб масалалари (мустамлака даври тарихи тадқиқотлари мисолида).	2	2	-
4.	Мустақиллик даври тадқиқотларида ўрта асрлар давлатчилик жараёнлари тадқиқотлари тарихшунослиги.	2	-	2
5.	Амир Темур ва темурийлар давлати тарихига оид тарихшунослик ва манбашунослик тадқиқотлари	2	-	2

6.	Замонавий тарихшунослик тадқиқотларида XVI-XX аср бошлари давлатчилик жараёнларининг таҳлили.	2		2
7.	Ўзбек хонликлари даври давлатчилик жараёнлари тарихининг манбашунослик масалалари.	2	-	2
8.	XX аср тадқиқотларида давлатчилик тарихининг ўрганиш принципларининг замонавий тарихшунослик тадқиқотлари.	2	-	2
9.	Жаҳон иқтисодий ва сиёсий глобаллашув жараёнларида ўзбек давлатчилигининг ташқи иқтисодий ва сиёсий алоқалари масалаларининг замонавий тарихшунослик тадқиқотлари	2	2	-
10.	Замонавий тарихшунослик тадқиқотларида Ўзбекистон Республикасининг жаҳон иқтисодий ва сиёсий алоқалари жараёнларининг глобаллашув вазиятидаги ташқи сиёсати принциплари масалаларининг ўрганилиш	2	2	-
11.	Ўзбекистоннинг АҚШ ва Европа давлатлари, Осиё ва Тинч Океани ҳавзаси мамлакатлари билан сиёсий-дипломатик алоқалари ва иқтисодий ҳамкорликлари	2	-	2
12.	Ўзбекистон Республикасининг Европа Иттифоқи билан кўп томонлама ҳамкорлиги ва Шанхай ҳамкорлиги ташкилотидagi иштироки.	2	-	2
13.	Глобаллашув шароитида Марказий Осиё давлатлари ҳамкорлигининг янги босқичи	2	-	2
Жами		26	10	16

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-Мавзу: Давлатчиликнинг назарий масалалари: тушунчалар, даврлаштириш, шаклланиш ва тараққиёт назариялари.

Давлатчилик тушунчаси ва белгилари. Давлатчиликнинг шаклланиши: цивилизацион ёндашув. Ўзбекистон ҳудудларидаги қадимги давлатлар тараққиётининг даврлаштириш масалалари. Ўзбекистон ҳудудларидаги қадимги давлатларнинг типологияси.

2-мавзу. Ўзбек давлатчилигининг тараққиёт босқичлари ва тадқиқотларнинг замонавий концепциялари

Ўзбек давлатчилиги тарихи фанининг назарий-методологик асослари. Ўзбек давлатчилиги тараққиёти босқичлари.

3 - мавзу: Ўзбек давлатчилиги тарихи тарихшунослик тадқиқотларининг долзарб масалалари (мустамлака даври тарихи тадқиқотлари мисолида).

XIX аср охири - XX аср бошларида Туркистон ўлкаси ижтимоий-сиёсий ҳаётининг ўзига хос хусусиятлари, империянинг мустамлакачилик сиёсати ва унинг замонавий талқини. Туркистон халқлари миллий-озодлик ҳаракатлари тарихшунослиги. Россия империясининг Туркистонда юритган таълим сиёсати ва унинг мустамлакачилик мазмуни. Жаҳидчилик ҳаракатининг ўлка халқлари миллий уйғонишида тутган ўрни. Жаҳидчилик, ўлка жаҳид намоёндаларининг маданий-оқартувчилик фаолияти. Қадимчилар ва миллий тараққийпарвар-ислохотчилик оқими.

4-мавзу. Жаҳон иқтисодий ва сиёсий глобаллашув жараёнларида ўзбек давлатчилигининг ташқи иқтисодий ва сиёсий алоқалари масалаларининг замонавий тарихшунослик тадқиқотлари

XX аср охири - XXI аср дастлабки чорагида глобаллашув жараёнлари. XX асрда пайдо бўлган халқаро ва минтақавий ташкилотларнинг жаҳон сиёсий саҳнасидаги ўрни. Иқтисодий инқирозлар ва уларнинг жаҳон тартиботига таъсири. Халқаро алоқаларнинг ривожланиш кўлами, геостратегик ва геосиёсий жараёнларнинг кучайиши, кўп томонлама алоқаларнинг ривожланиш ҳолатлари ва уларнинг амалий жиҳатлари.

5-мавзу. Замонавий тарихшунослик тадқиқотларида Ўзбекистон Республикасининг жаҳон иқтисодий ва сиёсий алоқалари жараёнларининг глобаллашув вазиятидаги ташқи сиёсати принциплари масалаларининг ўрганилиш

Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий принциплари ва йўналишлари. Ўзбекистон ташқи сиёсатида Осиё вектори. Ўзаро манфаатли, амалий ташқи сиёсат-Ҳаракатлар стратегиясининг устувор йўналишларидан бири сифатида. Бир камар-бир йўл лойиҳаси ва унда Ўзбекистон иштироки. Ўзбекистон-Хитой ҳамкорлиги. Ўзбекистон-Япония ҳамкорлиги. Ўзбекистон-Корея Республикаси алоқаларининг ривожланиши. XXI асрда Осиё давлатларининг жаҳон миқёсидаги ўрни. Ўзбекистон Республикасининг Европа Иттифоқи билан кўп томонлама ҳамкорлиги. Ўзбекистоннинг таълим, маданият ва туризм соҳасидаги халқаро алоқалари.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ

1-амалий машғулот: Мустақиллик даври тадқиқотларида ўрта асрлар давлатчилиги жараёнлари тадқиқотлари тарихшунослиги.

Ўрта аср ўзбек давлатчилиги тарихининг даврлаштириш масалалари. Ўрта аср давлатлари давлатчилиги жараёнларининг энг асосий жиҳатлари. Ўрта

аср давлатчилиги тарихи жараёнларининг замонавий илмий тадқиқот муаммолари ва тарихшунослик масалалари.

2-амалий машғулот: Амир Темур ва темурийлар давлати тарихига оид тарихшунослик ва манбашунослик тадқиқотлари

Амир Темур ва темурийлар давлати давлатчилик жараёнларининг энг асосий жиҳатлари. Амир Темур ва темурийлар давлати тарихи жараёнларининг замонавий илмий тадқиқот муаммолари ва тарихшунослик масалалари. Амир Темур ва темурийлар давлати тарихига оид манбашунослик тадқиқотлари

3-амалий машғулот: Замонавий тарихшунослик тадқиқотларида XVI-XX аср бошлари давлатчилик жараёнларининг таҳлили.

XVI-XX аср бошлари ўзбек давлатчилиги тарихининг даврлаштириш масалалари. XVI-XX аср бошлари давлатлари давлатчилик жараёнларининг энг асосий жиҳатлари. XVI-XX аср бошлари давлатчилиги тарихи жараёнларининг замонавий илмий тадқиқот муаммолари ва тарихшунослик масалалари.

4-амалий машғулот: Ўзбек хонликлари даври давлатчилик жараёнлари тарихининг манбашунослик масалалари.

Ўзбек хонликлари тарихи ва давлатчилик жараёнларининг XVI-XX аср бошларида яратилган манбаларда акс этиши. Қўқон тарихнавислик мактаби ва Тошкент тарихнавислик мактаби, Хоразм тарихнавислик мактаби ҳамда Бухоро тарихнавислик мактаби манбаларининг замонавий манбашунослик тадқиқотлари.

5-амалий машғулот: XX аср тадқиқотларида давлатчилик тарихининг ўрганиш принципларининг замонавий тарихшунослик тадқиқотлари.

Совет давлатчилигини ўрганиш принциплари ва уларнинг Ўзбекистон тарихшунослигида акс этиши. Совет давлати мафкурасининг Ўзбекистон тарихини ўрганишга таъсири.

6-амалий машғулот: Ўзбекистоннинг АҚШ ва Европа давлатлари, Осиё ва Тинч Океани ҳавзаси мамлакатлари билан сиёсий-дипломатик алоқалари ва иқтисодий ҳамкорликлари

XX аср охири - XXI аср дастлабки чорагида глобаллашув жараёнларининг жаҳон иқтисодий ва сиёсий алоқаларининг фаоллашувига таъсири. Ўзбекистон Республикасининг жаҳон иқтисодий ва сиёсий алоқалари жараёнларининг глобаллашув вазиятидаги ташқи сиёсати принциплари.

7-амалий машғулот: Ўзбекистон Республикасининг Европа Иттифоқи билан кўп томонлама ҳамкорлиги ва Шанхай ҳамкорлиги ташкилотидаги иштироки.

Европа Иттифоқи ва унга аъзо давлатлар билан ҳамкорлик – Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бири. Ўзбекистон-Буюк Британия: фан, таълим ва маданий алоқаларни ривожланиши. Шанхай ҳамкорлиги ташкилоти – минтақадаги энг йирик иқтисодий ташкилот сифатида. ШХТнинг халқаро ўрни ортиб бориши. Ўзбекистон - ШХТ ҳамкорлиги: шаклланиши, ривожланиши ва истиқболлари.

8-амалий машғулот: Глоблалашув шароитида Марказий Осиё давлатлари ҳамкорлигининг янги босқичи

Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бири – Марказий Осиё. Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорлиги: кеча ва бугун.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларида фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

Буганги кунда ўқитишнинг замонавий методлари таълим жараёнида кенг қўлланилмоқда. Ўқитишнинг замонавий методларини қўллаш ўқитиш жараёнида юқори самарадорликка эришишга олиб келади. Таълим методларини танлашда ҳар бир дарснинг дидактик вазифасидан келиб чиқиб танлаш мақсадга мувофиқ саналади.

Анъанавий дарс шаклини сақлаб қолган ҳолда, унга турли-туман таълим олувчилар фаолиятини фаоллаштирадиган методлар билан бойитиш таълим олувчиларнинг ўзлаштириш даражасининг кўтарилишига олиб келади. Бунинг учун дарс жараёни оқилona ташкил қилиниши, таълим берувчи томонидан таълим олувчиларнинг қизиқишини орттириб, уларнинг таълим жараёнида фаоллиги муттасил рағбатлантирилиб турилиши, ўқув материални кичик-кичик бўлақларга бўлиб, уларнинг мазмунини очишда ақлий ҳужум, кичик гуруҳларда ишлаш, баҳс-мунозара, муаммоли вазият, йўналтирувчи матн, лойиҳа, ролли ўйинлар каби методларни қўллаш ва таълим олувчиларни амалий машқларни мустақил бажаришга ундаш талаб этилади.

Бу методлар интерфаол ёки интерактив методлар деб ҳам аталади. **Интерфаол методлар** деганда таълим олувчиларни фаоллаштирувчи ва мустақил фикрлашга ундовчи, таълим жараёнининг марказида таълим олувчи бўлган методлар тушунилади. Бу методлар қўлланилганда таълим берувчи таълим олувчини фаол иштирок этишга чорлайди. Таълим олувчи бутун жараён давомида иштирок этади. Таълим олувчи марказда бўлган ёндошувнинг фойдали жиҳатлари қуйидагиларда намоён бўлади:

- таълим самараси юқорирок бўлган ўқиш-ўрганиш;
- таълим олувчининг юқори даражада рағбатлантирилиши;
- илгари орттирилган билимнинг ҳам эътиборга олинниши;
- ўқиш шиддатини таълим олувчининг эҳтиёжига мувофиқлаштирилиши;
- таълим олувчининг ташаббускорлиги ва масъулиятининг қўллаб-қувватланиши;
- амалда бажариш орқали ўрганилиши;
- икки тарафлама фикр-мулоҳазаларга шароит яратилиши.



“Кичик гуруҳларда ишлаш” методи

“КИЧИК ГУРУҲЛАРДА ИШЛАШ” МЕТОДИ - таълим олувчиларни фаоллаштириш мақсадида уларни кичик гуруҳларга ажратган ҳолда ўқув материални ўрганиш ёки берилган топшириқни бажаришга қаратилган дарсдаги ижодий иш.

Ушбу метод қўлланилганда таълим олувчи кичик гуруҳларда ишлаб, дарсда фаол иштирок этиш ҳуқуқига, бошловчи ролида бўлишга, бир-биридан ўрганишга ва турли нуктаи- назарларни қадрлаш имконига эга бўлади.

“Кичик гуруҳларда ишлаш” методи қўлланилганда таълим берувчи бошқа интерфаол методларга қараганда вақтни тежаш имкониятига эга бўлади. Чунки таълим берувчи бир вақтнинг ўзида барча таълим олувчиларни мавзуга жалб эта олади ва баҳолай олади. Қуйида “Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг тузилмаси келтирилган.



“Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Фаолият йўналиши аниқланади. Мавзу бўйича бир-бирига боғлиқ бўлган масалалар белгиланади.
2. Кичик гуруҳлар белгиланади. Таълим олувчилар гуруҳларга 3-6 кишидан бўлинишлари мумкин.
3. Кичик гуруҳлар топшириқни бажаришга киришадилар.
4. Таълим берувчи томонидан аниқ кўрсатмалар берилади ва йўналтириб турилади.
5. Кичик гуруҳлар тақдимот қиладилар.
6. Бажарилган топшириқлар муҳокама ва таҳлил қилинади.
7. Кичик гуруҳлар баҳоланади.

«Кичик гуруҳларда ишлаш» методининг афзаллиги:

- ўқитиш мазмунининг яхши ўзлаштиришга олиб келади;
- мулоқотга киришиш кўникмасининг такомиллашишига олиб келади;
- вақтни тежаш имконияти мавжуд;
- барча таълим олувчилар жалб этилади;
- ўз-ўзини ва гуруҳлараро баҳолаш имконияти мавжуд бўлади.

«Кичик гуруҳларда ишлаш» методининг камчиликлари:

- баъзи кичик гуруҳларда кучсиз таълим олувчилар бўлганлиги сабабли кучли таълим олувчиларнинг ҳам паст баҳо олиш эҳтимоли бор;
- барча таълим олувчиларни назорат қилиш имконияти паст бўлади;
- гуруҳлараро ўзаро салбий рақобатлар пайдо бўлиб қолиши мумкин;
- гуруҳ ичида ўзаро низо пайдо бўлиши мумкин.

“ДАВРА СУХБАТИ” МЕТОДИ – айлана стол атрофида берилган муаммо ёки саволлар юзасидан таълим олувчилар томонидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш орқали олиб бориладиган ўқитиш методидир.

“Давра суҳбати” методи қўлланилганда стол-стулларни доира шаклида жойлаштириш керак. Бу ҳар бир таълим олувчининг бир-бири билан “кўз алоқаси”ни ўрнатиб туришига ёрдам беради. Давра суҳбатининг оғзаки ва ёзма шакллари мавжуддир. Оғзаки давра суҳбатида таълим берувчи мавзунини бошлаб беради ва таълим олувчилардан ушбу савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришларини сўрайди ва айлана бўйлаб ҳар бир таълим олувчи ўз фикр-мулоҳазаларини оғзаки баён этадилар. Сўзлаётган таълим олувчини барча диққат билан тинглайди, агар муҳокама қилиш лозим бўлса, барча фикр-мулоҳазалар тингланиб бўлингандан сўнг муҳокама қилинади. Бу эса таълим олувчиларнинг мустақил фикрлашига ва нутқ маданиятининг ривожланишига ёрдам беради. Қуйида “Давра суҳбати” методининг тузилмаси келтирилган.

Давра столи тузилмаси

Ёзма давра суҳбатида ҳам стол-стуллар айлана шаклида жойлаштирилиб, ҳар бир таълим олувчига конверт қоғози берилади. Ҳар бир таълим олувчи конверт устига маълум бир мавзу бўйича ўз саволини беради ва “Жавоб варақаси”нинг бирига ўз жавобини ёзиб, конверт ичига солиб қўяди. Шундан сўнг конвертни соат йўналиши бўйича ёнидаги таълим олувчига узатади. Конвертни олган таълим олувчи ўз жавобини “Жавоблар варақаси”нинг бирига ёзиб, конверт ичига солиб қўяди ва ёнидаги таълим олувчига узатади. Барча конвертлар айлана бўйлаб ҳаракатланади. Якуний қисмда барча конвертлар йиғиб олиниб, таҳлил қилинади.

“Давра суҳбати” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Машғулот мавзуси эълон қилинади.
2. Таълим берувчи таълим олувчиларни машғулотни ўтказиш тартиби билан таништиради.
3. Ҳар бир таълим олувчига биттадан конверт ва жавоблар ёзиш учун гуруҳда неча таълим олувчи бўлса, шунчадан “Жавоблар варақалари”ни тарқатилиб, ҳар бир жавобни ёзиш учун ажратилган вақт белгилаб қўйилади. Таълим олувчи конвертга ва “Жавоблар варақалари”га ўз исми-шарифини ёзади.


4. Таълим олувчи конверт устига мавзу бўйича ўз саволини ёзади ва “Жавоблар варақаси”га ўз жавобини ёзиб, конверт ичига солиб қўяди.

5. Конвертга савол ёзган таълим олувчи конвертни соат йўналиши бўйича ёнидаги таълим олувчига узатади.

6. Конвертни олган таълим олувчи конверт устидаги саволга “Жавоблар варақалари”дан бирига жавоб ёзади ва конверт ичига солиб қўяди ҳамда ёнидаги таълим олувчига узатади.

7. Конверт давра столи бўйлаб айланиб, яна савол ёзган таълим олувчининг ўзига қайтиб келади. Савол ёзган таълим олувчи конвертдаги “Жавоблар варақалари”ни баҳолайди.

8. Барча конвертлар йиғиб олинади ва таҳлил қилинади.



Ушбу метод орқали таълим олувчилар берилган мавзу бўйича ўзларининг билимларини қисқа ва аниқ ифода эта оладилар. Бундан ташқари ушбу метод орқали таълим олувчиларни муайян мавзу бўйича баҳолаш имконияти яратилади. Бунда таълим олувчилар ўзлари берган саволларига гуруҳдаги бошқа таълим олувчилар берган жавобларини баҳолашлари ва таълим берувчи ҳам таълим олувчиларни объектив баҳолаши мумкин.

“БАҲС-МУНОЗАРА” МЕТОДИ - бирор мавзу бўйича таълим олувчилар билан ўзаро баҳс, фикр алмашинув тарзида ўтказиладиган ўқитиш методидир.

Ҳар қандай мавзу ва муаммолар мавжуд билимлар ва тажрибалар асосида муҳокама қилиниши назарда тутилган ҳолда ушбу метод қўлланилади. Баҳс-мунозарани бошқариб бориш вазифасини таълим олувчиларнинг бирига топшириши ёки таълим берувчининг ўзи олиб бориши мумкин. Баҳс-мунозарани эркин ҳолатда олиб бориш ва ҳар бир таълим олувчини мунозарага жалб этишга ҳаракат қилиш лозим. Ушбу метод олиб борилаётганда таълим олувчилар

орасида пайдо бўладиган низоларни дарҳол бартараф этишга ҳаракат қилиш керак.

“Баҳс-мунозара” методини ўтказишда қуйидаги қоидаларга амал қилиш керак:

- ✓ барча таълим олувчилар иштирок этиши учун имконият яратиш;
- ✓ “ўнг қўл” қоидаси (қўлини кўтариб, руҳсат олгандан сўнг сўзлаш)га риоя

қилиш;

- ✓ фикр-ғояларни тинглаш маданияти;
- ✓ билдирилган фикр-ғояларнинг такрорланмаслиги;
- ✓ бир-бирларига ўзаро ҳурмат.

Қуйида “Баҳс-мунозара” методини ўтказиш тузилмаси берилган.



Методнинг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Таълим берувчи мунозара мавзусини танлайди ва шунга доир саволлар ишлаб чиқади.

2. Таълим берувчи таълим олувчиларга муаммо бўйича савол беради ва уларни мунозарага таклиф этади.

3. Таълим берувчи берилган саволга билдирилган жавобларни, яъни турли ғоя ва фикрларни ёзиб боради ёки бу вазифани бажариш учун таълим олувчилардан бирини котиб этиб тайинлайди. Бу босқичда таълим берувчи таълим олувчиларга ўз фикрларини эркин билдиришларига шароит яратиб беради.

4. Таълим берувчи таълим олувчилар билан биргаликда билдирилган фикр ва ғояларни гуруҳларга ажратади, умумлаштиради ва таҳлил қилади.

5. Таҳлил натижасида қўйилган муаммонинг энг мақбул ечими танланади.



"ФСМУ" методи

“ФСМУ”–(фикр, сабаб, мисол, умумлаштириш) методи мунозарали масалаларни ҳал этиш ҳамда ўқув жараёнининг баҳс-мунозарали ўтказишда қўлланилади, чунки бу метод тингловчиларни ўз фикрини ҳимоя қилишга, эркин фикрлаш, ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ ҳолда баҳслашишга ҳамда шу билан бирга баҳслашиш маданиятига ўргатади. Бу метод янги мавзунини чуқур ўрганишдан аввал тингловчиларнинг фикрлаш фаолиятини жадаллаштириш ҳамда кенгайтириш учун хизмат қилиши мумкин. Шунингдек, ўтилган мавзунини мустаҳкамлаш, ўзлаштириш, умумлаштириш, тингловчиларни шу мавзу бўйича тасаввурларини ёзма шаклда, далил ва исботлар билан ифодалашга ундайди.

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзунини сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:
- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

Ф	• фикрингизни баён этинг
С	• фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг
М	• кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг
У	• фикрингизни умумлаштиринг

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Намуна.

Фикр: “Тарих фанидан давлат таълим стандартлари талабларини халқаро андозалар асосида такомиллаштириш ва сертификатлаштириш таълим самарадорлигининг энг муҳим омилларидан биридир”.

1-Топшириқ: Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ технологияси орқали таҳлил қилинг.

2-Топшириқ: Бухоро амирлиги, Хива хонлиги, Қўқон хонлиги давлат бошқарувининг асосий фарқлари?



"ХУЛОСАЛАШ" (Резюме, Веер) методи

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айтилган пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантикий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда тингловчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Методни амалга ошириш тартиби:



Иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;



Машғулотнинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гуруҳга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни тарқатади;



Ҳар бир гуруҳ ўзига берилган муаммони атрафлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қилади;



Нвбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, ўқитувчи томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлар билан тўлдирилади ва мавзу якунланади.

Намуна:

Тарих фанидан Давлат таълим стандарти			
Собиқ стандарт		Янги стандарт	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги

Хулоса:



“SWOT-таҳлил” методи

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўллари топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.

S – (strength)	• кучли томонлари
W – (weakness)	• заиф, кучсиз томонлари
O – (opportunity)	• имкониятлари
T – (threat)	• тўсиқлар

Намуна: Тарих ўқитишда “Хулосалаш” методнинг SWOT таҳлилини ушбу жадвалга туширинг.

S	Тарих ўқитишда “Хулосалаш” методидан фойдаланишнинг кучли томонлари	
W	Тарих ўқитишда “Хулосалаш” методидан фойдаланишнинг кучсиз томонлари	
O	Тарих ўқитишда “Хулосалаш” методдан фойдаланишнинг имкониятлари (ички)	
T	Тўсиқлар (ташки)	

Намуна: Анъанавий ва замонавий таълим шакллари “SWOT-таҳлил” методида таҳлил қилинг.

S	Оддий дарсада ўқитувчи, тингловчиларга кўп маълумот бера олмайди	Замонавий дарсада камроқ маълумот берилади, бироқ улар
----------	--	--

		тингловчилар онгига сингдириб берилади
W	Ўқитувчи асосан аълочи, қизиқувчи тингловчилар билан гаплашади, яъни дарсда оз сонли тингловчилар қамраб олинади	Замонавий таълимда дарсда кўп сонли тингловчилар қамраб олинади
O	Оддий дарсда фақат ўқитувчи режа асосида ва тайёрлаб келган маълумотлари атрофида гаплашилади	Замонавий дарсда муҳокама жараёнида янги-янги масалалар, муаммолар юзага чиқиши, ғоялар туғилиши мумкин
T	Ўқитувчи учун асосий тўсиқ – дастурдан чиқиб кета олмаслик, тингловчи учун қизиқмаса ҳам ўқитувчини эшитиб ўтириш мажбурияти	Кенг муҳокама учун вақтнинг чегараланганлиги, тингловчиларни мавзудан четга буришга интилишлари



"Инсерт" методи

Методнинг мақсади: Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

Методни амалга ошириш тартиби:

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;
- таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини махсус белгилар орқали ифодаляйдилар. Матн билан ишлашда тингловчилар ёки қатнашчиларга қуйидаги махсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“–” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунлангач, таълим оловчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.



“Пинборд” методи

Пинборд (инглизчадан: pin – маҳкамлаш, board – ёзув тахтаси) мунозара усуллари ёки ўқув суҳбатини амалий усул билан мослашдан иборат. Муаммони ҳал қилишга оид фикрларни тизимлаштириш ва гуруҳлаштириш (классификация)ни амалга оширишга, жамоа тарзда ягона ёки аксинча қарама-қарши позицияни шакллантиришга имкон беради.

Ўқитувчи таклиф этилган муаммо бўйича ўз нуқтаи назарини баён қилишни сўрайди. Тўғридан-тўғри ёки оммавий ақлий ҳужумнинг бошланишини ташкил қилади (рағбатлантиради). Фикрларни таклиф қиладилар, муҳокама қиладилар, баҳолайдилар ва энг оптимал (самарали) фикрни танлайдилар. Уларни таянч хулосавий фикр (2 та сўздан кўп бўлмаган) сифатида алоҳида қоғозларга ёзадилар ва доскага маҳкамлайдилар.

Ўқитувчи билан биргаликда флипчарт (махсус доска ва махсус қоғоз ёпиштириш имконини берадиган скотч) ёрдамида фикрлар жамланади, классификация қилинади, муҳокамада эса оптимал ечимлар бўйича аниқланади.

Гуруҳ намоёндалари доскага чиқадилар ва маслаҳатлашган ҳолда:

- 1) якқол хато бўлган ёки такрорланаётган фикрларни олиб ташлайдилар;
- 2) баҳсли бўлган фикрларни ойдинлаштирадилар;
- 3) фикрларни тизимлаштириш мумкин бўлган белгиларини аниқлайдилар;
- 4) шу белгилар асосида доскадаги барча фикрларни (қоғоз ва варақларидаги) гуруҳларга ажратадилар;
- 5) уларнинг ўзаро муносабатларини чизиқлар ёки бошқа белгилар ёрдамида кўрсатадилар: жамоанинг ягона ёки қарама-қарши позициялари ишлаб чиқилади.

Маданият

моддий маданият	маънавий маданият




“Концептуал жадвал” методи

Концептуал жадвал методи - турли ғояларни, қарашларни ўзаро таққослаш ва уларни турли тоифалар бўйича таққослаган ҳолда баҳо беришга қаратилган органайзер ҳисобланади. Метод тингловчиларни ўрганилаётган мавзу (масала ёки муаммо) ни икки ёки ундан ортиқ жиҳатлари бўйича таққослашга ўргатади.

Ундан фойдаланишда тингловчиларнинг мавзу юзасидан мантикий фикрлаш, маълумотларни тизимли баён қилиш қобилиятлари ривожлантирилади.

Машғулотлар чоғида методдан фойдаланиш куйидаги тартибда кечади:



Ўрганилаётган мавзу моҳиятини жиҳатлар	ёритувчи	Мухим белгилар, тавсифлар		
		1-белги (тавсиф)	2-белги (тавсиф)	3-белги (тавсиф)
1-жиҳат				
2-жиҳат				
...				

Намуна:

Тарих дарсларида интерфаол таълим усулларида фойдаланишнинг жиҳатлари	Мухим белгилар, тавсифлар		
	1-белги (тавсиф)	2-белги (тавсиф)	3-белги (тавсиф)
“Ассесмент”			
“Инсерт”			
“Тушунчалар”			
“Брифинг”			
“Баҳс-мунозара”			
“Муаммоли вазият”			



"Тушунчалар" методи

Методнинг мақсади: мазкур метод Тингловчилар ёки қатнашчиларни мавзу бўйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу бўйича дастлабки билимлар даражасини таҳрис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- тингловчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гуруҳли тартибда);
- тингловчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изоҳини ўқиб эшиттиради ёки слайд орқали намоиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

Намуна: “Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўшимча маълумот
Тарихий манба		
Тарихий адабиёт		
Тарихий ҳужжат		
Тарихий харита		
Тарихий сурат		
Тарихий фонограмма		
Тарихий хат		
Тарихий макон		


Изоҳ: Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

“Муаммоли вазият” методи

“Муаммоли вазият” методи - таълим олувчиларда муаммоли вазиятларнинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилиш ҳамда уларнинг ечимини топиш бўйича кўникмаларини шакллантиришга қаратилган методдир.

“Муаммоли вазият” методи учун танланган муаммонинг мураккаблиги таълим олувчиларнинг билим даражаларига мос келиши керак. Улар қўйилган муаммонинг ечимини топишга қодир бўлишлари керак, акс ҳолда ечимни топа олмагач, таълим олувчиларнинг қизиқишлари сўнишига, ўзларига бўлган ишончларининг йўқолишига олиб келади. “Муаммоли вазият” методи қўлланилганда таълим олувчилар мустақил фикр юритишни, муаммонинг сабаб

ва оқибатларини таҳлил қилишни, унинг ечимини топишни ўрганадилар. Қуйида “Муаммоли вазият” методининг тузилмаси келтирилган.



“Муаммоли вазият” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Таълим берувчи мавзу бўйича муаммоли вазиятни танлайди, мақсад ва вазифаларни аниқлайди. Таълим берувчи таълим олувчиларга муаммони баён қилади.

2. Таълим берувчи таълим олувчиларни топшириқнинг мақсад, вазифалари ва шартлари билан таништиради.

3. Таълим берувчи таълим олувчиларни кичик гуруҳларга ажратади.

4. Кичик гуруҳлар берилган муаммоли вазиятни ўрганадилар. Муаммонинг келиб чиқиш сабабларини аниқлайдилар ва ҳар бир гуруҳ тақдимот қилади. Барча тақдимотдан сўнг бир хил фикрлар жамланади.

5. Бу босқичда берилган вақт мобайнида муаммонинг оқибатлари тўғрисида фикр-мулоҳазаларини тақдимот қиладилар. Тақдимотдан сўнг бир хил фикрлар жамланади.

6. Муаммони ечишнинг турли имкониятларини муҳокама қиладилар, уларни таҳлил қиладилар. Муаммоли вазиятни ечиш йўлларини ишлаб чиқадиладар.

7. Кичик гуруҳлар муаммоли вазиятнинг ечими бўйича тақдимот қиладилар ва ўз вариантларини таклиф этадилар.

8. Барча тақдимотдан сўнг бир хил ечимлар жамланади. Гуруҳ таълим берувчи билан биргаликда муаммоли вазиятни ечиш йўлларининг энг мақбул вариантларини танлаб олади.



"Т-жадвал" технология

Технология таянч тушунчаларни бир-бири билан ўзаро солиштириш, қиёслаш асосида ўрганилаётган мавзу ёки масаланинг муайян жиҳатини бир неча асосий белгиларга кўра батафсил ёритиш мақсадида қўлланилади. Кўп ҳолларда технология мавзу мазмунида ёритиладиган бир неча ҳолатларнинг афзаллик ёки камчиликларини, самарадорли ёки самарасизлигини, бугунги кун ва истиқбол учун аҳамиятини таққослаш мақсадида қўлланилади.

Агар улар ёзилган фикрга қўшилсалар, биринчи устунда “+“ акс ҳолда учинчи устунда “-“ белгисини қўядилар.

Изоҳ: Ўқитувчи: Янги мавзунини баён қилади ва тингловчиларга икки қарама-қарши жиҳат ҳақида бошланғич маълумотларни беради;

- топшириқни яқка тартибда бажаришларини сўрайди ва 10 дақиқа вақт ажратади;

- вақт тугагач тингловчилардан изоҳларсиз ўз фикр – мулоҳазаларини ўқиб эшиттиришларини айтади;

- барча хулосалар тинглангач, умумлаштирилади ва якуний хулоса шакллантирилади.

Тингловчи:

- мавзунини диққат билан тинглайди;

- ўзи учун зарур бўлган маълумотларни дафтарига қайд қилиб боради;

- берилган схема асосида тушунчага нисбатан ўзининг мустақил фикрини билдиради;

- якуний хулосаси билан ўтирганларни таништиради;

- регламентга риоя қилади.

Кутиладиган натижа: Тингловчилар мавзу юзасидан зарурий билимларни ўзлаштиради, курснинг моҳияти ҳақида тасаввурга эга бўлади

“Т-жадвал” технологияси

Ўрганилаётган масала (ғоя, омил)	
+ (ха, ижобий) афзаллиги (ютуғи)	- (йўқ, салбий) камчилиги
1.	1.
2.	2.
...	...

“Инновацион технологияларни дарсда фойдаланиш”

Афзалликлари	Камчиликлари
“Қайтар алоқа” нинг таъминланиши	кўп вақт талаб этилиши
мотивациянинг юқори даражада бўлиши	тингловчиларни назорат қилиш имкониятининг пастлиги
ўтилган материалнинг яхши эсда сақлаб қолиниши	объектив баҳолашнинг қийинлиги

мулоқатга киришиш кўникмасининг такомиллашиши	ўқитувчининг ўзидан ҳам ривожланган фикрлаш қобилиятига ва муаммолар ечиш кўникмасига эга бўлишининг талаб этилиши
ўз-ўзини ва бошқаларни баҳолаш кўникмасининг шаклланиши	ижодий шовқин бўлиши
мустақил фикрлаш	қайтар алоқанинг
ХУЛОСА	

Т-схема кўринишида вазифа

Ҳа	Фикр-мулоҳазалар	Йўқ
	Ўзбекистонда "Ташсельмаш", "Ўзбексельмаш", "Красний двигатель", "Подъемник" ва бошқа заводлар пахтачиликни ривожлантириш мақсадларига мослаштирилди.	
	1950 йил Ўзбекистонда 2.220 минг тонна пахта тайёрланди.	
	Суғориш ишларини яхшилаш учун сунъий сув омборлари қурилди.	
	XX асрининг энг йирик экологик - "Орол фожеаси" вужудга келди.	
	Ўзбекистон мамлақати пахта хом-ашё базасига айлантирилди.	
	Ўзбекистон "Оқ-олтин"дан катта манфат кўрарди.	



“Блиц-ўйин технологияси”

Сана ва воқеаларни тўғри хронологик кетма-кетликда жойлаштиринг.

Саналар – 395, VI аср, 527-565, 534, VI асрнинг ўрталари, VII аср, X-XI аср, IX-XI асрлар.

Тарихий воқеалар – Рим империяси икки мустақил давлатга бўлинди, Константинополь, Юстиниан I императорлиги даври, Юстиниан I Велисарийни шимолий Африкага жўнатди, Византиянинг заифлашуви славян қабилалари истилоларига йўл очди, Араб халифалиги ҳужумлари натижасида Сурия ва Миср қўлдан кетди, императорлар амалдорлар, ибодатхоналар ва монастирларга қўплаб ер-мулклар инъом этадилар, феодал муносабатларнинг узил-кесил ўрнатилишига олиб келди.

Йил, сана	Содир бўлган воқелик

“Венн диаграммаси” стратегияси

Стратегия тингловчи (тингловчи)ларда мавзуга нисбатан таҳлилий ёндашув, айрим қисмлар негизида мавзунинг умумий моҳиятини ўзлаштириш

(синтезлаш) кўникмаларини ҳосил қилишга йўналтирилади. У кичик гуруҳларни шакллантириш асосида аниқ схема бўйича амалга оширилади.

Стратегия тингловчи (тингловчи)лар томонидан ўзлаштирилган ўзаро яқин назарий билим, маълумот ёки далилларни қиёсий таҳлил этишга ёрдам беради. Ундан муайян бўлим ёки боблар бўйича якуний дарсларни ташкил этишда фойдаланиш янада самаралидир.



“Ҳамкорликда ўқитиш” методи

Ҳамкорликда ўқитишнинг асосий ғояси – бирор нарсани бирга бажариш эмас, балки ҳамкорликда ўқиш, ўрганишдир!

Ҳамкорликда ўқитишнинг самарадорлиги:

1. Ахборотга танқидий ёндашув ва ўз нуқтаи назарини далиллар билан асослашни шакллантиради. Бу кўникмалар ҳамкорликда ўқиётганларда бири-бири билан рақобат қилаётган ёки индивидуал ўқиётганларга қараганда яхшироқ ривожланган. Хаттоки, ҳамкорликда бажарилган ёзма ишлар чуқур мазмунга эгаллиги билан фарқланади.

2. Ижодий қобилиятлар ривожланади. Ҳамкорликда ўқиётган гуруҳ аъзолари бетақрор ғояларни кўпроқ ишлаб чиқади, турли мақсадларга эришишда ва дарс жараёнида пайдо бўлган ҳар хил ўқув масалаларининг янги ечимларини топишда ижодий қобилиятлар ривожланиб боради.

3. Бир вазиятда олинган билимлар бошқа вазиятда қўлланишига кўмаклашади. Бугун гуруҳ бажарган топшириқни эртага ҳар тингловчи мустақил бажара олиши мумкин.

4. Дарс мазмунига ижобий ёндашув шакллантирилади. Ҳамкорлик билимларга кўпроқ қизиқиш учун ҳам шароитлар яратади. Машғулот ўтказиш усули қанчалик такомиллашган бўлса, тингловчиларнинг ўрганилаётган масалага қизиқиши ва фаолли ортиб боради.

5. Топшириқларни бажариш учун кўпроқ вақт сарфланади. Ҳамкорликда ўқиётганлар топшириқларни бажариш учун рақобат қилаётган ёки индивидуал ўқиётганларга нисбатан кўпроқ вақт сарфлайдилар.

Ҳамкорликда ўқитишнинг асосий афзалликлари:

- ҳамкорликда ўқиётган тингловчилар бир-бирининг муваффақиятига кўмаклашади;

- ёрдам ва мадад берадилар ва ёрдамни қабул қиладилар, гап фақат ўқиш тўғрисида эмас, балки инсоний, дўстона муносабат тўғрисида кетаяпти;

- ахборот ва “моддий ресурслар”, яъни топшириқни бажариш учун зарур бўлган барча нарсалар билан алмашади;

- ўртоқлари берган маълумотларни ўзлаштиради ва қўллашга ҳаракат қиладилар. Оғзаки тушунтиришлар, ахборотни ўйлаб кўриш ва умумлаштириш, ўз билимлари ва кўникмаларини бошқаларга узатиш – буларнинг ҳаммаси

билимларни тартибга солиш, уларни яхшироқ англаб ўзлаштириш ва умумий мақсадга эришишга шахсий улушини қўшишга олиб келади;

- тингловчилар бир-бири билан музокара олиб боришга ва далиллар келтиришга ўрганади. Интеллектуал майдондаги зидликлар қизиқувчанликни ривожлантиради, билимларни ўзлаштириш ва уларни қайта англаш, ўрганилаётган муаммога чуқурроқ киришишга ундайди ҳамда бошқа кўп фойдали сифат ва кўникмаларни шакллантиради;

- тингловчилар яхшироқ ўқишга интилишда бир-бирига кўмаклашади. Ўқишда ўртоқларига ёрдам бераётган тингловчи ўзи ҳам сезиларли даражада яхшироқ ўқийди;

- бир-бирига таъсир этади. Ҳамкорликда ўқиётган гуруҳ аъзолари ўртоқларига таъсир этишининг ҳар қандай имкониятидан фойдаланадилар ва ўз навбатида таъсир учун очиклар;

- аниқ ифодоланган мотивацияга эга. Билимларни ўзлаштиришга интилиш умумий мақсадга эришишга қаратилган ҳамкорликдаги меҳнат туфайли кучаяди;

- ўзаро ишонч шароитини яратади ва талабларни юқори даражада ушлаб туради. Гуруҳ аъзолари ўз ўртоқларига ишонадилар ва ўзларини ўртоқлари ишончини қозонадиган тарзда тутадилар, бу катта муваффақиятларга эришиш учун шароитлар яратади. Ўзаро ишонч – ҳар бирининг юқори ютуқлари учун яхши асос.

Ҳамкорликдаги ўқиш тамойиллари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- гуруҳга битта топшириқ;
- битта рағбат: гуруҳ барча иштирокчилари ҳамкорликдаги иш баҳоси (умумий натижага эришиш учун барча гуруҳ аъзолари сарфлайдиган кучи баҳоланади) ва академик натижалари йиғиндисидан ташкил топган битта баҳо олади, яъни гуруҳ (команда) муваффақияти ҳар бир иштирокчининг ҳиссасига боғлиқ;

- ҳар бирининг ўз муваффақияти ва гуруҳнинг бошқа аъзолари муваффақияти учун шахсий масъулияти;

- ҳамкорликдаги фаолият: гуруҳий музокара, ҳамкорлик, ўзаро ёрдам бериш каби ўзаро ҳаракат усуллари асосида ташкил топади;

- муваффақиятга эришишда тенг имкониятлар: ҳар бир ўқиётган ўз шахсий ютуғини такомиллаштириш, шахсий имкониятлари, қобилиятларидан келиб чиққан ҳолда ўқишга берилган бўлиши зарур, чунки у бошқалар билан тенг баҳоланади.

Гуруҳда ишлаш қоидалари:

Ҳар ким ўз ҳамкасблари нутқини хушмуомалалик билан тинглаши зарур;

Ҳар ким фаол, биргаликда ишлаши, берилган топшириққа масъулиятли ёндашиши зарур;

Ҳар ким ёрдамга мухтож бўлганда уни сўраши зарур;

Ҳар кимдан ёрдам сўралса, ёрдам қилиши зарур;
Ҳар ким гуруҳ ишини натижаларини баҳолашда иштирок этиши зарур.
- Бошқаларга ёрдам бериб, ўзимиз тушунамиз!
- Биз битта кемадамиз: ёки бирга сузиб чиқамиз, ёки бирга чўкиб кетамиз!

Гуруҳда топшириқни бажариш йўриқномаси:

1. Гуруҳ лидерини сайланг.
2. Топшириқ билан танишинг ва уни қандай қилиб бажаришингизни муҳокама қилинг.
3. Топшириқни бажаринг.
4. Такдимотга тайёрланинг.
5. Такдимот ўтказинг.
6. Гуруҳ ишини баҳоланг.

1-босқич

Гуруҳ иш жойини тайёрлаш – стол ва ўриндиқлар шундай жойлаштириладики, бунда таълим берувчи аудиторияда эркин ҳаракатлана олсин, ҳар бир гуруҳ аъзоси бир жойда бўлишлари ва бир-бирларини кўришлари ва эшитишлари керак, зарур ўқув қўлланмалар барчага етарли бўлиши керак.

2-Асосий босқич

1. Таълим олувчиларни гуруҳларга тақсимлаш – танланган кичик гуруҳларга бирлаштириш йўли асосида таълим олувчиларни гуруҳларга бўлади.

2. Ўқув топшириқларини тарқатиш – муаммоли вазиятни таклиф қилади, таълим олувчилар билан биргаликда уни эчиш йўли ва тартибини муҳокама қилади, гуруҳларда ҳамкорликдаги фаолиятни тақдим этиш шаклини маълум қилади. Ҳар бири ва бутун гуруҳнинг натижаларини баҳолаш мезонларини тушунтиради.

3. Ўқув топшириқларни бажариш бўйича йўриқномани тушунтириш. Гуруҳлар бўйича ишни бажариш учун зарур материалларни тарқатади. Топшириқни баажаришда қандай қўшимча материалларидан фойдаланиш мумкинлигини тушунтиради. Гуруҳларда ишлаш қоидаларини эслатади.

Доскада гуруҳли ишни бажариш бўйича йўриқномани ёзади ёки тарқатади.

4. Таълим олувчилар билан қайтар алоқани амалга ошириш Таълим олувчилар билан гуруҳли ишни бажариш бўйича йўриқномани муҳокама қилади; ҳаммалари уни тушунганларига ишонч ҳосил қилади.

5. Гуруҳларда ўқув топшириқни бажариш жараёнини ташкил этиш – ўқув топшириқни бажариш бўйича ишни бошланиши ҳақида эълон қилади; Гуруҳ ишини назорат қилади. Гуруҳ ишини режалаштириш, вазифаларни гуруҳ аъзолари ўртасида тақсимлаш, вазифани бажариш бўйича яқка тартибда ишлаш, яқка тартибда топилган ечимларни муҳокама қилиш, гуруҳ учун умумий ечимни ифодалаш, гуруҳ иши натижаларини тақдимотини тайёрлаш, аниқ топшириқни баажариш учун зарур бўлган алоҳида бўлиб ишлашга, кўникмаларни

шакллантиришга эътиборини қаратади. Иш боришини шарҳлайди, ютуқларни баҳолайди, айрим аниқ, ва самимий танбеҳ қилади.

6. Гуруҳ иши тақдимотини ташкил қилиш – бажарилган иш натижалари тўғрисида маълумот бериш учун гуруҳ вакилларини тайинлайди. Баҳолаш мезони ва кўрсаткичларини эслатади.

3-Назорат –якуний босқичи

Яқун яшаш – натижалар текширувини ўтказди: гуруҳнинг ҳар бир иштирокчиси билан гаплашади; Гуруҳ ишини таҳлил қилади, топшириқ бажарилишининг якунини қилади, эришилган мақсад тўғрисида хулосалар чиқаради.

Ҳамкорликда ўқитишнинг самарадорлиги

1. Ахборотга танқидий ёндашув ва ўз нуқтаи назарини далиллар билан асослашни шакллантиради.

2. Ижодий қобилиятлар ривожланади.

3. Бир вазиятда олинган билимлар бошқа вазиятда қўлланишига кўмаклашади.

4. Дарс мазмунига ижобий ёндашув шакллантирилади.

5. Топшириқларни бажариш учун кўпроқ вақт сарфини талаб этади.

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-МАВЗУ. ДАВЛАТЧИЛИКНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ: ТУШУНЧАЛАР, ДАВРЛАШТИРИШ, ШАКЛЛАНИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ НАЗАРИЯЛАРИ.

Режа:

1. Давлатчилик тушунчаси ва белгилари.
2. Давлатчиликнинг шаклланиши: цивилизацион ёндашув.
3. Ўзбекистон ҳудудларидаги қадимги давлатлар тараққиётининг даврлаштириш масалалари.
4. Ўзбекистон ҳудудларидаги қадимги давлатларнинг типологияси.

Таянч тушунчалар: Давлатчилик, давлат, ташкилот, жамият, бошқарув, бошқарув аппарати, бошқарув шакллари, ҳокимият, суверенитет, халқаро мунсабатлар, ҳуқуқий муносабатлар, қонун.

1. Давлатчилик тушунчаси ва белгилари.

“Давлатчилик” сўзи остида қандай тушунча ётади, бу ҳақда бир қатор мутахассисларнинг турлича ёндашувлари ва изоҳларини кўриш мумкин.

“Давлат” сўзи латинча “*status*” – *ҳолат (положение-рус т.)* тушунчасини англатади. Латинча “*status*” жумласи италян тилида “*stato*”, испан тилида “*esado*”, немис тилида “*staat*”, инглиз тилида эса “*state*” тарзида талаффуз қилинади ва бу барча тушунчаларнинг остида жамиятни бошқариш, унинг сиёсий ҳаётини ташкил қилишнинг бошланишидаги ҳолат тушунчалари каби ягона умумийлик ётади¹.

Давлат ҳақидаги, унинг бошқарув вазифалари ва давлатнинг бошқарувдаги суверенлиги каби тўлақон тушунчалар XVI-XVII асрларда тўлиқ шаклланди.

Шу ўринда бу соҳанинг айрим мутахассисларининг фикрларини келтириб ўтиш ўринли, хусусан, XX аср тадқиқотчиларидан бири Ф.Хайек давлатчилик тушунчасини тушунтиришда давлат аппарати (бошқарув органлари) тушунчаси билан изоҳлаб беради².

Француз олимлари Б.Бади ва П.Бирибумалар эса давлатчилик тушунчасини “фуқаролик амалдорлари ҳамда куролли кучларга эга бўлган

¹ Ушбу маъруза матнини тайёрлашда Э.Ртвеладзе ва А.Саидовларнинг “Теоретические вопросы государственности (понятийность, периодизации и теории возникновения и развития)” номли мақоласидан фойдаланилди. Қаранг: Ртвеладзе Э., Саидов А. Теоретические вопросы государственности (понятийность, периодизации и теории возникновения и развития) / Очерки историографии государственности Узбекистана. Том 1. Институт истории АН РУз. Д.А.Алимова. –Т.: Издательство “Navro’z”, 2018. Стр. 3-30.

² Хайек Ф. Общество свободных. Сдерживание власти и развенчание политики // Открытая политика. 1995. №8. С.41; Қаранг: Ртвеладзе Э., Саидов А. Теоретические вопросы государственности (понятийность, периодизации и теории возникновения и развития) / Очерки историографии государственности Узбекистана. Том 1. Институт истории АН РУз. Д.А.Алимова. –Т.: Издательство “Navro’z”, 2018. Стр. 3

хизматчиларнинг яхши ташкил этилган ҳокимият машинаси” сифатида изоҳлайди³.

Бошқа бир тадқиқотчи Ж.Хэллоуэллнинг фикрича, давлатчилик тушунчаси остида давлат - инсонийлик хислатларини юксалтириш, инсонларнинг жамият фаровонлигига хизмат қилувчи ижодий эркинлигини таъминлаш, айти вақтда жамият ҳаётига хавф солувчи ёвузликларни бартараф этиш чораларини кўришга хизмат қилувчи ташкилот эканлиги сифатида таърифлайди⁴.

А.С.Ахиезернинг таъкидлашича, давлат – жамият орасидан бошқарувни таъминлаш учун ихтисослашиб чиққан ва пировард натижада профессионал бошқарув даражасига эришган бошқарув аппаратиدير⁵.

Юқоридаги тадқиқотчиларнинг бир-биридан мустақил тарзда билдирган фикрларидан кўриш мумкинки, давлатчилик тушунчаси кўпқиррали ва кўп томонлама функциявий тушунчаларни англантиши мутахассилар томонидан таъкидлаб ўтилган.

Тушуниш мумкинки, давлат ўз-ўзини бошқарувчи ва тараққий этиб боровчи тизимларга ва тузилишларга эга ва шу соҳаларни тасарруф этувчи ташкилот сифатида кўрсатилсада, айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, “фанда ёки унинг алоҳида айрим бир соҳаларида (ёки фаннинг айрим ҳолатдаги тараққий этган босқичида) давлатчилик тушунчасига ҳозирча тўлақонли аниқлик шаклланмаган”, деган қарашлар ҳам йўқ эмас⁶.

Шу ўринда давлатчилик соҳасида тадқиқотлар олиб борган мутахассисларнинг давлатчилик тушунчаси ва унга алоқадор хусусиятлар борасидаги билдирган хулосавий фикрлари ҳам мвжудки, бу алоқадорлик ва хусусиятлар давлатларнинг қандай тарихий тараққиёт босқичларини босиб ўтганлиги, қандай бошқарув шакллари амалиётдан ўтказганлиги ва қолверса, инсонлар онгида бу давлатларга нисбатан қандай қарашлар шаклланганлигидан қатъий назар уларнинг барчаси учун хос, деб кўрсатилади, хусусан,

Биринчидан, давлат ўз фуқароларининг жамоавий ҳудудий яхлитлиги, бир бутунлигига асосланади. Ҳудудий (территориал) яхлитлик ёки бир бутунлик давлатларнинг бошқа бир давлатлардан алоҳида бўлган ҳудудларининг чегараларини, давлат бошқарув органларининг шаклланиши ва тартибларини,

³ Бади Б., Бирибума П. Переосмыслениесоциологии государство // Международный журнал социальных наук. 1994. №4, С.17; Қаранг: Ртвеладзэ Э., Саидов А. Теоретические вопросы государственности (понятийность, периодизации и теории возникновения и развития) / Очерки историографии государственности Узбекистана. Том 1. Институт истории АН РУз. Д.А.Алимова. –Т.: Издательство “Navro’z”, 2018. Стр. 3

⁴ Хэллоуэлл Ж. Моральные основы демократии. М.1993. С.114; Қаранг: Ртвеладзэ Э., Саидов А. Теоретические вопросы государственности (понятийность, периодизации и теории возникновения и развития) / Очерки историографии государственности Узбекистана. Том 1. Институт истории АН РУз. Д.А.Алимова. –Т.: Издательство “Navro’z”, 2018. Стр. 4

⁵ Ахиезэр А.С. Синретизм или либерализм // Рубежи. 1995. №4. С.71; Қаранг: Ртвеладзэ Э., Саидов А. Теоретические вопросы государственности (понятийность, периодизации и теории возникновения и развития) / Очерки историографии государственности Узбекистана. Том 1. Институт истории АН РУз. Д.А.Алимова. –Т.: Издательство “Navro’z”, 2018. Стр. 4

⁶ Белков П.Л. Раннее государство, предгосударство, протогосударство: игра и термины // Раннее формы политической организации: от первобытности к государственности. М. 1995. С.197. Қаранг: Э.Ртвеладзэ. А.Саидов. Теоретические вопросы государственности (понятийность, периодизации и теории возникновения и развития) / Очерки историографии государственности Узбекистана. Том 1. Институт истории АН РУз. Д.А.Алимова. –Т.: Издательство “Navro’z”, 2018. Стр. 4.

уларнинг вазифалари ва функцияларини алоҳида, ўзига хос эканлигини белгилаб беради. Таъкидлаб ўтиш керакки, ҳудуд ёки ҳудудий яхлитликнинг ўзигина давлатнинг белгиси сифатида хизмат қилмайди, балки, ундаги аҳолининг айнан шу ҳудудга тааллуқли эканлиги, шу ҳудудда барча тарихий даврларда яшаб келаётганлиги шу аҳоли ёки фуқароларнинг айни давлатга тегишли эканлигини белгилаб беради.

Иккинчидан, давлат – махсус оммавий ҳокимият бошқарув ташкилоти бўлиб, сиёсий характерга эга бўлади. Сиёсий ҳокимият ибтидоий жамоа тузумидаги жамоавий ҳокимиятдан фарқли равишда биринчи навбатда жамиятнинг алоҳида бир қисмининг ёки ижтимоий гуруҳларнинг ва синфларнинг корпоратив манфаатлари ва қизиқишларини акс эттиради.

Учинчидан, сиёсий ҳокимиятни ифодаловчи кўп сонли давлат аппарати ишини ташкил этиш ҳамда хизматчиларининг таъминоти учун солиқлар, йиғимлар ва турли тўловларнинг мавжудлиги. Шунинг учун солиқ (молиявий хизматлар) хизмати ҳар қандай давлатнинг энг муҳим функцияларидан бири саналади.

Тўртинчидан, суверенитет, яъни давлатга хос бўлган ўз ҳудудий бирлигида олий ҳокимиятни амалга ошириши ва халқаро мунсабатлар мустақил бўлиши.

Бешинчидан, давлат ҳуқуқий муносабатлар ва қонунларсиз мавжуд бўлмайди, шунинг учун давлатнинг қонун ижодкорлиги ҳам муҳим ўрин тутаяди.

Демак, бу кўрсатиб ўтилган заруриятлар ёки шартлар давлатланинг ҳар қандай ҳолатдаги шаклланиши ва ривожланиши, унинг тараққиёт даражаси ва бошқарув шаклидан қатъий назар барчаси учун хос бўлган омиллар саналади⁷.

Давлат тушунчаси: моҳияти, белгилари, типлари, шакллари, функциялари “Давлат” тушунчаси кенг маънога эга. Бу тушунча тўрисида олимлар узоқ вақтлардан буён баҳслашиб келишади. Жаҳон тарихшунослигида илк давлатларнинг шаклланиши борасида кўплаб назариялар мавжуд:

- давлатлар мулкий табақаланиш маҳсули бўлиб, унинг куртаклари қадимги жамоалар даврида пайдо бўлган (Қадимги Шарқ);

- ривожланган жамоаларда синфий дифференция ва давлатчилик бўлган ёки ҳарбийлашган жамоалар босқинидан ўзларини ҳимоя қилиш йўлида ҳимоя воситалари ва давлат бошқарув тизимини ривожлантириб борган, акс ҳолда варварлар ҳужумининг қурбонига айланган. Бу ҳолатда ривожланган жамоа учун давлатчилик иккиламчи, уруғ жамоа тузуми даражасида бўлган халқлар учун давлатчилик бирламчи ҳисобланади (V-VI асрларда Рим империясининг Варварлар томонидан босиб олинishi);

- синфий дифференциясиз жамиятда давлатларнинг пайдо бўлиши (Шан-Инь, Майя, Инклар, Ацтеклар - Колумбгача бўлган Америка халқлари). Бу халқларда ерга эгалик қилиш, жамоа мулки ёки синфий стратификация сезилмайди. Аввал примитив давлатларнинг шаклланиши ва кейин эса синфларнинг шаклланиши юз берган;

⁷ Очерки историографии государственности Узбекистана. Том 1. Стр. 5-6.

- тўртинчи ҳолатда синфий дифференция ва давлатчилик бир вақтда шаклланади. Албатта, бу жамоада давлатчилик кўшни халқларнинг - давлатларнинг таъсирида (Аттика) пайдо бўлади⁸.

Юқоридагилардан кўриш мумкинки, давлатчиликнинг шаклланишини бир қолипга солиб бўлмайди⁹.

Давлат белгилари жадвали

Давлатнинг моҳиятини тушунишда учта асосий назарий ёндашув мавжудлиги ҳақида ҳам адабиётларда қарашлар мавжуд: **ижтимоий, синфий** ва **сиёсий-ҳуқуқий**. Биринчи ёндашувга кўра давлат ҳукмдорлар ва халқнинг ўзаро муносабатини тартибга солади, иккинчи ёндашув бўйча кўрадиган бўлсак, давлат ибтидоий жамоа тузумининг емирилиши, синфларнинг пайдо бўлиши билан ҳукмрон синфнинг қуроли сифатида унга қарши курашиш учун майдонга чиққан. Учинчи ёндашувда, давлат жамиятнинг ва ўзининг ҳаётини ташкил этувчи ҳуқуқ манбаидир. Давлатнинг иқтисодий соҳадаги моҳияти ишлаб чиқариш воситаларига эгалликни билдирса, сиёсий ҳукмронлик бутун аҳолини давлат аппарати ва муайян қонунлар ёрдамида давлат бошқарувини амалга оширишдан иборатдир¹⁰.

2. Давлатчиликнинг келиб чиқиши: цивилизацион ёндашув

Давлатчиликнинг келиб чиқиши масаласи – тарих ва юридик фанлари соҳаларида бугунги кунгача энг мунозарали масалалардан бири бўлиб келмоқда. Давлатчиликнинг юзага келиши ва пайдо бўлишини тушунтириб беришга асосланган жуда кўплаб назариялар мавжуд. Бироқ шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, алоҳида бир мазмундаги назарий ёндашувларда ҳам давлатчилининг шаклланиши борасидаги бир-биридан фарқланувчи фикрларни кузатиш мумкин, бунинг сабаби ўрганилаётган масалалар вақт нуқтаи назаридан жуда узоқ даврлар аввал содир бўлган ва биринчидан бу жараёнларни илмий моделлаштиришнинг имкони ниҳоятда кам бўлса, иккинчидан бу моделлаштиришлар мутахассилар томонидан жуда ҳам ишонарли тарзда қабул қилинмаслиги табиий.

Ўзбекистонда ҳам давлатчилик жаҳоннинг бошқа ҳудудларида бўлганидек, инсоният тараққиётининг маълум бир босқичларида шакллана бошлади. Тарих фанидаги сўнгги маълумотларга асосланиб айтиладиган бўлса, замонавий одамларнинг аждоди бўлган краманьон одами бунда 40 минг йиллар аввал яшаган бўлса, энг дастлабки давлатлар бундан 5 минг йиллар аввал, яъни, милoddан аввалги 4-3 минг йилликлар чегарасида пайдо бўлганлигини кўриш мумкин. *Давлатчиликнинг келиб чиқишида цивилизацион ёндашув* тарафдорларининг қарашларича, давлатчиликнинг инсоният томонидан

⁸ Илюшечкин В.П. Теория стадийного развития общества. - М.,1996. - С. 294-296.

⁹ Шайдуллаев Ш.Б. Ўзбекистон ҳудудида давлатчиликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари. (Бактрия мисолида). Тарих фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Самарқанд. 2009. 3-4-бетлар.

¹⁰ Саидов А., У.Таджиханов, Х.Одилқориев, Давлат ва ҳуқуқ асослари. Тошкент, “Шарқ”. 2002. 11-бет.

“ихтиро” қилинганлигига унчалик ҳам кўп вақт ўтгани йўқ, яъни, инсоният ўзининг онгли ҳаётининг нисбатан жуда катта қисмини давлатчиликка асосланган жамият бошқарувидан ҳоли ўтказган¹¹.

Бир неча минг йиллар, асрлар ва хатоки ўн йилликлар аввалги давлатчилик ҳозирги мавжуд давлатчиликдан маълум даражада фарқланган, шундан келиб чиққан ҳолда кўпинча давлатчиликнинг тараққиёти масаласи ҳақида сўз юритилганда “давлат типи” тушунчаси ҳақидаги тушунчага кўпроқ урғу берилади.

Давлат типи – умумий белгиларига асосан ва ички тузилиш моҳиятини акс эттирувчи бошқарувни англатади.

Давлат ва ҳуқуқ назариясида давлатни типларга ажратишда ягона ёндашув йўқ. Типларини шартли равишда куйидагиларга бўлиш мумкин:

Совет даври ижтимоий фанларида давлатчилик масалалари ҳамда унинг тарихи ва тараққиёти масалаларида давлат ва жамият тараққиётининг формацион ёндашуви тушунчаси етакчи мавқега эга бўлди. Бироқ бу ёндашувда бир қатор хатоликларга йўл кўйилдики, улар куйидаги ҳолатларда намоён бўлди:

Биринчидан, давлатчиликнинг бир типни иккинчисига механик равишда ўз ўрнини бўшатиб беради, деган бир томонлама ёндашувнинг устунлиги;

Иккинчидан, кулдорлик давлати, феодал давлат, социалистик давлат типлари сифатида давлат шакллари, яъни формаларини аниқлаб берлди, декан давлатчилик тараққиёти тарихи жараёнида кўриндики, барча давлатлар ва давлатчилик жараёнлари ҳам бу формацияга ҳар доим ҳам мос келавермайди;

Учинчидан, Осиёча ишлаб чиқариш усули инкор қилинди;

Тўртинчидан, маънавий омилларга етарли даражада баҳо берилмади ва давлатчиликдаги уларнинг ўрни ва таъсири инобатга олинмади;

Бешинчидан, Социалистик давлат типини энг олий давлат типни сифатида етакчи мавқеда баҳоловчи апологетик¹² ёндашув етакчилик қилди.

Давлат типлари жадвали

Ҳозирги вақтда *давлатчиликнинг типологиялаштириши масаласида цивилизацион ёндашув* катта аҳамият касб этмоқда.

Цивилизацион ёндашув асосини “цивилизация” – (лотин *civilis* – фуқаровий (гражданский) тушунчаси ташкил этади. Аксарият илмий адабиётларда цивилизация тушунчаси жамиятнинг тараққиёти даражасини белгиловчи тушунча сифатида маълум.

Шу нуқтаи назардан цивилизацион ёндвашувда давлатни типологиялаштиришнинг ташқи хусусиятлари эмас, балки давлатнинг ички функциявий жиҳатлари асосий ўринга кўйилади.

¹¹ Очерки историографии государственности Узбекистана. Том 1. Стр. 6.

¹² Апологетика - диний ибора бўлиб, айрим ҳолларда тарих фанида ҳам қўлланилади ва кўр-кўрона ҳимоя қилиш маъносига тарихий воқеаларнинг ва жараёнларнинг барчаси олдиндан белгиланган ва маълум қонуниятларга асосланган ҳолда содир бўлади деган теологик тушунча. Қаранг: Илҳомов З. Тарих фани методологияси. Тадқиқот усулбулари ва терминларининг изоҳли луғати. Тошкент, 2013. 22-6

Тарихни “цивилизация” тушунчаси ёрдамида ўрганиш инглиз тарихчиси А.Тойнби (1889-1975) томонидан унинг 12 томли “Постижение истории” (1934-1961) номли китобида илгари сурилган. Тойнби барча цивилизацияларни миллий, диний, географик ва бошқа жиҳатларига қараб 21 та цивилизацияга бўлиб таҳлил қилади. Умуман турли олимлар томонидан цивилизациялар 15-20 тадан 30 тагача кўрсатилади¹³.

Умуман, давлатчиликни типологиялаштириш масаласида цивилизацион ёндашувнинг хусусияти шундаки, бунда асосий омиллар сифатида жамиятнинг ижтимоий ва маданий тараққиёти, халқнинг маънавий тараққиёти даражаси, анъаналари ва миллий характер, менталитет, мафкураининг характери, географик муҳит ва бошқалар асосий ўрин тутди¹⁴.

Давлатчиликнинг келиб чиқишидаги цивилизацион ёндашув масалаларига хулоса сифатида қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш ўринлидир:

1. Давлат инсоният ҳаётининг барча даврларида ҳам, яъни ҳар доим ҳам мавжуд бўлмаган (дастлабки давлат 5 минг йил аввал ташкил топган бўлса, ундан аввал ибтидоий жамоа даври ҳукм сурган)

2. Давлатчилик жамият тараққиёти қонуниятининг моддий ва маънавий ҳаёт шароитлари ва эҳтиёжлари натижаси сифатида шаклланди.

3. Давлатчилик узоқ давом этган тарихий жараёнларнинг маълум бир алоҳида даврида шаклланди.

4. Давлатчилик бир қатор омилларнинг таъсири остида шаклланди.

5. Давлатчиликнинг шаклланиши жараёни – бу марта содир бўладиган жараён эмас, балки бу жараён давлатчиликнинг қарор топиши учун зарур омилларнинг қарор топишигача давом этади. Шу нуқтаи-назардан турли халқлар ўз давлатчилигига турли тарихий даврларда, яъни бири аввалроқ, бошқаси кейинроқ эришган.

6. Давлатчиликнинг шаклланиши омиллари конкрет-тарихий шароитда ўзини турлича кўринишда намоён этди ва ҳар бир алоҳида конкрет ҳолатда ўзининг махсус хусусиятларига эга бўлди.

7. Давлат жамият қизиқишлари ва манфаатларини ифодалаган ҳолда жамият устидан турувчи куч сифатида шаклланди¹⁵.

Хулоса сифатида айтиш керакки, давлатчиликнинг шаклланишида цивилизацион ёндашув айни вақтда шаклланиш жараёнини кечирмоқда ва илмий адабиётларда давлатнинг типларга бўлиниши борасидаги ягона ва тугал фикрлар батафсил ўз аксини топган эмас.

3. Ўзбекистон ҳудудларидаги қадимги давлатлар тараққиётининг даврлаштириш масалалари.

Ўрта Осиёда давлатчилик эволюциясини милоддан аввалги II минг йиллик иккинчи ярмидан бошлаб милодий III – IV асрларгача бўлган вақт орасида бир нечта даврларга бўлиш мумкин. Ўзбекистон ҳудудларида илк давлатчиликнинг

¹³ Очерки историографии государственности Узбекистана. Том 1. Стр. 10.

¹⁴ Очерки историографии государственности Узбекистана. Том 1. Стр. 9-10.да

¹⁵ Очерки историографии государственности Узбекистана. Том 1. Стр. 11-12.

шаклланиши сўнги бронза даврида ўтроқ-деҳқончилик маданияти тарқалган жанубий ҳудудларда содир бўлди. Бу жараённинг яқунланиши шу вақтда Ўрта Осиёда мавжуд бўлган Кушонлар империяси ҳамда Парфия империяларининг емирилиши даврига, яъни милодий III аср биринчи ярмиларига тўғри келади. Тахминан шу даврларда Қанғ давлати ҳам тугаб борди¹⁶.

Мана шу оралиқда ўтган даврларда Ўрта осие ҳудудларида давлатчиликнинг шаклланиши, кечиши ва қарор топиши жараёнлари мутахассислар томонидан олти даврга бўлиб кўрсатилади ва уларнинг асосий жиҳатлари кўрсатиб берилади.

Биринчи давр – милоддан аввалги II миғ йиллик – Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида протодавлатларнинг, яъни илк давлатларнинг шаклланиши содир бўлди ва давлатчиликнинг тузилиши қарор топа бошлади. Давлатчиликнинг илк кўриниши Жарқўтон ёдгорлигида кўринади, яъни бунда мудофаа девори билан ўралган қалъа ва унинг ички қисмида аҳоли яшаш жойлари, ибодатхона ва арк саройи мавжуд.

Иккинчи давр – милоддан аввалги I минг йилликнинг бошларидан – милоддан аввалги 539 йил – Бактрия, Сўғд, Хоразм каби тарихий маданий вилоятларнинг шаклланиши, уларда давлатчиликнинг дастлабки шакллари билан бирга сиёсий ҳокимиятнинг бошқарув поғонларани ҳам кўриш мумкин.

Бу ҳолатни “Авесто”да келтирилган маълумотлардан ҳам кўриш мумкинлиги мутахассислар томонидан кўрсатиб ўтилади, чунончи, унда жамиятнинг таркибий тузилиш сифатида намана (оила - уй), вис (уруғ, уруғга тегишли ҳудуд), занту (қабилла ёки қабиллага тегишли ҳудуд), дахью (вилоят ёки давлат) сифатида кўрсатилса, энг куйи бошқарув амалдорлари поғонасидан бошлаб вилоят ёки давлат ҳукмдори (дахьюпати) ва олий ҳукмдоргача (састар) бошқарув тизими вақллари ва уларнинг функциялари тавсифлаб берилган¹⁷.

Учинчи давр – милоддан аввалги 539-330 йилларни ўз ичига олиб, Эрон аҳмонийларининг Ўрта Осиё ҳудудларига бостириб кириши ва ҳукмронлиги ўрнатиши сабабли бу ерда маҳаллий давлатчилик анъаналарида узилиш содир бўлганлиги билан белгиланади. Ўрта Осиёнинг жанубий ҳудудлари 200 йил давомида Аҳмонийлар давлати таркибида бўлди. Бу ерда давлатчилик анъаналари ўрнига Аҳмонийла бошқарув тизими жорий этилиб, Ўрта Осиё ҳудудларида 3 та сатраплик ташкил этилди, бу сатрапликларнинг чегаралари тўлиғича ёки қисман ҳозирги Ўзбекистон ҳудудларига тўғри келарди. Уларнинг тобелиги асосан тўланадиган ўлпонлар билан чекланарди. Аҳмонийларнинг Ўрта Осиё давлатлари устидан ҳукмронлиги милоддан аввалги IV асрнинг 30-йилларида Македониялик Александр томонидан юнон-форс урушларидаги ғалаба натижасида барҳам топди.

Тўртинчи давр – милоддан аввалги IV аср охиридан - милоддан аввалги II аср иккинчи ярми бошларигача бўлган даврни ўз ичига олиб, Александр Македонский босқинчилигидан то эллин давлатлари (Юнон-Бактрия давлати)

¹⁶ Очерки историографии государственности Узбекистана. Том 1. Стр. 22.

¹⁷ Лившиц В.А. Общество Авесты // ИТМ. Т.1. М.1963. С.145-149; Қаранг: Очерки историографии государственности Узбекистана. Том 1. Стр. 23.

хукмронлигининг сўнгги йилларигача бўлган тарихий воқеалар ва давлатчилик жараёнларини акс эттиради. Бир вақтнинг ўзида маҳаллий давлатчилик жараёнларининг шаклланиши ҳам содир бўла бошлади, жумладан милоддан аввалги IV аср охирларида Хоразм подшолиги шаклланди.

Милоддан аввалги III аср охирлари – милоддан аввалги II асрда Бухоро, Довон ва Сўғдда алоҳида маҳаллий давлатлар шаклланди.

Э.Ртвеладзе ва А.Саидовларнинг кўрсатишича, тахминан шу вақтларда ҳозирги Тошкент вилояти ҳудудларида Қанғ давлати шаклланди ва кейинчалик бутун Ўрта Осиёда тўлиқ хукмронликни қўлга киритди¹⁸.

Бешинчи давр – милоддан аввалги II минг йиллик иккинчи ярми - милодий I аср бошлари – маҳаллий давлатлар – Қанғ, Хоразм подшолиги, Бухоро, Сўғд ва Довон мулкларининг мустақамланиши билан белгиланади. Шунингдек, бу даврда Юэчжи (Кушон) давлатининг шаклланиши ва Гандҳара ўлкасигача ёйилиб бориши содир бўлди. Энг асосий хусусиятларидан бири давлатларнинг деярли барчасида (Довон давлатидан ташқари) ўзининг пул муомаласи тизими шакллантирилди, мис ва кумушдан тангалар зарб этиш йўлга қўйилди. Бундан ташқари маҳаллий Сўғд ва Хоразм ёзувлари шаклланди. Булар орасида пул ишларининг шаклланиши давлатчиликнинг муҳим омилларидан бири сифатида намоён бўлиши билан хусусиятланди.

Олтинчи давр – милодий I аср бошлари - милодий III аср биринчи ярми – маҳаллий Қанғ, Хоразм подшолиги, Бухоро, Сўғд ва Довон мулкларининг тараққий этган даври билан хусусиятланади. Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари қудратли Кушон подшолиги таркибига кирди, бу давлатнинг асосий сиёсий марказий ҳудудлари ҳозирги Сурхондарё вилояти ҳудудларига тўғри келарди. Чоч ҳудудларида давлатчилик юзага келди ва мис тангалар зарб этиш йўлга қўйилди, Хоразмда африғийларнинг сулолавий хукмронлиги ўрнатилди. Бу даврда Буюк Ипак йўли шаклланди. Бу даврнинг сўнгига келиб, милодий III-IV асрларда Кушон давлати ва Парфия давлати каби йирик давлатларнинг парчаланиши ва уларнинг ўрнида бир қанча нисабатан майда мулкларнинг қарор топиши содир бўлди¹⁹.

4. Ўзбекистон ҳудудларидаги қадимги давлатларнинг типологияси.

Ўзбекистон ҳудудларида мавжуд бўлган қадимги давлатларни уларнинг бошқарув шакли, давлатчилик шакли ва бошқа хусусиятларига қараб бир нечта типларга ва шаклларга бўлиб кўрсатиш мумкин. Бунда давлатларнинг сиёсий бошқарув жиҳатлари, бошқарув шакллари, бошқарувчи давлат аппарати функцияларининг хусусиятлари кабилар инобатга олинган. Шунга кўра

¹⁸ Лекин маъруза муаллифи (З.Илҳомов) антик давр тарихчиларининг ёзма манбаларига асосланиб билдирган фикрига кўра, Қанғ давлати милоддан аввалги IV асрда, айти Александр Македонскийнинг босқини жараёнлари содир бўлаётган вақтдаёқ мавжуд бўлганлиги ва бу давлат ҳақида келтирилган маълумотлар юнон тарихчилари томонидан ёзиб қолдирилганлигини кўрсатиб ўтади. Қаранг: Илҳомов З.А. Қанғ давлати давлатчилиги тарихи. / “Илк ўзбек давлатчилиги тарихи”. Тошкент. 2010.

¹⁹ Очерки историографии государственности Узбекистана. Том 1. Стр. 22-26.

Ўзбекистон ҳудудида мавжуд бўлган қадимги давлатларни қуйидаги типологияга ажратиш мумкин:

1. Давлатчилик типи – подшолик. Бошқарув шакли - мутлақ (абсолют) монархия.

2. Давлатчилик типи – конфедератив подшолик. Бошқарув шакли - чекланган монархия.

3. Давлатчилик типи – мулк. Бошқарув шакли - қабила етакчилари ва уруғ бошлиқларининг меросий ҳукмронлиги.

Қуйида уларнинг ҳар бири ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилади.

Давлатчилик типи – подшолик. Бошқарув шакли - мутлақ (абсолют) монархия.

Ўзбекистоннинг қадимги давр давлатчилигида подшолик типига кирувчи давлатчилик кўринишларини ҳам кўриш мумкин.

Милоддан аввалги 539-330 йилларда Ўрта Осиёнинг Фарғона (Довон) ва Чочдан ташқари жуда катта ҳудудлари Аҳмонийлар сулоласи ҳукмронлиги остида бўлган Форс давлатига тобе бўлган. Айти вақтда Хоразм, Сўғд, Бактрия, шунингдек саклар ва улар яшайдиган ҳудудлар Аҳмонийлар давлатининг маъмурий бирлиги – сатрапликларни ташкил қилган, бошқарув аҳмонийлар шохи томонидан қўйилган ноиб – сатрап томонидан амалга оширилган, сатрапликлар ҳар йили белгиланган миқдорда шох хазинасига бож тўлаб туришга мажбур этилган.

Милоддан аввалги IV аср охирида Ўрта Осиёда ҳукмронлик қилган юнон македон давлати ҳам абсолют монархия тизимига эга бўлган. Бу ерда милоддан аввалги III аср ўрталарида ташкил топиб - милоддан аввалги II аср иккинчи ярми бошларигача бўлган даврда ҳукмронлик қилган Юнон-Бактория давлати ҳам абсолют монархия тизимига эга эди.

Шимолий Бактрия ва Сўғд милоддан аввалги IV аср охиридан – милоддан аввалги III аср ўрталаригача бошқа бир юнон подшолиги – Салавкийлар давлати таркибига кирган.

Милодий I-III асрларда қудратли давлатга айланган Кушон подшолиги ҳам абсолют монархия типига давлат саналган. Шу билан бирга давлат таркибида йирик вилоятлар ҳам бўлиб, уларни *канаранглар* деб аталувчи (бактрий тилида – *каралраго*) ҳарбий бошлиқлар бошқарган ва бошқарувда маълум даражада мавқега эга бўлган.

Бундай хусусиятга эга бўлган давлатлардан бири сифатида Хоразм подшолигини ҳам кўрсатиш мумкин.

Давлатчилик типи – конфедератив подшолик. Бошқарув шакли - чекланган монархия.

Давлатчиликнинг *конфедератив подшолик* типига хусусиятини ақс эттирган давлатлар сифатида Қанғ давлати ва Юэчжи давлатини кўрсатиш мумкин. Бу давлатлар одатда бир нечта мустақил мулклардан иборат бўлган, бу мулклар

қабила ёки уруғлар бошлиқлари томонидан бошқарилган ва улар ўз номларидан мис тангалар зарб қилдирганлар.

Масалан *Қанғ давлати* ҳудудларида тахминан 5 та мустақил мулклар мавжуд бўлган: Бухоро ва унинг атрофлари битта мулк бўлиб, унинг ҳукмдорлари Евтидем тангалари нусхасида ўзларининг унвонлари ва номлари билан тангалар зарб қилдирганлар, Бухоронинг жануби-шарқий ҳудудлари ва Самарқанд Сўғдининг шимоли-ғарбий ҳудудлари Гиркод сулоласи ҳукмдорлари томонидан бошқарилган, Самарқанд Сўғди ҳукмдорлари эса ўз тангаларини турли ҳукмдорлар номлари билан зарб қилдирган бўлсалар, Жанубий Сўғд ҳукмдорлари ҳам ўз зарбхоналарига эга бўлганлар²⁰.

Хоразм эса бутунлай мустақил бошқарувга эга давлат бўлиб, ҳукмдорлари нисбатан юқори унвон (MR'YMLK' – ҳукмдор - подшо)га эга бўлганлар.

Айни вақтда мутахассислар томонидан юқорида кўрсатилган давлатлар ёки мулкларнинг барчаси учун Қанғ давлатининг ягона ва умумий бўлган тангалари ва зарбхонаси мавжуд бўлмаган, деб кўрсатилади.

Бундай типдаги давлат сифатида *Илк Юэчжи* давлатини ҳам кўрсатиш мумкин. Бу давлат ҳам Қанғ давлати каби 5 та мулкдан биорат бўлиб, уларнинг ҳар бири давлат ичида катта мавқега эга эдилар. Булар – Хюми, Шуаньми, Гуйшуань, Думи, Хитунь мулклари бўлиб, Бақтриянинг турли ҳудудларида жойлашган эдилар ва юэчжиларнинг ягона ҳукмдорига бўйсунганлар. Кейинчалик бу мулклар орасидан Гуйшуань мулки ҳокимлари марказий ҳокимият учун кураш олиб бориб, Ўрта Осиё ва атроф ҳудудларда жуда катта мулкларни ўз тасарруфига олган улкан Кушонлар империясини ташкил этган эдилар.

Давлатчилик типи – мулк. Бошқарув шакли - қабила етакчилари ва уруғ бошлиқларининг меросий ҳукмронлиги.

Бу типга мансуб давлатлар сифатида илк ўрта асрларда Ўрта Осиё ҳудудларида мавжуд бўлган бир неча ўнлаб мулкларни кўрсатиш мумкин. Хитойлик сайёҳ Чжан-Цзяннинг қайд этишича, Бақтрия бир неча ўнлаб мулклардан таркиб топган ва бу мулкларнинг ҳар бири мустақил бошқарувга эга бўлиб, ўзларининг ҳукмдорлари бўлган. Хитой манбаларида ҳам Ўрта Осиёнинг икки дарё орағидаги ҳудудларида бу вақтда 55 та мустақил мулклар мавжуд бўлганлиги қайд этиб ўтилган. Бу мулклар ўзининг мустақил ички ва ташқи сиёсатини юритган бўлса, айримлари хатто Хитой давлати билан дипломатик алоқаларга ҳам кириша олган эди²¹.

Назорат саволлари

1. Давлатчилик тушунчаси.
2. Давлатчилик белгилари.
3. Давлатчиликнинг шаклланиши масласидаги ёндашувлар?

²⁰ Очерки историографии государственности Узбекистана. Том 1. Стр. 29.

²¹ Очерки историографии государственности Узбекистана. Том 1. Стр. 30.

4. Ўзбекистон ҳудудларидаги қадимги давлатлар тараққиёти нечта даврга бўлинади?

5. Ўзбекистон ҳудудларидаги қадимги давлатлар нечта типологияга ажратилади?

Адабиётлар:

1. Mirziyoev Sh.M. Buyuk kelajagimizni mard va olijanob xalqimiz bilan birga quramiz. - Toshkent, O'zbekiston, 2017. - 488 b.

2. Mirziyoev Sh.M. Erkin va farovon, demokratik O'zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz. - Toshkent, O'zbekiston, 2016. - 56 b.

3. Mirziyoev Sh.M. Qonun ustuvorligi va inson manfaatlarini ta'minlash- yurt taraqqiyoti va xalq faravonligining garovi. - Toshkent, O'zbekiston, 2017. - 48 b.

4. Mirziyoev Sh.M. Tanqidiy taxlil, qat'iy tartib intizom va shaxsiy javobgarlik- har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo'lishi kerak. - Toshkent, O'zbekiston, 2017.

5. 2017-2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasi. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi PF-4947 sonli Farmoni.

6. Karimov I.A Tarixiy xotirisiz kelajak yo'q. T., Sharq. 1998

7. Karimov I.A. Yuksak ma'anviyat – yengilmas kuch. T. “Ma'naviyat”, 2008 y.

8. Karimov I.A. O'zbekiston mustaqillikka erishish ostonasida. –T. “O'zbekiston”, 2011.

9. “O'zbek xalqining kelib chiqishi: ilmiy metodologik yondashuvlar, etnogenetik va etnik tarix” mavzusidagi Respublika ilmiy-nazariy seminar materiallari. T: 2004.

10. Shoniyozov K.Sh. O'zbek xalqining shakllanishi jarayoni. T. “Sharq”, 2001.

11. Asqarov A. Jo'raqulov M. Eneolit va bronza davrida O'rta Osiyo. — Samarqand, 1984.

12. O'zbekiston tarixi moddiy madaniyat va yozma manbalarda. T: “Fan” 2005.

13. Qadimgi tarixchilar O'rta Osiyo haqida. Tuzuvchi Zohid A'lam. T. 2008.

14. Sagdullaev A.S., Aminov B., Mavlonov U, Norqulov N O'zbekiston tarixi: davlat va jamiyat taraqqiyoti. T, Akademiya 2000.

15. Илхомов З. Қўқон хонлиги давлатчилиги тарихининг манбашунослик масалалари. Очерки историографии государственности Узбекистана. Том 1. Институт истории АН РУз. Д.А.Алимова. –Т.: Издательство “Navro'z”, 2018. 380с.

16. Историография государственности Узбекистана: концепция проекта фундаментального исследования . Институт истории АН РУз. Д.А.Алимова. –Т.: Издательство “Navro'z”, 2018. 75 с.

17. История государственности Узбекистана (Библиография). ЎЗР ФА асосий кутубхонаси. Тошкент. 2018.

18. Очерки историографии государственности Узбекистана. Том 1. Институт истории АН РУз. Д.А.Алимова. –Т.: Издательство “Navro'z”, 2018.

19. Очерки историографии государственности Узбекистана. Том 2. Институт истории АН РУз. Д.А.Алимова. –Т.: Издательство “Navro’z”, 2019.

20. Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х., Абдулаев Е.В. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқуқ тарихилан лавхалар. - Тошкент: “Адолат” 2001.

21. Ртвеладзе Э., Саидов А. Теоретические вопросы государственности (понятийность, периодизации и теории возникновения и развития) / Очерки историографии государственности Узбекистана. Том 1. Институт истории АН РУз. Д.А.Алимова. –Т.: Издательство “Navro’z”, 2018. Стр. 3-30.

2-МАВЗУ. ЎЗБЕК ДАВЛАТЧИЛИГИНИНГ ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧЛАРИ ВА ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ ЗАМОНАВИЙ КОНЦЕПЦИЯЛАРИ

1. **Ўзбек давлатчилиги тарихи фанининг назарий-методологик асослари.**

2. **Ўзбек давлатчилиги тараққиёти босқичлари.**

Таянч сўзлар: Давлат, жамият, давлатчилик тарихи, давлатчилик босқичи, ўзбек давлатчилиги тарихи, давлат уюшмалари, давлатчилиги тарихи концепцияси,

1. Ўзбек давлатчилиги тарихи фанининг назарий-методологик асослари.

Илк аждодларимизнинг юртимиз ҳудудларида жойлашувидан бошлаб, уларнинг ўтроқ турмуш тарзига асосланган этно-маданий ҳудудларда ўзларининг илк шаҳарлари ва илк давлатларига асос солиши жараёнлари, уч минг йиллик тарихий давр давомида давлатчилик ва унинг тараққиётида содир бўлган ўзгаришлар ва давлатчилик анъаналарининг шаклланиши, оддий давлат бошқаруви тизимининг мураккаб давлатчилик тизими сифатида қарор топиш босқичлари ва уларнинг хусусиятлари, юртимизда ҳукм сурган давлатлар ва сулолаларнинг нафақат Марказий Осиё ёнги Шарқда, балки жаҳон давлатчилик амалиёти ва давлатчилик анъаналаридаги ўзига хослиги ва жаҳон давлатчилиги тараққиётига қўшган ҳиссаси, илм-фан ва маданият, маънавият ва маърифат соҳаларида буюк аждодларимизнинг беқиёс мероси ва бошқа шу каби жиҳатларни атрофлича, холис ва илмийликка асосланган ҳолда ёритиб бериш давлатчилик тарихини ёритишдаги энг муҳим масалалардир. Республикамиз биринчи Президенти И.А.Каримов ўз асарларида таъкидлаб ўтганидек, ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихи масалалари ҳаққоний ва чуқур илмий

хулосаларга асосланган ҳолда ёритилиши зарурдир.²² Қолаверса, “Давлатимиз, миллатимизнинг ҳаққоний илмий тарихини яратиш кенг жамоатчилигимиз учун ғоят муҳим ва долзарб масалага айланиши лозим”²³.

Шундан келиб чиққан ҳолда ўзбек давлатчилиги тарихи фанини ёритишда фаннинг назарий методологик асосларини билиш ва унга риоя этиш катта аҳамиятга эгадир. Бунда тарихийлик, илмийлик, холислик ва объективлилик омиллари муҳим аҳамият касб этади. Ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихи концепцияси асосида ўзбек давлатчилиги жараёнини босқичларга бўлиш ва уларни илмий жиҳатдан таҳлил қилиш, кейинги йилларда чоп этилаётган илмий асарлар, тадқиқотлар, давлатчилик масалаларига бағишланган илмий-назарий конференциялар материалларини ўрганиш ва уларни ягона тизимга солган ҳолда давлатчилик жараёни тарихини объектив ўрганиш ва тарихийлик ҳамда ҳаққонийлик тамойилларига амал қилган ҳолда илмийлик нуқтаи-назаридан хулосалар чиқариш талаб этилади.

Айниқса, холислик тамойили илмий хулосалар чиқаришда муҳим омил саналгани боис, аниқ манбавий маълумотларга таяниб, тарихий жараёнларнинг ўзаро чамбарчас боғлиқлигини асослаш, тарихий жараёнларни ўзаро солиштириш ва таққослаш, қиёсий таҳлил ижобий натижаларга эришишда муҳим ўрин тутди. Бирор бир давр ёки шу даврдаги давлатчилик анъаналари ҳақида сўз юритилар экан, ана шу давр ва давлатчилик масалаларида мавжуд ҳолатларга хос хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда воқеликни англаш ва уни таҳлил қила билиш, кўрилаётган воқеалар ёки жараёнлар ҳақида тўғри хулосалар чиқаришга катта ёрдам беради.

Тарихийлик услуби халқнинг ўтмишига, ҳозирги замоннинг келажагига ягона тарихий жараён сифатида, ҳозирги замон келажакни яратади, деган тараққиёт қонуни асосида қарашни талаб қилади. Содир бўлган маданий-тарихий жараёнларни, аجدодларимиз қолдирган улкан меросни қанчалик чуқур ва ҳар томонлама ўрганиб, уни чуқур англашга келажакни шунчалик ёрқин тасаввур қилиш мумкин. Тарихийлик ва илмийликнинг муҳим омилларидан яна бири шундаки, ўзбек давлатчилиги тарихи, ўзбек халқининг этногенези жараёнлари жаҳон мамлакатлари давлатчилиги амалиёти ва этник жараёнлари билан узвий равишда рўй берган ва унинг ажралмас бир бўлаги сифатида тараққиётга эришган. Шундай экан, ўзбек давлатчилиги тарихи тараққиётини ҳам жаҳон тараққиёти тарихи билан боғлиқ ҳолда ўрганиш зарурий талаблардан биридир.

²² Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Тошкент, “Шарқ”, 1998.

²³ Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз кўлимиз билан курашимиз. 7-жилд. Тошкент. “Ўзбекистон”. 1999. 154-бет.

2. Ўзбек давлатчилиги тараққиёти босқичлари.

Ўзбек давлатчилиги тараққиёти босқичлари мутахассислар томонидан бир қанча тарихий даврларга бўлиб кўрсатиб берилган бўлсада, бу босқичларнинг ўзига хос жиҳатлари ва босқичларнинг асослаб берувчи хусусиятлари етарли даражада ёритиб берилмаган²⁴. Ўзбек давлатчилиги тараққиётининг тарихий жараёнларини ўрганар эканмиз, унинг тарихий даврлардаги хусусиятларини чуқур ўрганган ҳолда, назарий ва методологик жиҳатдан қуйидаги даврларга бўлиб ўрганиш ва ўқитиш мақсадга мувофиқдир:

Биринчи босқич - бронза давридан бошланиб илк темир даврининг охиригача бўлган даврни ўз ичига олади ва *сиёсий жиҳатдан* бу даврда бошқарув шаклланиб, давлатчилик тизимига ўтила бошланди ва давлатчилик кичик-кичик шаҳар давлатлар шаклидан йирик давлат уюшмалари даражасигача кўтарилди.

Иқтисодий жиҳатдан кичик-кичик воҳаларнинг ўзлаштирилиши ва суғориш тармоқларининг барпо этилиши, ижтимоий тенгсизлик ва мулкка эгалик жиҳатларининг юзага келиши билан хусусиятланади.

Иккинчи босқич - милоддан аввалги VI-IV асрлардан милодий III асрларгача бўлган даврни ўз ичига олиб, *сиёсий жиҳатдан* бу даврда Ўрта Осиёда, жумладан ҳозирги Ўзбекистон ҳудудларида мавжуд булган давлатлар бошқарув тизимида Эрон ва қисман Юнон-македон давлатлари бошқарув тизими таъсири остида давлатчилик анъаналари давом этди ва айрим ўзгаришларни қабул қилди. Айни вақтда маҳаллий давлатлар бошқарув тизими ва давлатчилик тузилиши такомиллашиб борди. Бу даврларда асосий давлат мафкураси оташпарастлик ва зардуштийлик динлари негизида шаклланиб борди.

Иқтисодий жиҳатдан йирик экин майдонларининг барпо этилиши ва суғориш тармоқларининг шакллантирилиши, ўунармандчилик ва чорвачиликнинг алоҳида хўжалик турлари сифатида тарққий этиб бориши, ички бозорларнинг фаоллашуви ва Буюк Ипак савдо йўлининг юззага келиши ва ташқи савдо-маданий алоқаларнинг йўлга қўйилиши билан хусусиятланади.

Учинчи босқич - IV асрдан - IX аср ўталаригача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу давр *сиёсий жиҳатдан* Ўрта Осиё ҳудудларида туркий давлатларнинг қарор топиши ва бошқарувда айрим туркий-кўчманчи анъаналарнинг вақтинчалик жорий этилиши, давлат мафкураси сифатида оташпарастлик ва зардуштийлик анъаналарининг емирилиб бориши, сиёсий тарққоқликнинг кучайиши, VIII асрдан бошлаб эса Араб халифалиги ҳукмронлиги, давлатчилик анъаналарида ислом динига асосланган бошқарув элементларининг кириб

²⁴ Ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихи концепцияси. / Ўзбекистон тарихи. 1999 йил, 1 - сон.

келиши ва ислом динига асосланган мафкуранинг шаклланиши билан хусусиятланади.

Иқтисодий жиҳатдан ерга эгалик муносабатларининг шаклланиши, ижтимоий ва иқтисодий муносабатларнинг мукамаллашиб бориши, ерга эгалик том маънодаги давлат сиёсатида кўтарилиши, Араб халифалиги даврида эса халифалик таркибидаги давлатлар билан чуқур алоқага киришиш ва Буюк Ипак йўли аҳамиятнинг ошиши билан хусусиятланади²⁵.

Тўртинчи босқич - IX аср ўрталари – XIII аср биринчи чорагигача бўлган даврни ўз ичига олиб, **сиёсий жиҳатдан** бу давр Ўрта Осиёдаги дастлабки марказлашган давлат сифатида сиёсий бошқарувдаги мавжуд анъаналарнинг такомиллаштириши ва мураккаб тузилмага эга давлат бошқарувининг шаклланиши, йирик салтанатлар (империялар) даражасига кўтарилган туркий давлатларнинг қарор топиши ва бошқарувшакллари ҳамда марказлашиш жараёнларининг такомиллашиб бориши билан хусусиятланади. Ислом мафкураси ҳукмрон мафкура сифатида тўлиқ қарор топиши.

Иқтисодий жиҳатдан ерга эгалик муносабатларининг кенгайиши ва мураккаблик касб этиши, солиқларнинг бир тизимига солиниши, халқаро савдода муомала даражасига кўтарилган пулларнинг зарб қилиниши, суғориш тармоқларининг кўпайиши, Буюк Ипак йўли фаолиятининг кенгайиши ва халқаро савдонинг тараққий этиши, иқтисодий марказларга даражасига етган шаҳарларнинг кўпайиши билан хусусиятланади.

Бешинчи босқич - XIII аср биринчи чораги – XIV аср 60-йиллари. **Сиёсий жиҳатдан** бу давр Ўрта Осиёда мўғуллар салтанати ҳукмронлигининг ўрнатилиши. Мавжуд давлатчилик анъаналарининг инқирозга учраши ва айни вақтда мўғуллар давлат бошқаруви анъаналарининг маҳаллий бошқарув билан қоришуви. Кўчманчиликка хос ва кабилавий мафкураларнинг қисман ҳукмрон мафкурага айланиши.

Иқтисодий жиҳатдан ер ва ерга эгалик муносабатларида кўчманчилик анъаналарининг қисман жорий этилиши, иқтисодий салоҳиятнинг инқирозга учраши ва издан чиқиши билан хусусиятланади²⁶.

Олтинчи босқич - XIV аср 60-йиллари – XVI аср бошлари. Мазкур давр **сиёсий жиҳатдан** Амир Темур томонидан Мовароуннаҳрда мараказлашган давлатнинг ташкил этилиши ва айни вақтда Марказий Осиё, Олд Осиё ва Яқин Шарқ, Кичик Осиё ва Европанинг бир қисмини ўз ичига олган буюк салатанатга асос солиниши, давлатчилик анъаналарининг ислоҳ қилиниши ва такомиллаштирилиши натижасида ўзбек давлатчилиги тараққиётида янги

²⁵ Илҳомов З. Илк ўрта асрлар ўзбек давлатчилиги тарихи. Тошкент, ТДПУ, 2010. 6-7-бетлар.

²⁶ Илҳомов З. Ўрта асрлар ўзбек давлатчилиги тарихи. Тошкент, ТДПУ, 2010. 4-5-бетлар.

босқичга кўтарилиши билан хусусиятланади. Бу даврда ислом мафкураси ҳукмрон мафкура сифатидаги мавқеини тиклади. XV аср бошига келиб Мовароуннаҳрда юзага келган сиёсий тарқоқлик XVI аср бошларига келиб теурийлар давлатининг инқирози билан якун топади.

Иқтисодий жиҳатдан мазкур давр ер ва ерга эгаллик муносабатларининг такомиллаштирилиши, суғориш тармоқларининг тикланиши ва барпо этилиши, янги ерларнинг ўзлаштирилиши ва дехқончилик майдонларининг кенгайтирилиши, иқтисодий соҳадаги давлат сиёсатининг изга солиниши, солиқларнинг такомиллаштирилиши, ҳунармандчилик ва меъморчиликнинг тараққий этиши, Буюк Ипак йўли бўйлаб Хитой, Ҳиндистон, Мўғулистон, Сибир халқлари, Волгабўйи халқлари, Шарқий Европа, Марказий Европа, Болқон мамлакатлари, Кичик Осиё, Олд Осиё, Яқин Шарқ, Афғонистон, Эрон, Кавказ халқлари билан савдо алоқаларининг кенгайиб бориши кабилан билан хусусиятланади.

Еттинчи босқич - XVI аср бошлари – XIX аср иккинчи ярмини ўз ичига олиб, сиёсий жиҳатдан бу давр Ўрта Осиёда янги сулола – Шайбонийлар сулоласининг ҳокимиятни эгаллаши ва Бухоро хонлигига асос солиниши, марказлашган ҳокимиятнинг қисман тикланиши, Шайбонийлар сулоласи ҳукмронлиги остида Хива хонлигининг алоҳида давлат сифатида шаклланиши, XVII аср бошларига келиб Бухоро хонлигида Аштархонийлар сулоласининг ҳокимият тепасига келиши, XVIII аср бошларига келиб эса сиёсий тарқоқликнинг кучайиши Минглар сулоласи бошчилигида Қўқон хонлигининг ташкил топиши, Ўрта Осиёда умумий ҳолда сиёсий тарқоқликнинг кучайиши ва давлатлараро ўзаро курашларнинг кучайиши билан хусусиятланади.

Иқтисодий жиҳатдан бу даврда ўзбек хонликларининг жаҳон иқтисодий тараққиётидан орқада қолиши билан хусусиятланади.

Саккизинчи босқич - XIX аср иккинчи ярмидан 1917 йил март ойигача бўлган даврни ўз ичига олиб, **сиёсий жиҳатдан** бу давр иқтисодий, сиёсий ва ғарбий жиҳатдан жаҳон тараққиётида орқада қолган ва ўзаро курашлар гирдобига тушиб қолган ўзбек хонликларининг худи шундай ҳолатда жаҳон тараққиётидан анча ортда қолиб кетаётган ва ривожланган давлатлар орасида ўз ўрнини топа олмаётган Россия империяси томонидан мустамлакага айлантеририлиши, Бухоро амирлиги, Хива хонлигининг қарам давлатларга айлантеририлиши ва Қўқон хонлигининг тугатилиши, Туркистон генерал – губернаторлигининг ташкил этилиши ва мустамлака бошқарув усулининг жорий этилиши, ўзбек давлатчилигидаги тарихий анъаналарнинг инқирозга юз тутиши билан хусусиятланади.

Иқтисодий жиҳатдан бу давр анъанавий ишлаб чиқариш усуллариининг инкирозга юз тутиши, европача ишлаб чиқариш элементларининг кириб келиши, мустамлака манфаатига хизмат қилувчи саноат корхоналарининг шакллантирилиши, темир йўл қурилиши, банклар ва турли иқтисодий соҳадаги ташкилотлар фаолиятининг йўлга қўйилиши билан хусусиятланади.

Тўққизинчи босқич - 1917 йил март - 1924 йил декабргача бўлган бу давр **сиёсий жиҳатдан** Россияда подшо ҳокимиятнинг ағдарилиши натижасида Туркистон генерал-губернаторлигининг барҳам топиши ва маҳаллий халқларнинг давлатчилик учун курашлари, икки ҳокимиятчилик ва Туркистон мухторияти (Кўқон мухторияти) ташкил этилиши ва тугатилиши, Туркистон Автоном Совет республикасининг ташкил этилиши ва айна вақтда Бухоро амирлиги ва Хива хонлигининг тугатилиши, Бухоро Халқ Совет республикаси ва Хоразм Халқ Совет республикаларининг ташкил этилиши, бошқарувда айрим демократик омилларнинг бошланғич элементларининг жорий этилишига уриниш, большевиклар томонидан маҳаллий давлатчиликни тиклаш йўлидаги ҳар қандай уринишларга тўсқинлик қилиниши, Туркистон Автоном Совет республикаси, Бухоро Халқ Совет республикаси ва Хоразм Халқ Совет республикаларининг тугатилиши ва миллий – ҳудудий омилларга асосланган ҳолда мустақил ички ва ташқи сиёсат юритиш ҳуқуқидан амалда маҳрум этилган Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг ташкил этилиши билан хусусиятланади.

Иқтисодий жиҳатдан бу давр хусусий мулкчиликнинг тугатилиши, ерга хусусий эгалликнинг тугатилиши, мулк эгаларининг иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан таъқиб қилиниши ва мулкдан маҳрум этилиши, социалистик мулкчилик шакллари асосларининг яратилиши ва иқтисодий ҳаётган жорий этилиши билан хусусиятланади.

Ўзбек давлатчилиги тараққиёт босқичлари жадвали

Ўнинчи босқич - 1925 йил январь – 1991 йил 31 августгача давом этган бу давр **сиёсий жиҳатдан** Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасида бошқарув ва иқтисоднинг социалистик шаклига ўтилиши, ички ва ташқи сиёсатнинг марказлаштирилган ҳолда СССР (Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи) раҳбарияти томонидан амалга оширилиши, марказга итоатда тутиб турувчи миллий сиёсатнинг амалга оширилиши, миллий давлатларнинг суверенитети ва мустақил бошқарув фаолиятининг чекланганлиги, КПСС (Совет Иттифоқи Коммунистик партияси) нинг ягона партия сифатида сиёсий ва мафкуравий ҳукмронлик мавқеини касб этиши ва коммунистик мафкуранинг ҳукмрон мафкурага айланиши билан хусусиятланади.

Шунингдек, бу давр *сиёсий жиҳатдан* XX асрнинг 80-йиллари ўрталари - 90-йиллари бошларида собиқ Иттифоқ марказий ҳокимиятидаги инқироз ҳолатларининг юзага келиши, миллий давлатларнинг ўз мустақиллиги ва суверенитетини қайтадан тиклаши учун шароитларнинг юзага келиши, Айни вақтда Ўзбекистон ССРда мустақил давлатчилик ҳуқуқий асосларининг яратилиши ҳамда Президентлик бошқарувининг жорий этилиши билан ҳам хусусиятланади.

Иқтисодий жиҳатдан бу даврда социалистик мулкчилик шакллариининг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётга тўлиқ татбиқ этилиши, барча мулкнинг давлат тасарруфига ўтказилиши, ишлаб чиқаришда давлат монополияси (якка ҳукмронлиги) нинг ташкил этилиши, иттифоқдош республикаларда иқтисоднинг нотекис ривожланиши ва олдиндан режалаштирилган ҳолда бир-бирига боғлиқ ва бири бошқасисиз фаолият юрита олмайдиган ҳолда ташкил этилиши, миллий республикаларнинг асосан хом ашё базасига ва бирламчи маҳсулотлар ҳамда ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи давлатларга айлантирилиши, қишлоқ хўжалигида эса ернинг тўлиқ давлат тасарруфига ўтказилиши, жамоавий ишлаб чиқариш жамоа хўжаликлари (колхозлар) ва давлат хўжаликлари (совхозлар) нинг ташкил этилиши, ер ва унинг тузилиши, табиий ва иқлим шароитлари билан ҳисоблашмаган ҳолда экин майдонларининг кенгайтирилиши ва экологик ҳолатларнинг бузилиши, қишлоқ хўжалигидаги самарадорликнинг камайиши билан хусусиятланади.

Ўн биринчи босқич - 1991 йил 31 августдан бугунги кунга қадар бўлган даврни ўз ичига олиб, *сиёсий жиҳатдан* Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг тугатилиши, Ўзбекистоннинг СССР таркибидан чиқиши ва давлат мустақиллигининг эълон қилиниши, Ўзбекистон Республикасининг ташкил топиши, 1992 йил март ойида Ўзбекистон Республикасининг БМТ (Бирлашган Миллатлар Ташкилоти) га аъзо бўлиши, Ўзбекистоннинг мустақил ва суверен давлат сифатида жаҳон мамлакатлари томонидан эътироф этилиши, 1992 йил декабрда давлатнинг Асосий Қонуни – Конституциянинг қабул қилиниши, Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсатда асосий принципларнинг ишлаб чиқиши ва жаҳон сиёсий сахнасида ўз ўрнини топиб бориши, миллий валютанинг жорий қилиниши, ҳуқуқий-демократик давлат барпо қилиниши йўлини танланганлиги билан хусусиятланади.

Шунингдек, бу давр *сиёсий жиҳатдан* яна марказий ва маҳаллий бошқарувдаги ислохотлар ва бошқарувдаги демократик омилларнинг кучайиши ва такомиллашиб бориши, иқтисодий, сиёсий, маданий-маънавий ва ижтимоий соҳадаги ислохотлар, миллий мафқуранинг шакллантирилиши, қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг жаҳон тажрибасидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштирилиши

ва юқоридаги ислохотларнинг ва давлатчиликнинг тараққий этиши ҳозирда ҳам мукаммаллашган ва такомиллаштирилган ҳолда давом этаётганлиги билан ҳам хусусиятланади.

Иқтисодий жиҳатдан бу давр давлат сиёсати даражасида иқтисодий ислохотларнинг амалга оширилиши ва унинг ҳуқуқий асосларининг яратилиши, бозор иқтисодиётига асосланган ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилиши, Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтишда ўзига хос тамойилларни ишлаб чиққанлиги ва «ўзбек модели»нинг юзага келиши ва унинг жаҳон мамлакатлари томонидан эътироф этилиши, хусусий мулкчиликнинг шакллантирилиши ва ишлаб чиқаришдаги эркинликнинг таъминланиши, саноат ишлаб чиқариш турларининг кенгайтирилиши, қишлоқ хўжалигининг ислоҳ қилиниши ва жамоавий мулкчилик шаклларидадан воз кечилиши ва бошқалар билан хусусиятланади.

Ижтимоий жиҳатдан бу давр кучли ижтимоий ҳимоянинг давлат сиёсати даражасида амалга оширилаётганлиги ва мазкур соҳанинг ҳар жабҳасида давлатнинг энг биринчи ҳимоячи ва ғамхўрлиги, айтилиши вақтда бу борадаги ислохотларнинг кенг кўламларда давом эттирилаётганлиги билан хусусиятланади.

Маънавий ва маданий жиҳатдан давлат ва ҳукумат томонидан маънавий мероснинг тикланиши, мавжуд осори-атиқаларнинг тикланиши ва асл ҳолатига қайтариллиши, маданий ҳаётнинг ҳар бир соҳасида давлат сиёсатининг муҳим аҳамият касб этиши ва унинг ривожланиши ва тараққиётида асосий омил бўлаётганлиги, Ўзбекистоннинг юксак маданиятга ва маънавиятга эга жаҳон марказларидан бирига айланаётганлиги, оқилона миллий сиёсатнинг йўлга қўйилганлиги ва виждон эркинлигига кенг йўл очиб берилганлиги билан хусусиятланади.

Ўзбек давлатчилиги тарихи ва унинг тараққиёт босқичлари бу борада бошқа адабиётларда ва концепцияларда илгари сурилган қарашлар, шунингдек, ўзбек давлатчилиги жараёнида мавжуд бўлган давлатлар ва уларнинг бошқарувдаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий, мафкуравий жиҳатларини таҳлил қилган ҳолда юқоридаги тартибда илк маротаба тўлиқ ҳолда мазкур қўлланмада кўрсатилмоқда. Ўзбек давлатчилиги тараққиётининг мазкур тартибдаги даврлаштирилиши ва босқичларга бўлиниши борасида соҳа мутахассислари томонидан билдириладиган барча фикрлар муаллиф томонидан мамнуният билан қабул қилинади, зеро бу айтилиши масалада мукамалликка эришишда ва қолаверса “Ўзбек давлатчилиги тарихи” фанининг ривожланишига хизмат қилади.

Назорат саволлари

1. Ўзбек давлатчилиги тарихи фанининг мақсади нима?
2. Ўзбек давлатчилиги тарихи фанининг вазифалари нималардан иборат?
3. Давлат тушунчаси ва унинг моҳиятини тушунтириб беринг.
4. Давлатнинг белгилари қандай кўринишга эга?
5. Давлатнинг типлари ва шаклларини айтиб беринг.
6. Давлатнинг тузилиши ҳақида маълумот беринг?
7. Оддий ва мураккаб давлатларнинг белгиларини тушунтиринг?
8. Федерация ва конфедерацияларнинг белгиларини тушунтиринг?
9. Давлатнинг ички функциялари нималардан иборат?
10. Давлатнинг ташқи функцияларида деганда нималар кўзда тутилади?

Адабиётлар:

1. Mirziyoev Sh.M. Buyuk kelajagimizni mard va olijanob xalqimiz bilan birga quramiz. - Toshkent, O'zbekiston, 2017. - 488 b.
2. Mirziyoev Sh.M. Erkin va farovon, demokratik O'zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz. - Toshkent, O'zbekiston, 2016. - 56 b.
3. Mirziyoev Sh.M. Qonun ustuvorligi va inson manfaatlarini ta'minlash- yurt taraqqiyoti va xalq faravonligining garovi. - Toshkent, O'zbekiston, 2017. - 48 b.
4. Mirziyoev Sh.M. Tanqidiy taxlil, qat'iy tartib intizom va shaxsiy javobgarlik- har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo'lishi kerak. - Toshkent, O'zbekiston, 2017.
5. 2017-2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasi. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi PF-4947 sonli Farmoni.
6. Karimov I.A Tarixiy xotirisiz kelajak yo'q. T., Sharq. 1998
7. Karimov I.A. Yuksak ma'anviyat – yengilmas kuch. T. “Ma'naviyat”, 2008 y.
8. Karimov I.A. O'zbekiston mustaqillikka erishish ostonasida. –T. “O'zbekiston”, 2011.
9. Илхомов З. Қўқон хонлиги давлатчилиги тарихининг манбашунослик масалалари. Очерки историографии государственности Узбекистана. Том 1. Институт истории АН РУз. Д.А.Алимова. –Т.: Издательство “Navro'z”, 2018. 380с.
10. Историография государственности Узбекистана: концепция проекта фундаментального исследования . Институт истории АН РУз. Д.А.Алимова. –Т.: Издательство “Navro'z”, 2018. 75 с.
11. История государственности Узбекистана (Библиография). ЎзР ФА асосий кутубхонаси. Тошкент. 2018.
12. Очерки историографии государственности Узбекистана. Том 1. Институт истории АН РУз. Д.А.Алимова. –Т.: Издательство “Navro'z”, 2018.

13. Очерки историографии государственности Узбекистана. Том 2. Институт истории АН РУз. Д.А.Алимова. –Т.: Издательство “Navro’z”, 2019.

14. Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х., Абдулаев Е.В. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқуқ тарихилан лавхалар. - Тошкент: “Адолат” 2001.

15. Ртвеладзе Э., Саидов А. Теоретические вопросы государственности (понятийность, периодизации и теории возникновения и развития) / Очерки историографии государственности Узбекистана. Том 1. Институт истории АН РУз. Д.А.Алимова. –Т.: Издательство “Navro’z”, 2018. Стр. 3-30.

16. Ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихи концепцияси. / Ўзбекистон тарихи. 1999 йил, 1 - сон.

17. Илҳомов З. Илк ўрта асрлар ўзбек давлатчилиги тарихи. Тошкент, ТДПУ, 2010. 6-7-бетлар.

18. Илҳомов З. Ўрта асрлар ўзбек давлатчилиги тарихи. Тошкент, ТДПУ, 2010. 4-5-бетлар.

3 - МАВЗУ: ЎЗБЕК ДАВЛАТЧИЛИГИ ТАРИХИ ТАРИХШУНОСЛИК ТАДҚИҚОТЛАРИНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ (мустамлака даври тарихи тадқиқотлари мисолида)..

Режа:

1. XIX аср охири - XX аср бошларида Туркистон ўлкаси ижтимоий-сиёсий ҳаётининг ўзига хос хусусиятлари, империянинг мустамлакачилик сиёсати ва унинг замонавий талқини.

2. Туркистон халқлари миллий-озодлик ҳаракатлари тарихшунослиги.

3. Россия империясининг Туркистонда юритган таълим сиёсати ва унинг мустамлакачилик мазмуни.

4. Жадидчилик ҳаракатининг ўлка халқлари миллий уйғонишида тутган ўрни. Жадидчилик, ўлка жадид намоёндаларининг маданий-оқартувчилик фаолияти. Қадимчилар ва миллий тараққийпарвар-ислоҳотчилик оқими.

Таянч тушунчалар: XIX аср охири - XX аср бошларида Туркистон ўлкаси ижтимоий-сиёсий ҳаётининг ўзига хос хусусиятлари. Туркистонда Россия Империяси мустамлакачилик сиёсати ва унинг замонавий талқини. Ўлка халқлари миллий-озодлик ҳаракатлари тарихшунослиги. Жадидчилик, ўлка жадид намоёндаларининг маданий-оқартувчилик фаолияти. Қадимчилар ва миллий тараққийпарвар-ислоҳотчилик оқими.

1. XIX аср охири - XX аср бошларида Туркистон ўлкаси ижтимоий-сиёсий ҳаётининг ўзига хос хусусиятлари, империянинг мустамлакачилик сиёсати ва унинг замонавий талқини.

XIX асрнинг 50-80-йиллари давомида Марказий Осиё тўлалигича Россия империяси томонидан босиб олинди. Мавжуд Қўқон хонлиги 1876 йилдаёқ

бутунлай тугатилди, Хива хонлиги ва Бухоро амирлиги мустақилликдан маҳрум этилиб, Россия вассалига айлантирилди. 1867 йил 14 июлда Россия подшоҳи Александр II фармони билан Туркистон генерал-губернаторлиги таъсис этилди, унинг биринчи генерал-губернатори этиб генерал фон Кауфман тайинланди. У чексиз ҳуқуқларга эга бўлиб, фақат Россия подшоҳигагина бўйсунар эди. Номидан кўриниб турганидек, бу ҳукумат ҳарбий кучга асосланган эди, унинг ҳукмдорлари ҳам ҳарбий эди, генерал-губернаторлик тасарруфидаги областлар, уездлар, волостлар начальниклари – ҳаммаси ҳарбий хизматчилардан, юқори унвонли зобитлардан тайинланарди, генерал-губернатор албатта генерал унвонига эга бўлар эди. Туркистон ўлкаси катта ҳарбий куч билан занжирибанд этилди. Генерал-губернаторлик Сирдарё, Фарғона, Самарқанд, Ёттисув ва Каспий орти вилоятларини ўз таркибига олиб, Тошкент унинг пойтахтига айлантирилди.

Ерли юқори табақа намояндalари давлатни бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилдилар, бу уларнинг нафақат сиёсий фаолиятларини, балки иқтисодий имкониятларини ҳам чеклаб қўйди. Улар орасида Ватан, халқ мустақиллигини муқаддас билувчи, унинг озодлиги учун курашга тайёр турган фидойилар ҳам кўп эди. Тарих ҳужжатларига эътибор беринг: “Илгари ҳукмронлик қилган нуфузли табақаларнинг оддий кишиларга айланиш жараёни жуда қийин ва аламли кечмоқда. Шунинг учун тасодифий ҳодисаларнинг бўлишини назарда тутган ҳолда маҳаллий аҳолини қаттиқ назорат остида сақлаб туриш зарур. Янги тартиб ва қонунлар орақасида уларнинг фақат жамиятдаги мавқеига эмас, балки вақф ерларидан олинадиган даромадларининг қисқартирилиши натижасида иқтисодий манфаатларига ҳам зиён етказилди”.

Генерал-губернаторлик айниқса халқўртасида катта обрў-эътиборга эга бўлган ҳурфикрли зиёлиларни, шоирларни ҳамма вақт таъқиб остига олди, уларни ўз манфаатлари учун хизмат қилдиришга тиришди, баъзан очикдан-очик мустамлака тузумини мадҳқилувчи, ўтмишни қора бўёқларда тасвирловчи асарлар ёзишни топширди. Бундай асарлар учун губернаторлик муассиси “Туркистон вилоятининг газети” саҳифаларидан муҳаррири миссионер Н.Остроумов катта ўрин ажратди. 1880-1890-йилларда ва ундан кейин ҳам маҳаллий зиёлиларнинг ички Россияга – Петербург ва Москва шаҳарларига саёҳатларини уюштирдилар. Шу давр “Туркистон вилоятининг газети”ни варақлар экансиз, Сатторхон Абдуғаффоров, Муҳиддинхўжа қози Ҳакимхўжа қозикалон ўғли, Ҳожи Муҳаммад Зухур, Тожимуҳаммад Исамуҳаммад ўғли, Саидрасул Саидазизов, Камолиддин Қаҳҳоров ва бошқаларнинг саёҳат таассуратлари узлуксиз босилиб турганлигининг гувоҳи бўласиз. Булардан асосий мақсад Россиянинг ва марказий шаҳарларининг шаън-шавкатини, кудратини кўз-кўз қилиш, мустамлака халқи онгига Россияга нисбатан тобелик руҳини сингдириш эди.

Уларнинг газета саҳифаларида эълон қилинган сафар таассуротлари билан чуқурроқ танишар эканмиз, зоҳиран, мутаассибликни, феодал қоқоқликни кескин танқид қилиб, мустамлакачиларга маъқул бўладиган тарзда Россия шаҳарларини кўкларга кўтариб мақтасалар-да, рус мустамлака сиёсатининг

миллатни рушлаштиришдек ўта маккор, қабих сиёсатига ўз улушларини кўшаётгандек кўринсалар-да, ботинан мутафаккирлар ўз халқини тараққий этган халқлар даражасида кўришни орзу қилдилар. Бунинг учун замонавий таълим масканлари, ҳатто олий ўқув юртлири (олий мадрасалар) ташкил қилиш кераклигини уқтирдилар. Диққатга сазовор жиҳати шундаки, Шарифхўжа қози ҳам, Муҳиддинхўжа қози ҳам, Инъомхўжа оқсоқол ҳам, Саттархон ҳам 1892 йил Тошкентда юз берган халқ озодлик ҳаракати – “Вабо кўзғолони”нинг раҳбарлари сифатида сургун қилиндилар ва таъқиб остига олиндилар. Демак, уларнинг халқ онгини оқартириш ва шу йўл билан мустамлака исканжасидан озод қилишга қаратилган ҳаракатлари чор мустамлака сиёсатига бутунлай зид эди. Архив ҳужжатларига эътибор беринг: Сирдарё области губернатори Н.Гродеков Туркистон генерал-губернатори А.Вревскийга 1892 йил 24 июн воқеалари бўйича куйидагиларни хабар қилган: “Жаноби олийларига шуни маълум қилиш шарафига ноилманки, мавжуд маълумотларга кўра 24 июн воқеаларига олиб келган ҳаракатнинг энг асосий бошлиғи ва ҳақиқий сабабчиси эски шаҳарнинг собиқ оқсоқоли Инъомхўжа Умриёхўжаев бўлган... Мазкур ерли кишининг энг яқин шериклари юзбоши Аҳмадхўжа ва унинг қудаси Усмонхўжадан ташқари Шайхованд Тахур даҳасининг қозиси Шарифхўжа ва бошқалар бўлган. Ана шу барча кишиларнинг зарарли агитаторлик таъсирини 24 июн воқеаси содир бўлган кунидек билдим ва уларнинг барчасини қамоққа олиш тўғрисида буйруқ бердим”¹.

Маълумки, шўролар даврида Фурқат маърифатпарварлиги, унинг педагогик қарашлари ҳақида гап кетганда, тадқиқотчилар кўпроқ унинг “Илм хосияти”, “Гимназия”, “Акт мажлиси хусусида”, “Виставка хусусида” каби шеърларидан иқтибослар келтирадилар ва шоирни рус илм-фани, маданияти ва таълим-тарбия тизимини кўкларга кўтариб мақтовчи шоир сифатида баҳолайдилар. Бу билан Фурқат Россия Ўрта Осиёга нисбатан маданийлаштирувчи рол ўйнади, деган хулосага келди, фикрини баён қиладилар. Албатта, бу фикр шўролар мафкураси андозалари асосида айтилган, у даврда бундан бошқачароқ фикр айтиш мумкин эмас эди. Бу масалани баҳолашда Фурқатнинг 1889-1891 йилларда генерал-губернаторлик доирасидаги мавқеини эътибордан соқит қилиш мумкин эмас, у мустамлакачилар муассиси “Туркистон вилоятининг газети” таҳририятида Николай Остроумов кўли остида ишлар, шунинг учун губернаторлик доирасида бўлган катта йиғинларда ҳам иштирок этар эди. Унинг ўша даврнинг ўзбек тилидаги ягона газетаси “Туркистон вилоятининг газети” саҳифаларида эълон қилинган, юқорида номлари тилга олинган шеър ва манзумаларида, мақолаларида рус босқини ҳақида, унинг ўзбек халқи бошига ёғдирган фожиалари ҳақидаги ўзининг рўй-рост фикрларини айтиши мумкин эмас эди. Кейинги даврларда, айниқса, мустақиллик даврида Фурқатнинг рус босқинига муносабати, умрининг ўн саккиз йили ғурбатда, ватанжудоликда ўтиш сабаблари, Фурқат маърифатпарварлигининг ўзига хос хусусиятлари анча ҳаққоний далиллар асосида баҳоланмоқда. Шоирнинг янги топилган, унинг

¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат архиви. Фонд № 723, д. 4, 7-саҳифа.

тўпламларига кирмаган кўпгина шеърларида Фурқат “сиёсати рус” туфайли “Куффор (кофирлар) банди ичра” қолган бечоралар аҳволига Оллохдан раҳм-шафқат илтижо қилади.

Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги фаолиятини назорат қилиш учун чор ҳукуматининг сийсий агентураси ташкил этилди. Бу билан уларни ҳам ички, ҳам ташқи сиёсатда Россияга тўла бўйсундирди.

Россия мустамлакачилик сиёсати Англия, Франция мустамлакачилик сиёсатидан анча фарққилар эди. Улар ички Россиядан юз минглаб оч-яланғоч мужикларни ўлкага кўчириб келтирдилар, ҳосилдор ерларга, ерли аҳолини яшаб турган жойларидан ҳайдаб чиқариб, ўрисларни жойлаштирдилар: ана шу тарзда, 1906-1913 йилларда Туркистонда 116 та рус посёлкаси вужудга келди. Бу посёлкаларни ташкил этган мужикларнинг 36,7 фойизи ҳеч қандай мулксиз, 60,9 фойизи эса, ҳатто сариқ чақасиз келган эди. Бу сиёсат айниқса шўролар даврида авжга чиқди. “Келгинди ўрис мужиклари ерли халққа нисбатан бой бўлиши керак” деган шиор Россия мустамлакачилик сиёсатининг асосини белгилади ва уларга яхши яшаш учун ҳамма шарт-шароитлар яратиб берилди. Мустамлака ҳукумати ерли аҳолини руслаштириш, ўз нуфусини ўлкада мустаҳкамлаш, ерли аҳолини феодал қолоқликда ушлаб туриш учун шу ўрис келгиндиларга суянди.

Марказий Осиёнинг Тошкент, Қўқон, Фарғона, Самарқанд, Чимкент, Туркистон каби шаҳарларининг ўрис зобитлари, йирик бошқарув маъмурияти хизматчилари яшайдиган ҳашаматли қисми пайдо бўлди, уларнинг фаровон яшашлари учун ҳамма шароитлар: боғлар, чароғон кўчалар, театрлар, маданият ва маърифат, таълим-тарбия масканлари яратилди. Шаҳарларнинг бу қисмига маҳаллий аҳоли киритилмади, фақат энг қора ва оғир ишларгина маҳаллий аҳолига раво кўрилди. Ота-боболаримизнинг айтишларига қараганда, Тошкентнинг генерал фон-Кауфман хиёбони (ҳозирги Амир Темур хиёбони) шундай шиор катта-катта ҳарфлар билан ёзиб қўйилган экан: “Сартам-собакам ходить запреҳен!”. Бу ҳол Абдулла Қаҳҳорнинг “Томошабоғ” ҳикоясида ҳам ўз ифодасини топган.

1907 йилнинг охирларида Туркистон ўлкасига саёҳат қилган, ўлканинг Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Фарғона, Қўқон каби йирик шаҳарларида бўлиб, уларнинг етакчи зиёлилари билан яқин мулоқотда бўлган, чор Россиясининг Туркистонда олиб бораётган даҳшатли мустамлакачилик сиёсатини ўз кўзи билан кўрган татар ёзувчиси, (келиб чиқиши ўзбек) маърифатпарвар ношири, Петербургда “Улфат” газетасининг муҳаррири Абдурашид қози Иброҳимов ўз эсдаликларида ёзиб қолдирган эди: “Тошканд бундан ниҳоят қирқ йил муқаддам бир мусулмон мамлақати бўлиб, бугун Русиянинг бир вилояти ва умум Туркистон ҳам Фарғона ва Сирдарё вилоятларининг марказидир. Тошканд хорижда бир шаҳар деб тасаввур қилинса ҳам, бу ерда у икки мамлакат каби икки даҳага бўлинган, бир шаҳар бўлгани ҳолда икки хил идорага бўлинур: яъни у Русия даҳаси, аҳли ислом даҳаси деб юритилур. Рус Тошкандида ғоят тартибли бино ва савдо уйлари, текис уйлар, электр нурларида сайр қилиб юришлар Оврўпонинг бир намунасидир. Аммо ислом Тошканди аксинча, бундан беш юз йил аввал қандай аҳволда бўлган бўлса, ҳамон ўша аҳволдадир, илк баҳорда,

баҳор охирида шаҳар ичидаги уйлардан пиёда юриб ўтишнинг ҳам иложи бўлмай қолади. Буни ҳатто сўз билан ҳам таърифлаб бўлмайди, чунки бу йўлларда фақат от-улов билангина юриш мумкин бўлиб қолади. Ҳолбуки, бир шаҳардир. Умум аҳолисининг асосий қисми мусулмонлардир. Даромад асосан мусулмон қисмидан олинур. Фақат христиан идораларига сарф қилинур. Ҳокимият қуввати русларда, мамлакат даромади ва ерга эгалар ҳам улардир, рус қисмларидаги йўлларга умум даромаддан пул ажратилади, аммо исломий қисмдагиларнинг йўллари нима бўлса бўлсин, бир сўм ҳам сарфламайди, на бир текис йўл, на бир чироқ бор, ҳеч вақо йўқ... Ҳақиқатни яна ҳам очиқ англамоқ учун бу ерда қуйидаги фикрни кўрайлик: Тошканд аҳолиси жами 200000 киши ҳисобидан бўлиб, булардан 18 фойизи христианлар, бошқаси мусулмонлардир. Тошканд шаҳар идорасида жами 72 аъзодир, булардан 24 мусулмонлар, қолганлари христиандир. Шу ҳолда инсонийлик ва тенглик, ўзаро муомала-муносабатлар қаерда қолди”¹.

Губернаторлик ўлкада мустамлакачилик сиёсатини мустаҳкамлаш учун баъзи бир маърифий-маънавий тадбирларни амалга оширишга киришади. 1870 йилда рус тилида “Туркестанские ведомости”, 1871 йилдан биринчи бор ўзбек тилида “Туркистон вилоятининг газети” чиқарила бошланди. Газетага 1871-1883 йилларда генерал-губернатор таржимони Шохимардон Иброҳимов, 1883 йилнинг бошида қисқа муддат Муҳаммад Ҳасан Чанишев, 1883-1917 йилларда-34 йил узлуксиз ашаддий миссионер Николай Остроумов муҳаррирлик қилди. Газетада рус маданияти, урф-одатлари, тарихи зўр бериб тарғиб этилди, бу ишда Н.Остроумов фармонбардорлик қилди. Ушбу газетада узоқ вақт Сатторхон Абдуғаффоров, тарихчи Мулла Олим Махдум Ҳожи фаолият кўрсатди. Газета ҳар йили Тошкентни босиб олиш санасини катта тантана билан нишонлаган, маҳаллий аҳолини бу “тантанали байрам” билан табриклаган, истило қатнашчилари, “уруш фахрийлари” билан маҳаллий халқ учрашувларига бағишлаб тантанавор мақолалар эълон қилган.

“Туркистон вилоятининг газети” ерли аҳолини руслаштириш сиёсатида, рус урф-одатларини, рус-тузем мактабларини тарғиб-ташвиққилиш ишида катта фаолият кўрсатди. Газетанинг умумий сиёсий йўналиши ҳақида Зиё Саид қуйидагиларни ёзган эди: “1884 йилда Туркистон генерал-губернатори бўлиб тайинланган Рузенбахнинг фармони билан 1885 йилдан бошлаб газетанинг бир томони русча бўлиб чиқади. Бунинг сабабини газета муҳаррири (бу вақтларда энди Остроумов муҳаррир) бундай деб кўрсатади: “Чунончи, ул баланд даражалик ўтган йил Самарқанд ва Фарғона музофотларига бориб қайтиб келгандан сўнгра мен газет муаллифига меҳрибон бўлуб айтиб эрдиларким, Туркистон вилоятидаги бул газетни ўқуйдурғонлар ва ҳам бир озгина Русия хатини танийдурғон одамларға фойда еткурмоқлик учун бул газетни келадурғон йилда Русия тилида таржима қилиб чиқарилса яхшироқ бўладур деб...”. Рузенбах Туркистон генерал-губернатори бўлиб белгилангандан кейин, газета бетида “Ерликлар учун рус мактаблари керак” деган мавзуда ёзилғон мақола ва

¹ Abdurashid Ibrahim, 20 Asrin Boslarinda Islam Dunyasi va Japonya'da Islamiyet. Istanbul, 1987, s. 37-38.

хабарлар кўрина бошлайди. Яъни руслашдириш сиёсати ва ерлик халқдан чор чиновниклари ҳозирлар масаласи шу Рузенбах келгандан кейин матбуот майдониға яна кескинрок қўйилади. Бу нарса шуни кўрсатадики, газетанинг бир томонини русча қилиб чиқариш, мана шу масала теварагида қилинаётган ишлар ва кўрилаётган чораларнинг мағзини чайнаб кўришдан ибратдир. Бутун сарлавҳаларни русча қўйиш (шу йиллардан бошлаб бутун мақола ва хабарларнинг сарлавҳалари русча қўйила боради) рус тилини умумлаштириш учун бўлса керак”¹.

Мустамлакачилар ўлкага фақат моддий зарар келтириш билан чекланмадилар, унинг маънавиятини, тилини, динини, миллий ҳис-туйғуларини оёқости қилдилар. Қадимий шаҳарларимиздаги осори-атиқалар, ноёб қўлёзма асарлар Петербург, Москва шаҳарларига бетиним ташиб кетилди. Булар орасида мусулмон дунёсининг муқаддас китоби “Усмон Қуръони” ҳам бор эди. Бу ҳақда маърифатпарвар Исҳоқхон Ибрат қўйидагиларни ёзган эди: “Ҳазрати Усмон, разиоллоҳу анҳу, Қуръони қадимий кўфий хати ила китобат қилдилар. Ул каломи Оллоҳни соҳиби Қуръон Амир Темур Курагон Исломбулни олганда хазина бўлиб, Самарқанд шаҳрига келтурган, ўз хузурида муҳофазат қилиб, фавтидин сўнг Ҳазрат Шоҳизиндагинларига, андин подшо Русия императорлар олдуруб, Петербург шаҳрида сақланмоқда”¹.

1873 йилда генерал фон Кауфман Хоразм хонлигини истило қилган вақтда, истилочи қўшинлари сафида шарқшунос профессор А.Л.Кун ҳам қатнашган. У истило вақтида қўлга киритилган мингга яқин ноёб қўл ёзма китобларни, ҳужжатларни рўйхат қилиб, уларни таснифлаган ва Петербургга олиб кетган. Ушбу қўл ёзмалар орасида Абулғози Баҳодирхон, Шермуҳаммад Мунис, Муҳаммадризо Огаҳийларнинг ўнлаб асарлари бўлган.

Маънавий обидаларимизни ташиб кетишда В.В.Бартолд, Н.И. Веселовский, А.Л.Кун Н.Петровский, А.Н. Самойлович каби шарқшуносларнинг “хизмати” катта бўлган. Этнограф, архиолог Акрам Асқаровнинг турли даврларга мансуб 14000 танга ҳамда 200 дан ортиқ нодир қўлёзма асарлар коллекциясини Петербургга жўнатишда Н.И.Веселовский бош-қош бўлди. А.Асқаровнинг бу хизматларини Россия археология жамияти кумуш медал билан тақдирлади. Мана шундай арзон-гаров унвонлар, орден-медаллар учун баъзи бир ҳамюртларимиз халқимизнинг ноёб осори-атиқаларини, ўлмас асарлар қўлёзмаларини босқинчиларга қўшқўллаб топширдилар.

Тошкент шаҳар, Себзор даҳаси қозиси Муҳиддинхўжа Ҳакимхўжа ўғли ҳамда генерал Жўрабек Додхоҳ вафот этганда, В.В.Бартолд уларнинг кутубхонасидаги нодир китоблар билан қизиқиб, айниқса Муҳиддинхўжа қози кутубхонасидаги жаҳонда ягона нусха ҳисобланган Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”, ноёб қўлёзма “Тарихи Табарий” асарларини қандай бўлмасин, ҳукумат тасарруфига ўтказиш ҳақида Н.Остроумовга ёзган хатларида қайта-қайта таъкидлаган эди.

¹ЗиёСаид. Ўзбеквақтлиматбуотитарихигаматериаллар, Самарқанд-Тошкент, 1927, 22-бет.

¹ Исҳоқхон Ибрат. Жомеъул-хутут, Наманган, “Матбааи Исҳоқия”, 1912 йил, 16-бет.

Ноёб қўлёзма асарларнинг келгиндилар томонидан ташиб кетилишига қарши Оренбургда Фотиҳ Каримий муҳаррирлигида чиқадиган “Вақт” газетаси ҳам катта ташвиш билан қуйидагиларни ёзган эди: “Бу ерда (Туркистонда) улкан эски асарлар очкўз мужовур (қўшни)лар тарафиндан Оврупа сайёҳларина йўқ-бор ақчалар баробарина ва рус маъмурларина ҳадя эдиланарак верулуб битмушдур... Азиз ва нодир асарларнинг бўйла равишда талоф ўлмоқлари учун таассуф этмоғи кимса инсон дагилдур”¹.

1909 йилда Оренбургда чиқадиган “Шўро” журналининг 2-сонида Аҳмадjon Бектемиров “Туркистон вилояти” номли мақоласида Хива, Бухоро, Самарқанд каби мусулмон оламининг йирик шаҳарларидаги осори атиқа ва маданият обидаларига рус мужикларининг муносабати ҳақида куюниб ёзган эди: “Тамоман муҳожир руслар келуб, ерлашуб битгандан сўнг керакли ва осори отқага мансуб шайлар йўғолуб битажагина шубҳа йўқдур. Чунки муҳожир мужик руслар мусулмонларга нисбатан мутаассиб ва жоҳиллардр. Шул сабабли тарихга оид ўлган шайлар қадрсиз ўринларда қолажак, ёки бутун-бутун махв ўлажаклардур”.

Марказий Осиё чор Россиясининг тўқимачилик саноатини пахта билан таъминлайдиган асосий хом ашё базасига айлантирилди. Пахтага бўлган эҳтиёжнинг кун сайин ошиб бориши пахта тозалаш, ёғ, совун заводларининг вужудга келишига сабаб бўлди. Ўлкада маҳаллий пахтачи, заводчи бойлар, Россиянинг марказий шаҳарлари билан алоқа қилувчи “масковчи” бойлар пайдо бўлди. Рус капиталистларига рақобат қилувчи нисбатан анча заиф бўлса-да, маҳаллий буржуазия пайдо бўлди. Масалан, Фарғона вилоятидаги катта-кичик 157 та пахта тозалаш заводининг 107 таси маҳаллий буржуазия қўлида эди. Ўлкада капиталистик муносабатларнинг пайдо бўлиши билан ярамас, ўта салбий иллатларни ҳам олиб келди. Бу иллатлар маҳаллий халқ ахлоқида кучли салбий таъсир кўрсата бошлади: меҳмонхоналарда, ресторанларда ифлос ишлар билан шуғулланиш, “доим фиён” (И.Ибрat) бўлиб юриш ҳоллари вужудга келди. Бу ҳақда академик В.В.Бартолд қуйидагиларни ёзади: “Ерли аҳолининг руслар билан яқинлашиши, рус тилини ўрганиши натижасида рус ҳаётининг асосан ташқи, салбий томонларини ҳам ўзлаштирдилар. Фаҳш ҳаёт кечиришга, вино, пиво ичишга ўргандилар...”². Бунинг устига, Россия ҳукумати ҳам мустамлака ўлка халқлари маънавиятини, диний эътиқодини бузиш учун ароқ, вино ва пиво билан савдо қиладиган махсус дўконлар тармоғини кенгайтди, фоҳиша аёлларнинг ўлкага оқиб келишига катта имкониятлар яратди. Маҳмудхўжа Бехбудийнинг “Падаркуш” драмасидаги фоҳиша аёл Лиза ва ресторан ходими Артун, Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романидаги Мария Острова, Ойбекнинг “Қутлуғқон” романидаги ресторан фоҳишалари образида Россиянинг ушбу сиёсати фoш этилгани тасодифий ҳол эмас.

Мустамлакачилар маҳаллий халқ урф-одатларини, диний ақидаларини менсимаслик йўлидан бориб, ислом дини обидаларини вайрон қилдилар, улар ўрнида православ черковларини бунёд қилдилар. Бу билан улар Туркистон

¹ “Вақт” газетаси, 1907-йил, 213-сон.

² Бартольд В.В. Сочинения в девяти томах, II том (часть 2). Москва, 1963. С.345.

ўлкасида инсонлар онгидан ислом маърифатини сиқиб чиқариш мақсадини ўз олдларига қўйдилар. Генерал М.Черняев Туркистон шахрини босиб олиш жараёнида Аҳмад Яссавий мақбарасини тўпга тутди, тўп излари битмас чандик каби ҳозир ҳам сақланиб қолган. Робия Султонбегим мақбарасини эса вайрон қилиб, ғиштларини казарма қурилишига ишлатгани маълум. 1868 йилда генерал-губернатор фон-Кауфман бошчилигида Самарқандни босиб олган мустамлакачилар Улуғбек, Тиллақори, Шердор каби мусулмон оламининг донгдор мадрасаларини казармага айлантirdилар, отхона сифатида фойдаландилар.

Асрлар давомида мусулмон оламида аълам, мухтасиб, раис каби лавозимлар бўлган. Бу мансабдорлар бозордаги нарх-навони текшириш билан бирга, одамларнинг хулқ-атфोरини, вақти-бевақт кўча-кўйда бекор юрувчи эркагу аёлни, айниқса, мактаб ва мадраса ёшидаги йигитларни назорат қилиб турган, ҳатто жазолаган ҳам. Шу йўл билан ичкиликбозлик, фоҳишабозлик, қиморбозлик каби нопок ишларнинг олди олинган. Мустамлакачилар бу лавозимларни бекор қилдилар, бу ҳам миллат ахлоқига кучли салбий таъсир кўрсатди.

Рус мустамлакачиларининг Туркистон ўлкасини бошқариш ҳақидаги Низомига кўра қозилар суди сақланиб қолди. Бу билан чоризм ерли халққа нисбатан “одил”, ўзини ерли халқлар “паноҳи” қилиб кўрсатмоқчи бўлди. Лекин давлат аҳамиятига эга бўлган жинойи ишлар қозилик судида кўриш ман этилди. Шу билан бирга, қозилик лавозимига сайловлар ўтказишни жорий қилди. Олдин бундай масъулиятли лавозимга асосан мадрасани хатми кутуб қилган, шариат, фикҳ илмидан катта маълумотга эга бўлган маҳаллий зиёлилар хонлар, ҳокимлар томонидан махсус текширув билан тайинланар эди. Энди эса мустамлакачилар бу лавозимни ҳам ўз тасарруфига олдилар, бу мансабга сайланиш учун порахўрлик, ришватни авжга чиқардилар, сайлов уларнинг бойиш манбаига айланди. Натижада, кўп ҳолларда бу маҳаллий лавозимга нопок, илмсиз одамлар сайланиб қолар эди. Бу вазият маҳаллий зиёлиларнинг норозилигига сабаб бўлар эди. Қарийб 25 йил давомида Тўрақўрғон туманида қози лавозимида ишлаб келган Исоққон Ибрат бу ҳақда қуйидагиларни ёзади: “Положенияда 223-бобида зикр қилингандурки, эътибори бор, етти кундан зиёда ҳибс бўлмаган, ўттиз сўмдан зиёда иштароф тўламаган, ёши йигирма бешдан паст эмас одам (қози) бўлур экан. Олим ё оми, аҳмоқ ё доно киши, ё шариат биладурган ва ёки низом биладурган демаган... Кўрасиз, кимларни(нг) қўлларига бул катта шариат ҳукмини топширадурлар. Фикр-андиша қиладурган киши йўқ. Андиша қиладурган одамни одам ҳам ҳисоб қилмайдилар. Положения бобига мувофиқ элликбоши деган кимгаки шар кўб тушса, ани ёзар экан. На қилсунлар, бу хил қилсалар положенияга мувофиқ. Положенияда шариат биладурган мулладан деган эмас экан. Уларга ким ва нима бўлиши ҳам даркор эмас экан! Бефикр ўтасанг, эй дўст, мухтожи нон ўлурсан.”¹

¹ Туркистон вилоятининг газети, 1910 й., 21 март, 22-сон.

Мустамлакачиларнинг бундай лўттибозликларини уларнинг йирик мафкурачиси Н.Остроумов ҳам эътироф этиб ёзган эди: “Рус маъмурияти ерлик аҳолига сайлаш ҳуқуқини берган, бироқ шаҳар бошлиғининг тавсиясига кўра сайловларни област губернатори тасдиқлаш (санкция бериш) ҳуқуқини ўзида сақлаб қолган эди. Бунда шаҳар ҳокими ва шаҳарнинг ерликлар яшайдиган қисмининг полицмейстери сайловчилар томонидан кўрсатилган номзоднинг шахсий мустақил характери билан ажралиб турмаслиги, рус маъмурияти қўлида итоаткор қурол бўлиши ғамини ейдилар, холос. Агар номзодлар орасида маъмуриятга ёқмайдиган номзод кўрсатилиб қолса, бирор баҳона топиб, уни сайлашга қўймайдилар”.²

Маълумки, мактаб-мадрасаларни асрлар давомида иқтисодий жиҳатдан таъминловчи асосий манба вақф мулклари эди. Вақф айрим мулкдорлар томонидан диний ва хайрли ишларга ажратиладиган мулкдир. Унга ер-сув, тегирмон, карвонсарой, ҳаммом, дўкон каби даромад келтирувчи кўчмас мулклар киради. Мустамлакачилик тартибига кўра вақф мулклари давлат тасарруфига ўтгач, мактаб-мадрасалар иқтисодий таъминот манбаидан маҳрум бўлдилар. Вақф мулкларидан келадиган даромадга ҳам мустамлакачилар эгалик қила бошладилар. Маҳаллий мактабларда фақат диний илмларгина ўқитилиб, аниқ фанларни ўқимоқчи бўлганлар улардан элементар маълумот берувчи рус-тузем мактабларида ўқиш жорий этилди. Натижада, миллий мактаб йўққа чиқарилди. Бу ҳол узокни кўра оладиган ўзбек зиёлиларининг норозилигига сабаб бўлди.

XIX асрнинг 80-йилларидан бошлаб мустамлака Туркистон ўлкасида янги йўналишдаги маърифатпарварлик вужудга келди. Бу йўналишнинг тепасида Аҳмад Дониш, Комил Хоразмий, Сатторхон Абдуғаффоров, Шарифхўжа Пошшоҳўжа ўғли, Муҳиддинхўжа Ҳакимхўжа ўғли, Хўжажон қози Рожий Марғинович, Жўрабек додхоҳ Қаландарқори ўғли, Инъомхўжа Умриёхўжа ўғли, Исҳоқхон тўра Ибрат, Саидрасул Саидазизов каби етакчи зиёлилар ва жамоат арбоблари турдилар. Улар ўз амалий ва ижодий фаолиятларида рус тилини чуқур ўрганиш, шу орқали ривожланган Орупо маданияти ва илм-фанини эгаллашга ундадилар. Бу билан улар халқнинг ўзлигини таниши, охир оқибатда мустамлака исканжасидан озод бўлиш мақсадларини кўзладилар. Маърифатпарварларнинг бундай фаолияти, биринчидан, мустамлакачилар сиёсатига бутунлай зид бўлиб, уларнинг таъқиб ва тазйиқларига учраган бўлса, иккинчидан, маҳаллий мутаассибларнинг “Исҳоқ кофир” (Исҳоқхон Ибрат), “Чўқинди қози” (Сатторхон Абдуғаффоров), “Насора махзум” (Саидрасул Саидазизов) каби дашномларига, бўҳтонларига дучор бўлди. Аммо буюк олижаноб мақсад туфайли улар ҳар қандай тўсиқларни мардонавор енгиб бордилар. Юқорида номлари тилга олинган мутафаккирлар мустамлака Туркистоннинг ягона газетаси “Туркистон вилоятининг газети”дан ўзларининг эзгу орзуларини халққа етказиш учун минбар сифатида фойдаландилар. Бу ҳақда Сатторхон Абдуғаффоровнинг куюниб айтган сўзларига эътибор беринг: “Биз таворих

² Ўзбекистон Республикаси Давлат архиви, 1009-фонд, 1-рўйхат, 59-иш, 33-саҳифа.

китобларидан кўрамизки, ҳар бир халқўзларига яқин ҳамсояларидан ҳар навъ илмларни ҳар вақт ўрганиб ва ҳам ўзларига яқин мамлакат халқига ўргатиб келганлар. Аммо биз Туркистон вилоятидаги мусулмон халқи ўз илмимизни даражали камолга еткурмоқ ул тарафда турсун, балки бурунғи илмларимиз ҳосил қилган ва ошкоро этган китобларни ҳам аксарларини яхши ва тоза фаҳхламайдуғон бўлуб қолганмиз. Аввало бизларга лозимдурким, обо ва аждодларимизни тараддудлари бирлан ошкоро бўлунғон илмларни таҳсил қилмоққа ружу қилмоқ. Чунки бизларга уят ва айбдурким, бизларнинг бурунғи олимларимиз илм бобида баланд даражада туруб, ҳатто бошқаларга таълим бериб турган бўлсалар, бизлар ҳамма халқдан ул бобда пастлик мақомида қолсак. Иккинчи, мазкур мақсудни ҳосил қилмоқда ўрусия тилини билмоқхам ҳеч бир зарар еткурмас эди, балки фойда еткурур эрди. Чунки ўрусия тилини ўрганиб, аларнинг китобларида ўзлари топқон илмлар ва бошқа халқдан ўрганган илмларни бизлар ҳам билиб, тирикчилигимизга нафъи етадурган илмларни бизлар ҳам ўз фойдамизга жорий қилур эрдуқ”¹.

Тошкентдаги Себзор даҳаси қозиси Муҳиддинхўжа Ҳакимхўжа ўғли чор маъмурларининг мустамлака халқни нодонликда, жаҳолатда сақлашдек қабих сиёсатига қарши халқ фарзандларини илм-маърифатли қилиш йўлида жонбозлик кўрсатди. У рус тилини ўқитишни йўлга қўйиш мақсадида 1885 йили 3-рус-тузем мактаби учун махсус бино қуриб берди. (У вақтларда рус-тузем мактабларининг бирортасида махсус ўқув биноси йўқ эди.).

Миллат келажагида аниқ фанларнинг буюк аҳамиятини тушуниб етган машҳур маърифатпарвар Шарифхўжа Пошшоҳўжа ўғли XIX асрнинг 90-йилларида Эшонкули додхоҳ мадрасаси мударриси сифатида мадрасаларда физика фанини ўқитиш масаласини кун тартибига қўйди, физикадан тажрибалар ўтказиш учун физикавий асбоблар йўқлигини ҳукумат маъмурияти доирасига олиб чиқди². Албатта, миллат истиқболида муҳим аҳамиятга эга бўлган бундай таклиф мустамлака маъмуриятига маъқул тушмади ва эътиборсиз қолиб кетди.

XIX асрнинг 80-90-йилларида фаолият кўрсатган, юқорида номлари тилган олинган маърифатпарварларнинг деяри барчаси генерал-губернаторлик эътиборидаги турли мансабларда бўлган жамоат арбоблари эдилар. Улар ўз мансабларидан фойдаланиб, ниҳоятда оғир вазиятда фаолият кўрсатишга, баъзан мустамлакачиларга ён беришга мажбур бўлдилар. Ҳар қандай шароитда ҳам ўз халқини жаҳолатдан, асрий қоқоқликдан олиб чиқишга бор имкониятлари билан ҳаракат қилдилар. Ҳақиқий мақсадлари чор ҳукумати маъмурларига маълум бўлиб қолган бу мутафаккирлар таъқиб ва тазйиқларга, қамоқ ва сургунларга дучор бўлдилар: бунга Сатторхон Абдуғаффоров, Жўрабек Қаландар қори ўғли, Шарифхўжа қози Пошшоҳўжа ўғли, Муҳиддинхўжа қози Ҳакимхўжа қозикалон ўғли кабиларнинг қисмати мисол бўла олади. Қолаверса, мана шу улуғ зотлар Туркистон ўлкасида усули савтия мактабларининг ҳам биринчи ташкилотчилари ва тарғиботчилари сифатида майдонга чиқдилар.

¹ Туркистон вилоятининг газети, 1883 йил, 15 феврал, 6-сон.

² Ўзбекистон Республикаси Давлат архиви, 1009-фонд, 1-рўйхат, 103-иш, 17-саҳифа.

1898 йил Муҳаммад Алихон бошчилигидаги Андижон кўзғолони ва унинг қонга ботирилиши рус мустамлакачиларининг ўлкада юргизаётган сиёсий-мафкуравий, таълимий-маърифий фаолиятига баъзи бир ўзгаришлар, қўшимчалар киритишга мажбур этди. Генерал-губернатор Вревский ишдан олиниб, унинг ўрнига келган Духовский ерли аҳолини, диний муассасалар – масжид-мадрасаларни кучли назорат остига олди, ўлкадаги мактаб ва мадрасаларнинг аниқ рўйхати тузиб чиқилди. Генерал-губернатор ёрдамчиси генерал Иванов бошчилигида катта комиссия текширув ишларини олиб борди. Комиссиянинг хулосасига биноан ерли аҳоли ўртасида элементар маърифий ишлар: оммабоп илмий маърузалар уюштириш, Россияни, рус халқини улуғловчи мавзуларда маҳаллий тилда китобчалар нашр этиш, кўрғазмалар ташкил қилиш ва “Туркистон вилоятининг газети”да мақолалар бериб бориш кераклиги таъкидланди. Биринчи мана шундай маъруза ҳақида “Туркестанские ведомости” газетаси қуйидагиларни ёзади: “1899 йил 14 феврал якшанба куни эрлар гимназиясининг катта мажлислар залида 50 йиллик рус хукмронлиги даврида биринчи марта, ерли аҳолини Европа фани ютуқлари билан таништириш борасида оммавий маъруза бўлди. Соат бирларда ўлка ўқув юртларининг бош инспектори Керенский бошчилигида ўқув муассасаларининг вакиллари, эликка яқин ерли аҳолининг энг ўқимишли намояндалари: мударрислар, муҳаррирлар, муллалар ва бошқа рус тилини билувчилар тўпланди. Генерал-губернаторнинг ёрдамчиси Иванов, Сирдарё губернатори Королков, ўқув юртлари директорлари ва бошқа раҳбар шахслар иштирок этди. Маъруза ўзбек тилида “Туркистон вилоятининг газети” ходими Мулла Олим томонидан ўқилди. Маърузадан кейин генерал Иванов Мулла Олимни фахрий чопон билан қутлади ва қисқача нутқ сўзлади. У ўз нутқида Европа илмининг афзалликлари, мадрасаларга рус тилини киритиш ҳақида гапирди. Тошкент шаҳри аҳолиси номидан халққозиси Муҳиддинхўжа мусулмон илм-фани ва маданияти ҳақида гапирди”¹.

Иккинчи томондан, рус маъмурларига ҳам маҳаллий халқ урф-одатларини, тилини, айниқса, мусулмон дини қонунларини ўрганишлари учун баъзи бир ишлар амалга оширилди. Маҳаллий тилни билувчилар ва ўрганувчилар рағбатлантирилди, “Туркестанские ведомости” газетасида ислом динига бағишланган туркум мақолалар эълон қилинди. Бундай тадбирлардан асосий мақсад мустамлака халққа ва унинг маънавиятига эътибор ёки қизиқишдан эмас, аксинча, бу ўлка халқларини янада асоратга солиш, мустамлака занжирларини мустаҳкамлаш учун бир восита эди. Бу ишда В.Наливкин, Н.Остроумов, М.Мироппиев, Н.Ликошин ва бошқалар катта фаолият кўрсатдилар.

2. Туркистон халқлари миллий-озодлик ҳаракатлари тарихшунослиги.

Хукмрон тузумга қарши кўзғолонлар асосан қамбағал дехқонлар, косиблар, ҳунармандлар томонидан амалга оширилди. Миллий ғурурини ёъқотмаган айрим юқори табақа вакиллари ҳам бу кўзғолонларда иштирок

¹ Туркестанские ведомости, 1899г., 18 феврал.

этдилар. 1878 йилда Мингтепада Етимхон бошчилигида русларга қарши кўзғолон кўтарилди. Бироқ рус мустамлакачи ҳукумати катта ҳарбий кучлар ёрдамида Етимхон бошчилигидаги кўзғолонларни бостирди. Бироқ, ўлкада рус чоризмига қарши кўзғолонлар бу билан бошланди деб бўлмайди. Бу даврда юз берган миллий озодлик ҳаракатларини маҳсус тадқиқ қилган тарихчи Х.Бобобеков қуйидаги бир қатор кўзғолонларни санаб ўтади:

1. Қозоғистон минтақасида 1783—1793 йилларда бўлиб ўтган Сирим Ботир кўзғолони.

2. 1822—23 йилларда бўлиб ўтган Жуломон Тиланчи кўзғолони.

3. 1836—1838 йилларда бўлиб ўтган Исатой Тойман кўзғолони,

4. 1837—1846 йилларда бўлиб ўтган Султон Кенасари кўзғолони.

5. 1856 йилда бўлиб ўтган Сирдарёдаги Жонхўжа

Нурмуҳаммедов бошчилигидаги кўзғолон.

6. 1868 йилдаги Самарқанд мудофааси ва Бухоро шаҳри, Шаҳрисабз бекликларидаги кўзғолонлар.

7. 1870 йилда Манғишлоқ 1рши*зларининг кўзғолонлари.

8. 1871 йилда Сирдарё вилоятида Эшон Эшмуҳаммад бошчилигидаги кўзғолонлар.

9. 1878 йилдаги Мингтепадаги Етимхон кўзғолони ва бошқалар.

Ўрта Осиё хонликлари тарихининг ўрганилиши турли даврларда юзлаб илмий тадқиқотларнинг объекти сифатида чуқур ўрганилган. Тарихшуносликнинг даврлаштириши масалалари нуктаи назаридан қараладиган бўлса, хонликлар тарихини ўрганишни икки даврга бўлиб кўриб чиқиш мумкин. Биринчи даврни ХХ аср 90 йилларигача ўлган давр билан, иккинчи даврини мустақиллик йилларида амалга оширилган тадқиқотлар билан белгилаш мумкин.

ХХ аср 90 – йилларигача бўлган давр мобайнида хонликлар тарихи бўйича кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган ва илмий асарлар яратилган.

Хонликлар тарихини ўрганиш ХХ аср тарихшунослигида катта ўрин тутади. Турли йилларда яратилган тарихий асарларда Бухоро, Хива ва Қўқон хонликларининг ана шу даврлардаги тарихини, жумладан сиёсий ва иқтисодий, ижтимоий ҳаётини ёритиб беришга катта эътибор берилган. Бироқ бу вақтгача яратилган асарларда асосий мақсад хонликлар тарихининг у ёки бу соҳасини ёритиб беришга қаратилган бўлсада, уларда масалага ёндашувнинг ҳар-хиллиги эътиборни тортади. Бу даврда ўзбек хонликлари, жумладан, Бухоро хонлиги ва амирлиги, Хива ва Қўқон хонликлари тарихи акс эттирилган бир қатор илмий тадқиқотлар ва асарлар яратилди. Бир қатор тадқиқотчилар томонидан Бухоро хонлиги ва умуман ўзбек хонликлари тарихининг турли соҳаларига бағишланган илмий тадқиқотларни амалга ошириб, монографиялар нашр эттирган бўлсаларда, улардаги хонликлар тарихини ўрганишдаги бир ёқламалик, тарихни ноҳолис ўрганиш ва талқин қилиш ҳолатлари устунлик қилади. Гарчи ХХ асрнинг 90-йилларигача амалга оширилган илмий тадқиқотлар ва яратилган илмий асарларда хонликлари тарихига оид қимматли маълумотлар учрасада, уларни танқидий ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, бу даврда бир

қатор шу давр тарихини ёритиб берувчи бир қатор манбалар таржима қилиниб, нашр этилганки, улар ёрдами Шайбонийлар ва аштархонийлар даври тарихини чуқурроқ ўрганиш имкони юзага келган. Жумладан, бундай нашр этилган манбалар қаторида Мир Муҳаммад Амин Бухорийнинг “Убайдуллонома”, Мирзо Абдулазим Сомий “Тарихи салотини манғития”, Абдурахмон Тольеининг “Тарихи Абулфайзхон” асарларини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Шунингдек бу даврда бир қатор илмий асарлар ва монографиялар ҳам яратилди. Улар қаторида Б.Ахмедов, З.Абдуллаев, Х.Зиёевларнинг тадқиқотларини кўрсатиб ўтиш мумкин. Бу асарлар ва монографияларда ўзбек хонликларининг тарихи, тарихшунослиги, манбашунослиги, хонликларнинг иқтисодий ва савдо алоқалари тарихи, ташқи сиёсий муносабатлари ва давлат бошқарувига оид масалалар ёритиб берилган.

Мустақиллик йилларида ўзбек хонликлари ва Туркистон халқларининг мустамлака даври ва миллий озодлик ҳаракатлари тарихини ўрганиш том маънода ўзининг янги босқичига кўтарилди. Бу даврда амалга оширилган илмий тадқиқотлар ўзининг илмийлиги, масаланинг моҳиятига ва таҳлиliga объективлик нуқтаи-назаридан ёндашилганлиги жиҳатлари билан аввалги даврлардаги тадқиқотлардан тубдан фарқ қилади. Мустақиллик йилларида амалга оширилган ва ўзбек хонликларини тарихининг турли соҳаларидаги масалаларини акс эттирган илмий тадқиқотлар орасида Х.Зиёев²⁷, Ғ.Ахмаджонов²⁸, Д.Зияева²⁹, Б.М.Бобожонов³⁰, Ғ.Агзамова³¹, Ш.Воҳидов³², Х.Хамидов³³, З.Илҳомов³⁴, О.Масалиева³⁵, Ш.Қўлдошев³⁶, Ш.Махмудов³⁷, Т.Худойқулов³⁸, С.Тиллабоев³⁹, З.Мадрахимов⁴⁰, Й.Шукриллаев⁴¹ каби

²⁷ Зиёев Х. Тарих ўтмиш ва келажак кўзгуси: (Тарихнинг долзарб масалалари). -Т.: Адабиёт ва санъат, 2000; Шу муаллиф: Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. -Т.: Шарқ. 1998.

²⁸ Ахмаджонов Ғ.А. Российская империя в Центральной Азии. – Т.: Фан, 1995.

²⁹ Д.Зияева. Ўрта Осиёда ҳарбий ишлар тарихидан.

³⁰ Бабаджанов. Б.М. Кокандское ханство: власть, политика, религия. Токио-Ташкент: 2010.

³¹ Аъзамова Ғ. Сўнги ўрта асрлар Ўрта Осиё шаҳарларида ҳунармандчилик ва савдо. Т.: Ўзбекистон. 2000.

³² Воҳидов Ш. Қўқон хонлиги ва Бухоро амирлигида унвон ва мансаблар. Т.: Фан, 1996. Шу муаллиф: Қўқон хонлигида тарихнавислик. Т.Академнашр, 2010.

³³ Хамидов Х. XVI-XIX асрларда юртимиз маданияти тарихидан лавҳалар. Т. Фан. 2009.

³⁴ Илҳомов З.А. “Алиқули Амирлашқар ва унинг Қўқон хонлиги сиёсий ҳаётида тутган ўрни”. Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Т.2004; Шу муаллиф: Амирлашқар тарихи. Т. 2013. Шу муаллиф: Қўқон хонлиги тарихшунослигининг айрим масалалари. Т. 2008.

³⁵ Масалиева О. Бухоро, Хива ва Қўқон хонлиги тарихини XX аср Англия ва Америка тарихшунослигида ўрганилиши. Тарих фан...номзоди дисс... – Т., 1998

³⁶ Қўлдошев Ш. «Қўқон хонлиги ва Шарқий Туркистон ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқалар (XVIII-XIX асрнинг ўргалари)» Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Т.2009.

³⁷ Махмудов Ш. Қўқон хонлиги сиёсий тарихи. Тарих фан номзод илм дар дисс. Т. ЎзР ФА ТИ, 2010.

³⁸ Худойқулов Т.Д. XIX асрда Қўқон хонлигининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёти: Тарих фан. номз. ...дисс. - Тошкент: Уз МУ, 2009. - 172 б.

³⁹ Тиллабоев С. Туркистон ўлкасининг маъмурий бошқарув тизимида маҳаллий аҳоли вакиларининг иштироки. Т. “Фан”. 2008.

⁴⁰ Мадрахимов З. Қўқон хонлигида савдо муносабатлари. Т. “Янги нашр”. 2014.

⁴¹ Шукурллаев Ю.А.Бухоро амирлигида қўшин ва ҳарбий иш (1753 – 1920 йиллар). Тарих фан номзод илм дар дисс. Т. 2006.

тадқиқотчиларнинг асарлари ва илмий ишларини, шунингдек бир қатор фундаментал илмий тадқиқотларни кўрсатиб ўтиш мумкин⁴².

3. Россия империясининг Туркистонда юритган таълим сиёсати ва унинг мустамлакачилик мазмуни.

Туркистоннинг биринчи генерал-губернатори К.П.Кауфман ўлка маорифини ўрганиб чиққач, ерли аҳолини руслаштириш учун Н.И.Ильминский (1822-1891)нинг Қозон татарларини руслаштириш борасидаги фаолиятини Туркистон ўлкасига татбиққилиш мақсадида уни Тошкентга таклиф қилди. Ильминский араб, форс, турк тилларини анча мукамал билган, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асарини 1857 йилда Қозонда нашр эттирган туркшунос эди. У Қозон диний академиясининг профессори, туркий халқларни руслаштиришга қаратилган маориф тизимини ишлаб чиққан, татарларни руслаштиришда катта тажриба орттирган миссионер эди. Туркистон ўлкасида очила бошлаган рус-тузем мактаблари ҳам Ильминский тизими асосида вужудга келган эди. Россиянинг мустамлака Марказий Осиё халқлари маорифига муносабати аниқ эди: Волгабўйи, Урал, Кавказ, Қримдаги туркий халқлар маорифи тизимига қўллаган руслаштириш сиёсатини Туркистон халқлари маорифига ҳам татбиққилиш эди. Бу сиёсат Россия маориф вазирлигининг 1869 йилдаги низомида ишлаб чиқилган бўлиб, бу низом рус миссионерларининг раҳномаси Н.Ильминский фаолияти заминида вужудга келган эди. Шу муносабат билан 1869 йилда Кауфман Қозонда Ильминский билан учрашди ва узок суҳбатлашди. Ильминский Тошкентга келмади. Шунга қарамасдан, Туркистон генерал-губернаторлиги маъмурлари Ильминский билан алоқани узмадилар. 1875 йилда Кауфманнинг топшириғига биноан Туркистон ўқув юртлари бош инспектори А.Л.Кун (1840-1888) Ильминскийга хат ёзиб, ундан Тошкентда очилажак ўқитувчилар семинарияси директори лавозимига номзод таклиф қилишини, иложи бўлса, кўзланган мақсадни амалга оширишга лаёқатли мутахассис юборишини илтимос қилади. Ильминский бу лавозимга энг муносиб номзод сифатида Қозон ўқитувчилар семинарияси ўқитувчиси Н.П.Остроумовни (1846-1930) тавсия қилади.

Н.Ильминский генерал-губернатор Кауфман таклифини ерда қолдирмади: Россия империяси манфаатлари учун бир йўла ўзининг энг ишончли шогирдлари ва издошлари Н.П.Остроумов, М.А.Мироппиев, Н.А.Воскресенский, И.М.Софийскийларни Тошкентга юборди. Уларнинг ҳаммаси 1879 йилда очилган Туркистон ўқитувчилар семинариясида ишладилар ва ўзларини устози Ильминский эътироф этган Туркистондаги православ динининг миссионерлари сифатида ҳаракат қилдилар. Бу семинария ўлкада бирдан-бир ўқитувчилар тайёрлайдиган ўқув муассасаси эди. Унинг биринчи директори этиб Остроумов тайинланди, 1883 йилдан 1901 йилгача бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Мироппиев, Воскресенский, Софийскийлар галма-галдан раҳбарлик қилдилар. 1901-1917 йиллар давомида яна Остроумов раҳбарликни ўз қўлига олди.

⁴² Ўзбекистоннинг янги тарихи. 1-китоб. Туркистон чор Россияси мустамлакаси даврида. Т. Шарк, 2000; История Узбекистана (XVI- первая половина XIX века). –Т.: “Фан”, 2012

Умуман, семинарияда Ильминскийнинг миссионерлик руҳи – буюк давлатчилик шовинизми ҳукмрон эди. Ташкил этилажак рус-тузем мактаблари учун миссионерлик руҳи билан суғорилган ўқитувчилар тайёрлаш семинариянинг асосий мақсади эди. 1879 йилда семинариянинг тантанали очилишида Туркистон ўқув юртлари бош инспектори А.Л.Кун қуйидагиларни таъкидлаган эди: семинарияда ерли аҳоли болалари ҳам ўқитилади, аммо мусулмон дини ўқитилмайди.

Н.Остроумов ва у билан келган ҳамтовоқлари умрларининг охиригача Ильминский ўғитларига амал қилдилар. Ильминский Остроумов ҳақида қуйидагиларни ёзади: “У (Н.Остроумов) Қозон диний академияси курсини тугатган, у ерда татар ва араб тиллари бўйича менинг ўқувчим бўлган, Муҳаммад дини таълимоти, “Қуръон” билан яхши таниш. У қалбан, шу билан бирга, илман миссионер. Менинг маърифатли дўстим Остроумов миссионерликни инсонпарварлик асосида фақат халқ маорифидагина мустаҳкам асосга қўйиш мумкинлигини яхши тушунади”¹.

Дарҳақиқат, илоҳиёт магистри, Қозон диний академиясининг миссионерлик бўлими доценти Н.Остроумов Ильминскийнинг ўнг қўли эди. Остроумов анча билимли шарқшунос бўлган, аммо бу билим, академик И.Ю.Крачковский таъбири билан айтганда “илмга эмас, сиёсатга хизмат қилди”. Остроумов умрининг охиригача рус колонизаторларининг ўта қабих – ўлка халқларини руслаштириш сиёсатини оғишмай амалга оширди. Унинг 1883 йилда ошкора ёзган қуйидаги сўзлари Россия мустамлакачиларининг Туркистон маорифи соҳасида амалга оширган сиёсати моҳиятини тўла ифодалайди: “Русларнинг мусулмонларга бўлган муносабатини белгилашда давлат ушбу масалаларни эътибордан соқит қилмаслиги керак: мусулмонлар таълимига муносабатда ўзимизнинг манфаатларимиз биринчи ўринда турмоғи керак. Биз мусулмонларга нисбатан ҳар жиҳатдан – фақат жисмоний жиҳатдан эмас, айниқса, маънавий-ахлоқий жиҳатдан устунлик мавқеига эга бўлишимиз керак”².

Аммо рус мустамлакачилари бундай руслаштириш сиёсатини амалга ошириш жараёнида маълум тўсиқларга дуч келдилар. Ўлкада рус босқинчиларига қарши давом этаётган исёнлар, халқ озодлик ҳаракатлари, маҳаллий зиёлилар, шариат-дин пешволарининг норозиликлари уларнинг ниҳоятда эҳтиёткорлик билан иш олиб боришларини тақозо қилар эди. Ҳатто фон-Кауфман ва унинг атрофидагилар бу сиёсатни аста-секинлик билан олиб бориш тарафдори эдилар. Шу мақсадда эски маҳаллий мактаб ва мадрасаларни эътиборсиз ҳолича қолдириш, маҳаллий аҳоли билан зиддиятга бормаслик учун диний ақидаларга қаттиқ тегмаслик, аксинча, диний мутаассибликни қўллаб-қўлтиқлаш сиёсатини олиб борди. Маҳаллий аҳоли болалари учун рус мактаблари ташкил қилиш, она тилини рус алифбоси асосида олиб бориш, миллий маданият, миллий маънавият ва адабиёт бўйича иложи борича маълумот

¹ Знаменский П.В.. Участие Н.И.Ильминского в деле иногородческого образования в Туркестанском крае. Казань, 1900. С.46.

² Остроумов Н. Что такое Коран? Ташкент, типография арендуемая Ф.В.Базилевский. 1883 г. С.31.

бермаслик, маҳаллий миллат болаларини ўз тарихидан узоқда сақлаш масалаларида Кауфман билан Ильминский қарашлари жуда мос келар эди.

1870-1880-йилларда Туркистон ўлкасида мустамлакачилик сиёсатини мустаҳкамлаш, Россия империясига, генерал-губернаторликка сидқидилдан хизмат қилувчи кичик амалдорлар тоифасини тарбиялаб етиштириш, ўлкада Россиянинг руслаштириш сиёсатини режали равишда амалга ошириш учун дастлаб рус, кейинроқ рус-тузем мактаблари оча бошладилар. Ўзбек маърифатпарварлари, педагоглари дастлабки паллада рус ва рус-тузем мактабларини қўллаб-қувватладилар, ўзлари ҳам катта саъй-ҳаракат билан бундай мактабларни очишга бош-қош бўлдилар. Сатторхон Абдуғаффоров, Инъомхўжа оқсоқол, Шарифхўжа қози, Зокиржон Фурқат, Муҳиддинхўжа қози, Саидрасул Саидазизов, Рожий Марғиноний, Комил Хоразмий, Исҳоқхон тўра Ибрат кабилар бундай мактабларнинг ҳомийлари, ўқитувчилари, ҳатто фахрий нозирлари ҳам бўлдилар. Бунинг объектив сабаблари бор эди.

Ўз халқини замонавий илм-фан ютуқларидан баҳраманд қилиш, мадраса дастурига физика илмини киритиш, мадрасада физикадан ўқув лаборатория ташкил қилиш учун кураш олиб борган ва бу масалани генерал-губернаторлик даражасига олиб чиққан Шайхованд Тахур даҳаси қозиси Шарифхўжа Пошшоҳўжа ўғли рус тилини ўрганиш масаласига ҳам алоҳида аҳамият билан қаради. Бу ҳақда тарихчи-шарқшунос А.И.Добромислов қуйидагиларни ёзади: “1884 йилнинг 19 декабрида шаҳарнинг маҳаллий аҳоли яшайдиган қисмида ерликларнинг болаларига русча саводни, ўқиш-ёзишни ҳамда арифметикадан тўрт амални ўргатиш учун дастлабки рус-тузем мактаби (Туркистон ўлкасида очилган биринчи рус-тузем мактаби) очилди. Бу мактабнинг очилишида катта қийинчиликлар рўй берди ва фақат Шайхованд Тахур даҳа қозиси Шарифхўжа туфайлигина очилди. Шарифхўжа икки ўғлини, икки ёки уч неварасини, уч жияни ва бошқа яқин қариндошларини шу мактабга берди”¹.

Усули ҳижо методига асосланган маҳаллий ибтидоий мактаблар илм-маърифатдан шу даражада йироқ эдики, халқ болалари бир неча йил ўқиш давомида зўр-базўр оддий саводга эга бўлар эдилар (“Меҳробдан чаён” романидаги Солиҳ Маҳдум мактабини, С.Айнийнинг “Эски мактаб”, Мўминжон Муҳаммадjon ўғли – Тошқиннинг “Эски мактаб турмуши ёки Толиб” асарларини эсланг). Генерал-губернаторлик маҳаллий халқ маорифини ривожлантиришни хаёлига ҳам келтирмади, фақат ҳукумат тасарруфидаги рус ва рус-тузем мактабларига жуда кам миқдорда маблағ ажратарди, халос. Булардан ташқари, эски маҳаллий мактаблардаги биргина руҳоний таълим-тарбия билан Ватанни олға ривожлантириб бўлмас эди. Ўзбек мутафаккирлари рус-тузем мактабларини тирғиб-ташвиққилар эканлар, фақат миллат манфаатларини кўзда тутдилар.

Ўзбек шоирларидан Рожий Марғиноний ҳам шаҳар қозиси сифатида Марғилонда очила бошлаган дастлабки рус-тузем мактабларини қўллаб-қўлтиқлагани ҳақида, бу мактабнинг халқ учун келтирадиган фойдалари ҳақида

¹ Добромислов А.И. Ташкент в прошлом и настоящем.. Ташкент, 1912. С.203.

“Туркистон вилоятининг газети”да маълумот беради: “Андин кейин хурматлу домулло Хўжахон қози мазкур мактаб хонани(нг) фуқароларга бўладурғон фойдаларини баён этиб, фуқаролар чин кўнгуллари билан хурсанд бўлиб, болаларини берганлари тўғрисида изҳори арз қилдилар”¹.

Ўзбек маърифатпарварлари маҳаллий ёшларнинг рус ва рус-тузем мактабларида рус тилини мукаммал ўрганиши жаҳон илм-фани янгиликларини эгаллаш учун катта имкониятлар яратувчи восита деб билдилар. Бу эса охиروқибатда миллатнинг ўзлигини танишга олиб келар эди. Уларнинг бундай фаолияти чор маъмурлари олиб бораётган сиёсатга бутунлай зид эди. Шунинг учун ҳам исми-шарифлари юқорида тилга олинган маърифатпарварлар умр бўйи таъқиб ва тазйиқлардан қутула олмадилар. Бу даврда халқ фарзандлари учун замон талабларига нисбатан жавоб бера оладиган бошқа дурустроққув муассасаси йўқ эди. Бу ҳақда Сатторхон Абдуғаффоровнинг куюниб ёзган сўзларига эътибор беринг: “Ўрусия тилини ўрганиб, аларнинг китобларида ўзлари топкан илмлар ва бошқа халқдин ўрганган илмларини бизлар ҳам билиб, тирикликимизга нафи етадурган илмларни бизлар ҳам ўз фойдамизга жорий қилур эдик...Мен ҳар вақтда мусулмонларни ўз фойдамиз учун русия тилини ўрганмоқликнинг зарур эканлигини баён қилур эдим. Ул вақтларда Хўқанд халқи ўшандоқ улуғ ишнинг фойдасини чандони фаҳмламас эрдилар. Зуъмҳол (мутаассиб) муллалар ҳам менинг ҳайриятимни қилмас эдилар. Аларга барча янги тартиблар бегона ва ваҳший кўринур эдилар. Алар ул аҳволларда дарвоқеъ яхши ва ёмонни(нг) фарқига бормас эдилар”².

Баъзи бир тадқиқотчилар, тарихчи олимлар мустамлакачилар томонидан очилган бу мактабларни қўллаб-қувватлаган, ўзбек фарзандларини ушбу мактабларга даъват этган маҳаллий зиёлиларни қаттиққоралайдилар, ҳатто сотқинликда айблайдилар¹. Ота-боболаримиз бўйнига бундай оғир, аммо ноўрин айбларни қўйишдан бир оз бўлса-да, ўзимизни тийишимиз керак!

Агарда Инъомхўжа оқсоқол, Шарифхўжа қози, Муҳиддинхўжа қозилар рус босқинчиларининг малайлари ёки уларга сотилган бўлганларида, 1892 йил Тошкентда юз берган миллий озодлик ҳаракатининг-“Вабо кўзғолони”нинг раҳбарлари сифатида таъқиб қилиниб, Тошкентдан бадарға-сурғун қилинармидилар?! Генерал-губернаторликнинг муассиси “Туркистон вилоятининг газети”нинг 1883-1892 йилларда муҳаррир ёрдамчиси ва таржимони Сатторхон Абдуғаффоров шу халқ озодлик ҳаракати туфайли умрининг сўнгги 8-9 йилини ишсизликда, дарбадарликда ўтказармиди?!

Хонликлар даврида ва ундан кейин ҳам илм-маърифатдан бебахра бўлиб келаётган халқ тақдири ўзбек зиёлиларини қаттиқ ташвишга солаётган эди ва рус ҳамда рус-тузем мактабларидан ўз халқи манфаатлари йўлида – маҳаллий аҳоли фарзандларини илм-маърифатли қилиш йўлида фойдаланишга, уларни чор ҳукуматининг қабих ниятларига зид келадиган йўлга аста-секинлик билан буриб юборишга ҳаракат қилдилар ва бунга қисман бўлса ҳам эришдилар. Тўғри, бу

¹ “Туркистон вилоятининг газети”. 1888 й., 31 декабр.

² “Туркистон вилоятининг газети”, 1890 йил, 32-сон.

¹ Ш.Каримов, Р.Шамсуддинов. Туркистон Русия босқини даврида. “Мерос”, Андижон, 1995 йил, 90-91-бетлар.

мактаблар маҳаллий аҳолидан юксак малакали мутахассис ёки кенг маълумотга эга бўлган кишиларни тарбиялаб етиштириш мақсадини ўз олдига қўйган эмас, бундай бўлиши мумкин ҳам эмас. Академик В.В.Бартольд маълумот беришича, у ердаги ўқитиш шу даражада саёз эдики, буни ҳатто рус зиёлилари ҳам эътироф этар эдилар: “Вилоятдаги рус-тузем ва соф русча мактаблардан ҳеч бири русча ёзиш у ёқда турсин, ҳатто тўғри ўқий оладиган бирорта ҳам маҳаллий халқ кишисини етиштиргани йўқ”¹.

Рус-тузем мактабларида ўқитиш савиясининг бу даражада паст эканлигининг асосий сабабларидан бири мактаб иқтисодий базасининг ниҳоятда ночор аҳволда эканлигидир. Давлат ҳар бир рус-тузем мактабининг барча ҳаражатлари учун бир йилга бор-йўғи 700 сўм ажратар эди, холос. Бундай мактабларнинг кўпи махсус мактаб учун қурилган бинога эга эмас эди, балки бадавлатроқ кишиларнинг ижарага олинган ҳовлисига ёки уйининг 2-3 та ортиқча хонасига жойлашган эди. Булардан ташқари, русча ва ўзбекча синф ўқитувчилари деярли баравар ишлашларига қарамай, ўзбекча синф муаллимига жуда оз миқдорда маош берилар эди, яъни рус ўқитувчисининг бир йиллик маоши 1000 сўм, ўзбек ўқитувчисининг бир йиллик маоши 400 сўм эди.

Шунинг учун ҳам бундай ўқув юртлари раҳбарлари ҳукумат маъмурияти олдига ўзбек синфлари муаллимлари маошларини ошириш масаласини қўйган эдилар. 1887 йилда Фарғона ва Самарқанд вилоятлари халқ мактаблари назоратчиси П.В.Прилежаев ўз ҳисоботида қуйидаги фикрларни баён қилган эди: “Мукофот учун белгиланган 100 сўмни мулланинг маошига қўшиб бериш маъқулдир. Ана шундагина мулланинг бир йиллик маоши 220 сўм бўлади. Шундай қилинса, бу вазифага энг яхши кучларни жалб этишга имконият туғилади. Акс ҳолда яхши муллалар моддий жиҳатдан кўпроқ таъминлайдиган мадрасани ташлаб, оз ҳақ тўлайдиган рус мактабларида ишлашга у қадар муҳтож эмас”².

Баъзи жойларда рус-тузем мактаби очиш, унинг зарур эҳтиёжлари учун маҳаллий аҳолидан пул (школ пули) йиғар эдилар.

Рус-тузем мактаблари давлат эътиборидан шу даражада узоқ эдики, бу мактабларнинг ўзбек гуруҳларини дарслик билан таъминлаш масаласи 30 йилдан кейин ҳал этилди. Рус ва рус-тузем мактаби дастлаб 1873 йилда Чимкентда очилган бўлса, бундай мактаблар учун атоқли мутафаккир Саидрасул Саидазизов “Устои аввал” алифбо дарслигини 1902 йилда нашр эттирди. Рус гуруҳлари учун эса С.Граменицкийнинг “Первая книга для чтения”, “Вторая книга для чтения”, “Третья книга для чтения” дарсликлари 25 йилдан кейингина яратилди.

Буларнинг ҳаммаси тасодифий ҳол эмас, аксинча, рус сиёсатдонларининг эҳтиёткорлик билан, ўйлаб амалга оширган тадбирлари эди. Чунки Ильминский ўз гумашталарига шундай таълим берар эди: “Ерли халқ орасида бизнинг учун фойдали ва ҳеч бўлмаганда, зарарсиз кишилар русча тилни тутилиб, уялиб гапирадиган, русча ёзганда бирмунча хато билан ёзадиган, бизнинг

¹ Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана. Ленинград, 1927. С.308.

² Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архиви. 47-фонд, 281-дело, 390-бет.

губернатордан эмас, ҳатто стол бошлиғи (мирзо)миздан ҳам кўрқадиган кишилар бўлиши лозим”¹.

Лекин шунга қарамасдан, ўзбек маърифатпарварлик ҳаракатининг атоқли намояндалари, истиқлол, миллий озодлик учун курашган, жадидчилик ҳаракатида фаол иштирок этган мутафаккирлар Саидрасул Саидазизов, Нозимхоним, Ҳамза, Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Боту, Мирмулла ҳамда Мирмуҳсин Шермуҳамедов ва бошқалар шу рус-тузем мактабларидан етишиб чиқдилар.

Ҳатто Россия империяси даврида ҳам, шўролар империяси даврида ҳам умри камокларда ўтган, Туркистон Мухторияти ҳукуматининг раиси ўринбосари адвокат Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев ҳам рус-тузем мактабини тугатган. Маълумки, Сатторхон Абдуғаффоров 1873 йилда Чимкентда очилган илк рус мактабининг биринчи ўзбек ўқитувчиси эди. XIX асрнинг 80-йилларидаёқ рус-тузем мактабларининг асл моҳиятини жуда тўғри тушунган, унинг мустамлакачилик, шовинистик моҳиятини, ерли аҳолини руслаштиришга қаратилган сиёсатини очиқ фош қилган, ушбу мактабни миллий тарбия заминидан ўзгартириш, аста-секинлик билан мустамлакачилар ниятига зид йўлга солиб юбориш усуллари ишлаб чиққан эди. 1883 йилда Тошкентда Туркистон ўлкасидаги рус ўқув юртлири муаллимларининг 1- курултойида Қўқон шаҳридаги рус мактабининг фахрий нозири сифатида Сатторхон ҳам иштирок этди (Сатторхон Абдуғаффоров 1878-1886 йилларда Қўқондаги рус мактабининг фахрий нозири лавозимида ишлаган). У ушбу курултойда чор маъмурларининг маҳаллий аҳолини мажбуран руслаштириш сиёсатини кескин қоралади ва рус мактабларига маҳаллий тил ва мусулмон динидан дастлабки маълумот берувчи муаллимлар жалб қилиш кераклигини таъкидлади: “Рус мактабларига мусулмон муаллими киритилиб, унга ерликларнинг болаларини маҳаллий тилга, жойига қараб, сарт ёки қирғиз тилига ўргатиш ҳамда мусулмон динидан бошланғич таълим бериш вазифаси юклатилса, у вақтда маҳаллий кишиларнинг бу мактабга нисбатан ҳаммага маълум ва ҳамма таъкидлаётган ишончсизлиги тугатилган бўлур эди”¹.

Туркистондаги рус ва рус-тузем мактабининг биринчи ўзбек ўқитувчиси Сатторхон Абдуғаффоровнинг бу оқилона фикрлари курултой раиси, руслаштириш сиёсатининг Туркистон ўлкасидаги ашаддий намояндаларидан бири М.А.Мироппиевнинг кескин қаршилигига учради. У Россия маориф вазири Д.А.Толстойнинг “Туркистон ўлкасидаги давлатга қаршли мактабларда мусулмон дини ҳам, мусулмон тили ҳам ўқитилмаслиги керак” деган низомига ёпишиб олган ҳолда Сатторхонга қарши ўзининг шовинистик қиёфасини кўрсатувчи, умуман, рус маъмурларининг Туркистон халқларини руслаштириш сиёсатини ифодаловчи қуйидаги фикрини баён қилишдан уялмади: “Ўз динида

¹ “Письмо Н.И.Ильминского к обер-прокурору Святейшего Синода К.П.Победоносцеву”. В кн. Мусульманские депутаты Государственной думы России 1906-1917 гг. Уфа, 1998 г. С.120.

¹ “Протокол заседаний собрания учителей городских училищ Туркестанского края (30F XII-1883-3FI 1884)”. Ташкент. С.17.

мутаассибликнинг мавжудлигини инкор қилувчи мусулмонларга ишонмаслик керак”¹.

Сатторхон Абдуғаффоров Чимкентда илк бор очилган рус мактабида ўқитувчилик қилган, Қўқонда рус мактабининг фахрий нозири бўлиб ишлаган йилларда маҳаллий аҳоли ўртасида рус тилини ўрганишга даъват этишдек, халқ фарзандларини рус-тузем мактабларига кўпроқ жалб этишдек муҳим масалага бош бўлиш билан бирга, биринчи ўзбек журналисти, публицисти сифатида халқни нодонликда сақлашга қаратилган мустамлакачиларнинг мунофиқ сиёсатини, мутаассибларнинг жоҳиллигини очиб ташловчи туркум мақолалар битди. Шу маънода унинг “Бир чимкентлик мусулмон ўтган вақтларни ёдиға олиб ёзгани”² туркум мақолалари муҳим аҳамиятга эга.

Губернаторлик маъмурлари рус-тузем мактабларида ислохот ўтказиб, унинг ўзбек синфларидаги таълим-тарбия ишларини бир оз бўлса-да, миллийлаштиришдан В.В.Бартольд сўзи билан айтганда: “Маҳаллий халққа ўз она тилида кўпроқ маълумот беришдан ва бу билан маҳаллий халқни руслаштириш ишига зарар етказиб, маҳаллий адабиёт ва маданиятнинг қаттиқўрнашиб қолишидан кўрқар эдилар”³.

Рус-тузем мактабларининг очилишига рус маъмурлари, миссионерларининг ўзлари катта шубҳа ва ҳадик билан қарадилар, рус маъмурларини бундай мактабларга ерли аҳоли фарзандларини жалб қилиш катта ташвишга солди. Бу мактабларни очишдан рус маъмурларининг кўзда тутган мақсадларидан қатъи назар, ерли аҳолининг кўзи очилиши мумкин, деган ташвиш уларни безовта қилган, ҳатто бундай мактабларни очмаслик, ерликларни иложи борича маърифатдан, маънавиятдан узоқда сақлаш кераклигини қайта-қайта таъкидловчилар оз эмас эди.

Ўзбек, форс, араб тилларини, адабиётини анча мукаммал билган, ўзбек мутафаккирлари Ҳавоий – Умидий, Хўжажон қози Рожийй, Фурқатлар билан яқин алоқада бўлган, шарққўлёмаларидан катта коллекция вужудга келтирган ва Санкт-Петербург Шарққўлёмалари институтига топширган, 20 йил давомида Россиянинг Қошғардаги бош консули лавозимида ишлаган, миссионер Н.Остромовнинг яқин ҳаммаслаги Н.Петровский рус ва рус-тузем мактабларининг очилишига кескин қарши чиққан эди. У 1887 йил 23 июнда Н.Остромовга йўллаган мактубида Туркистон ўлкасида бирин-кетин очилаётган рус ва рус-тузем мактабларидан ташвишланиб, қуйидагиларни ёзади: “Ҳамма ерда мусулмонлар учун очилаётган мактаблар (рус-тузем мактаблари кўзда тутилмоқда) нима ўзи? Маънилиқ ишми ёки беҳуда ишми? Хўжакўрсингами ёки жиддий нарсами? Билишни истардим. Биринчиси тўғри бўлса керак, деган хавотирдаман. Агар мактаблар олдиндан кўзланган мақсадсиз, оқибати нимага олиб келишини ўйламасдан очилаётган бўлса, уларни очмаслик маъқул. Кейин бориб пушаймон бўлиб қолмайлик”.

¹ Ўша жойда, 18-бет.

² Туркистон вилоятининг газети”. 1890 й., 6, 8, 16, 19, 24-сонла

³ В.В.Бартольд. Ўша асар, 134-бет.

Рус босқинчиларининг бу фаолияти XIX асрдаёқ рус сиёсатдонлари томонидан режалаштирилган эди. Бу ҳақда Россия маориф вазири Д.А.Толстойнинг 1870 йилда ёзган сўзларига эътибор беринг: “Бизнинг ватанимизда яшовчи барча бегона (рус бўлмаган) халқларнинг маълумотли бўлишининг охириги мақсади, шубҳасиз, уларни руслаштириш ва рус халқи билан бирлаштиришдан иборат бўлиши керак”¹.

Рус-тузем мактабларининг ўта реакцион моҳиятини ҳатто рус сиёсатдонларининг ўзлари ҳам эътироф этганлар. Туркистонда 43 йил фаолият кўрсатган, рус-тузем мактабларининг ташкилотчиси ва биринчи ўқитувчиси В.П.Наливкин (1852-1918) сўзларига эътибор беринг: “Ўлкада рус-тузем мактаблари деб номланувчи, ўта фойдали деб билган муассасалар тармоғини кенгайтиришга қаратилган проектни амалга оширишга киришганимизга 20 йилдан ошди. Бу соҳада биз қўлимиз билан бўлмаса-да, аммо бизнинг хоҳишимиз билан жуда кўп ифлос ва ахлоққа зид ишлар амалга оширилди. 20 йил давомида бу мактаблардан бир неча минг маҳаллий болалар чиқди: уларнинг бир қисми мактабни битирмай қочиб кетди, қочиб кетяпти. Натижа шу бўляптики, улардан на рус ҳукумати учун, на маҳаллий жамият учун бирор фойдали иш чиқаётгани йўқ, менимча, чиқмайди ҳам”².

Исмоилбек Гаспрали 1881 йилдаёқ “Русия мусулмонлиги” асарида рус-татар мактабларининг (Туркистон ўлкасидаги рус-тузем мактабларининг Татаристон ва Қримдаги кўриниши) ўқиш-ўқитиш, таълим-тарбия методларидан тортиб, мақсад-маслагигача кескин фош этган эди: “Татарлар учун очилган рус мактаблари ўлик туғилган муассасанинг ўзгинасидирки, буни ушбу мактабнинг назарияси ва амалиёти яққол исботлаб турибди”³. Бундай мактаблар ўлкада йил сайин кўпайиб, 1917 йилда 167 га етган эди.

Ильминский тизими асосида очилган мактабларнинг руслаштириш моҳиятини депутат Г.Ш.Еникеев 1908 йилда Россия Давлат Думаси минбаридан туриб танқид қилган эди: “Жаноблар! Мусулмонлар ҳозирги вақтда адолат, инсонийлик туйғулари билан Давлат думасидан талаб қиладилар: миссионерлик маориф соҳасидан олиб ташлансин, руслаштириш тизими бекор қилинсин, мактаблар ақл-идроққа, педагогик заминга асослансин. Биз бу ўринда Маориф вазирлиги томонидан мусулмонлар учун Ильминский тизими асосида ташкил қилинган мактаблар ҳақида гапиряпмиз. Бу мактаблар ҳеч қачон мусулмон аҳолисининг эътиборини ҳам, ишончини ҳам қозона олмайди, чунки улар маорифнинг туб мақсадларига хизмат қилмайди”¹.

Мана шундай ўта оғир шароитда ўзбек мутафаккирлари рус-тузем мактабларини ўз мақсадларига бўйсундиришга ҳаракат қилдилар. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Саидрасул Саидазизов (1866-1933) XIX асрнинг 80-90-йилларида етишиб чиққан, 1-рус-тузем мактабини битирган ва унда муаллимлик қилган, ўзбек педагогикаси тарихида усули савтия методига асосланган “Устоди

¹ В кн. Аграрный вопрос и крестьянское движение 50-70 гг. XIX века. Часть I. М.-Л., 1936 г. С.285.

² Наливкин В.П. Туземцы раньше и теперь. Газета “Туркестанский курьер”, 1913, № 38.

³ Исмоил бей Гаспринский (Гаспралё). Из наследия. Симферополь, “Таврия”, 1991 г. С.42.

¹ Мусулманские депутатё Государственной думё России 1906-1917 гг. Уфа, 1998 г. С.120-121.

аввал” биринчи барқарор алифбо дарслигини яратган, ўзбек педагоглари орасида ўқув-тарбия соҳасида дастлабки ислоҳат ўткази олган методист-олим ҳамдир. Унинг “Устоиди аввал” алифбо дарслиги таъсирида XX асрнинг биринчи чорагида товуш методига асосланган жадид мактаблари учун ўндан ортиқ алифбо дарсликлари яратилгани маълум. Саидрасул Саидазизовнинг бу фаолияти маҳаллий мутаассибларнинг кескин қаршичилигига учради, улар мутафаккирни “насоро махзум” (“кофир махзум”) деб жар солдилар. Шунга қарамасдан, муаллифнинг ушбу дарслигини XX аср педагоглари катта мамнуният билан кутиб олдилар, у рус-тузем мактабларидан ташқари, усули қадим ва усули жадид мактабларида ҳам кенг қўллана бошлади. Бу ҳақда “Туркистон вилоятининг газети” да эълон қилинган мақолаларда, Мўминжон Муҳаммадjon ўғли – Тошқиннинг “Турмиш уринишлари” асарида яққолроқ кўриш мумкин.

Рус-тузем мактабларининг ўзбек гуруҳларида таълим-тарбия худди эски мактаблардаги каби ибтидоий шароитда қолиб келмоқда эди. Рус синфларида белгиланган дарс соатларини ўтиб бўлишлари билан ўқувчилар кўшни хонага – ўзбек синфи ўқитувчиси ихтиёрига ўтадилар. Ўзбек ўқитувчиси маҳаллий эски мактабда ўқитиладиган ҳамма фанлардан дарс беради. Ўзбек ўқитувчисининг дарси давомида рус ўқитувчиси сингдиришга ҳаракат қилган ҳамма нарса бекорга кетади. Ўзбек синфидаги шароит худди эски мактаблардагидек: ўқувчилар рус синфида парталарда ўтирсалар, ўзбек синфида кигиз ёки намаз устида ўтирадилар; ҳеч қандай дарслик, ўқув жиҳозлари, ўқув қўлланма йўқ, дарс эски усулда арабча диний матнларни қуруқ ёдлаш асосида олиб борилади. Рус-тузем мактабларининг ўзбек синфларида (Саидрасул Саидазизовнинг “Устоиди аввал”, Байрамали Калининнинг “Муаллими соний” асарлари чиққунга қадар) махсус дастур, дарслик ёки ўқув қўлланмалар, ҳатто предметларнинг номлари ҳам кўрсатилмаган.

1892 йилдан эътиборан Сирдарё вилоят халқўқув юртлари инспектори лавозимида ишлаган С.М.Граменицкий рус-тузем мактабларида ўқитиш усулларини бирмунча ислоҳқилишга ҳаракат қилди. Бу мактабларда ўқитишдаги ўзбекча сўзларни русча транскрипцияда беришга асосланган Н.Ильминский таржима методининг яроқсизлигини, шунинг учун ҳам рус-тузем мактаблари ўзбек халқи ўртасида эътибор қозона олмаганлигини таъкидлайди.

Ильминский фаолиятидан маълумки, у 1873 йилдаёқ туркий халқларни араб алифбосидан воз кечиб, алоҳида ёзув тизимига ўтказишни таклиф қилган ва бунда у туркий халқлар учун кирилл ёзувини жорий қилиш таклифи билан чиққан эди. Бу маданияти, тили, дини, тарихи бир илдизга эга бўлган туркий миллатларни парчалаб юборишнинг бирдан-бир йўли эди. Бу тадбирни амалга ошириш учун у қозоқ педагоги Иброй Олтинсарин фаолиятидан фойдаланган ва Туркистонда 1884 йилдан очила бошлаган рус-тузем мактабларига ҳам татбиққилган эди. Бу тадбир араб ёзувидан воз кечишнинг биринчи босқичи эди. Чор Россияси ва Туркистон генерал-губернаторлиги 40 йилдан ортиқ вақт давомида бу масалани амалга ошира олмади, аммо шўролар ҳукумати Ўрта Осиёни 1924 йилда беш республикага парчалаб ташлаганидан кейиноқ уларни

араб алифбосидан лотин ва асосий мақсад – кирилл алифбосига ўтказиш кампаниясини ниҳоятда тезкорлик билан бошлаб юборди.

С.Граменицкий рус-тузем мактабларида ўқитишнинг асосий усули бўлмиш Ильминский таржима методини инкор қилиш билан у маҳаллий болаларни русча ўқиш, ёзиш ва эркин гаплашишга ўргатиш учун дарсларни фақат рус тилида кўргазмалар асосида олиб бориш усулини ишлаб чиқади ва қуйидаги масалаларга аҳамият беришни таъкидлайди: “Рус тилига ўргатаётган вақтда тушуниш, кўз олдига келтириш қийин сўзлар бўлади, ўқитувчи бундай сўзларни ўқувчилар қай даражада тўғри тушунганлигига шубҳаланади. Шундай вазиятдагина ушбу тушунчанинг номини маҳаллий тилда фақат бир марта айтиш мумкин. Масалан, ўқитувчи “небо” сўзини ўқувчилар тўғри тушунганлигига шубҳаланса, “небо – осмон” деб таржимасини бир марта айтади, бошқа вақтда фақат русчасини қўллайди. Асосий мақсад шундаки, ўқувчи заруратсиз она тилини суиистеъмол қилишга одатланмасин, бошидан русча сўзларни эшитиш ва гапиришга ўргансин”¹. Бу унинг тил ўқитиш методикасининг ўта нозик жиҳатларини анча мукамал билувчи педагог эканлигини кўрсатади.

Аmmo С.Граменицкийнинг бу ҳаракатлари Ильминский ғоясининг Туркистондаги амалиётчилари Н.Остроумов, ўша вақтдаги Туркистон ўқитувчилар семинариясининг директори М.А.Мироппев, семинария педагогика совети илмий котиби И.М.Софийскийларнинг кескин қаршилигига учради. Масаланинг мураккаб томони шунда эдики, рус-тузем мактаблари учун ўқитувчилар тайёрлайдиган бирдан-бир Туркистон ўқитувчилар семинариясида Ильминскийнинг руслаштиришга асосланган методи устувор эди. Граменицкий методини жорий қилиш семинарияда ҳам туб ўзгаришларни талаб қилар эди.

С.Граменицкийнинг 3 дарслиги яратилгунга қадар 14 йил рус-тузем мактабларида турли хил дарслик ва қўлланмалардан фойдаланиб келинди. Самарқанд област ҳарбий губернатори граф Ростовцев ўқув юртлари бош инспектори Керенскийга қуйидагиларни ёзган эди: “Рус-тузем мактабларини кузатишим давомида мен рус тилини ўқитишда ёрқин муваффақиятни кўрмадим. Бунинг асосий сабаби рус тили дарсликларининг яроқсизлигидир. Кўплаб нарсабуюмларнинг номлари ерлик ўқувчилар учун бегона”². Бу жуда тўғри ҳол эди.

1897 йилда Туркистон ўқув юртлари бош инспектори Керенский топшириғига биноан С.Граменицкий ўзи тавсия қилган метод асосида рус-тузем мактаблари учун махсус дастлабки дарсликларни яратишга киришди. 1898 йилдан бошлаб унинг “Первая книга для чтения”, “Вторая книга для чтения”, “Третья книга для чтения” дарсликлари босмадан чикди. Граменицкий дарсликлари асосида рус-тузем мактабларида рус тилини ўқитиш учун қуйидаги дастур жорий қилинди:

биринчи йил: кўргазма асосида ўқувчиларни ўраб турган жиҳозларни оғзаки ўрганиш: синф жиҳозлари, уй ҳайвонлари, инсоннинг асосий аъзолари, ўнгача бўлган сонлар, кийим-кечак, уй-рўзғор анжомлари; ҳовли, кўча,

¹ Граменицкий С.М. Положение инородческого образования в Сўрдарьинской области. Ташкент, 1916. С.18.

² Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архиви, 47-фонд, 2124-дело. Опись Управления учебными заведениями Туркестанского края, 1896.

бозорнинг қисқача тасвири; қариндошлар, ҳафта кунлари номларини ифодаловчи русча сўзлар (С.Граменицкийнинг “Первая книга для чтения” дарслигининг биринчи қисми асосида).

Рус алифбосини рус сўзлари асосида ўрганиш, ҳарф элементлари, кичик ва ёзма ҳарфларни, ўрганилган русча сўзларни ёзиш.

Иккинчи йил: Боғ, полиз, бозор ва дала тасвири; ўсимликлар, мева ва сабзавот; асосий нарса-буюм ҳамда ўлчовлар, ҳунармандчиликка оид буюмлар, ой ва йиллар тасвири. Ўрганилган сўзлар асосидаги мақолаларни ўқиш ва сўзлаб бериш (С.Граменицкийнинг “Первая книга для чтения” дарслигининг иккинчи қисми асосида).

Йўл-йўлакай янги, номаълум сўзларни тушунтириш орқали ўқувчиларни ўраб турган муҳит, жиҳозлар номлари иштирокида боғланган ҳикоялар ўқитиш; мактаб, уй, боғ жиҳозлари, уй ҳайвонлари ҳаётига оид матнларни саволлар асосида ҳикоя қилиш (С.Граменицкийнинг “Вторая книга для чтения” дарслигининг 1-45-§лари асосида). Ўрганилган русча сўзлар, иборалар, мақолаларни кўчириб ёзиш.

Учинчи йил: Шаҳар, қишлоқ, дала шароити ҳақида ҳикоя қилиш; ваҳший ҳайвонлар ва уларнинг ҳаётини тасвирловчи ҳикояларни ўрганиш, чўл, ўрмон, тоғ ва дарёлар тасвири, ватан ҳақида тушунча (С.Граменицкийнинг “Вторая книга для чтения” дарслиги асосида).

Ёзма машқлар берилган саволларга ўрганилган матнлар асосида тўлиқ жавоблар шаклида бўлиши, ўқувчилар жавоблар учун сўзларни ўз китобларидан топишлари керак. Ўқув йилининг иккинчи ярмида бу машқларга кўриш хотирасига асосланган диктантлар ҳам кўшилади. Бундай диктантлар баъзи бир товушлар ўрганиши, уларнинг ёзилиши каби қоидаларга асосланади (С.Граменицкий “Третья книга для чтения”, 1-20-§лар асосида).

Тўртинчи йил: Нисбатан кенгрок кўламли ҳикоя ҳамда тавсифларни ўқиш ва сўзлаб бериш; Россиянинг қисқача географияси, Туркистоннинг географияси билан таништириш, Россия тарихига оид асосий воқеаларни сингдириш.

Энг муҳим имло қоидаларига бағишланган оғзаки диктант. Ўқув йилининг иккинчи ярмида ўқилган ҳикоялар бўйича саволлар асосида боғлиқли баёнлар машққилдириш (С.Граменицкийнинг “Третья книга для чтения” дарслиги асосида).

4 йиллик ўқиш тугагач, қуйидаги дастурни ўз ичига олган, мактабни битирув имтиҳони уюштирилган:

1. Русча ўқиш ва ўқиганини қайта ҳикоя қилиш.
2. Ўрганилган шеър, масал ёки насрий парчани ёддан ўқиш.
3. Русча жумлаларни айтиб туриб ёздириш.
4. Атроф-муҳит, рус тарихи, географиясига оид саволларга русча жавоб бериш.
5. Тўрт амалга оид арифметик масала ва мисолларни оғзаки ва ёзма ечиш, миллионга қадар сонларни айтиб туриш асосида ёзиш; узунлик, оғирлик, вақт, пул ўлчовларини русча билиш.
6. Мусулмонча ўқиш.

7. Рус подшоҳига омонлик тиловчи “Боже, царя храни” мадҳиясини хор бўлиб ўқиш.

Шуни унутмаслик керакки, Граменицкий Ильминскийнинг таржима методига (ўзбекча сўзларни русча транскрипцияда беришга) қарши чиққани билан рус мустамлакачиларининг, генерал-губернаторликнинг ўлка халқларини руслаштириш, умуман, мустамлакачилик сиёсатига заррача путур етказиш ниятидан йироқ эди. Учала дарслик билан танишар эканмиз, уларда Россиянинг Туркистон ўлкасида абадий ҳукмронлик қилиш сиёсати устувор эканлигини кўришимиз мумкин. Ушбу ислохотлардан кейин рус-тузем мактаблари ва уларда ўқийдиган ўқувчилар сони анча ошди, буни қуйидаги жадвалдан яққолроқ кўриш мумкин¹.

Йиллар	Мактаблар сони	Ўқувчилар сони
1884-1887	22	461
1888-1895	22	447
1896-1902	44	1331

Маълумки, Ватанга, миллатга муҳаббат туйғуси энг муқаддас, энг мўътабар туйғудир. Шунинг учун ҳам Ватанни Онага менгзайдилар. Ватан туйғуси, асосан, ўқувчиларга дарсликлар, Ватан ҳақидаги гўзал бадий асарлар орқали сингдириб борилади. Ватанга, халққа, тилга муҳаббат руҳини сингдириш мактабдан бошланишини яхши билган Граменицкий ўқувчиларни бундай муқаддас туйғулардан узоқ сақлаш вазифасини ўз олдига қўйган. Ўзбек болалари учун яратилган ушбу муаллиф дарсликларида Россия ватан сифатида талқин қилинади, унинг шаҳарлари, қишлоқлари таъриф-тавсиф этилади ва унга нисбатан муҳаббат руҳини сингдиришга ҳаракат қилинади. Учала дарсликни варақлар экансиз, уларда Туркистон, Турон, Мовароуннаҳр номлари билан аталган Ватанимиз, унинг табиати, гўзаллиги ҳақида, ўқувчиларда ватанпарварлик руҳини шакллантиришга қаратилган бирорта матн берилган эмас. Бу, албатта, тасодифий ҳол эмас, рус-тузем мактабларининг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилган.

С.Граменицкий рус-тузем мактабларининг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда иложи борича маҳаллий халқ тили, урф-одати, маданияти ва тарихи, буюк аждодлари ҳақида маълумот бермасликка ҳаракат қилади, айниқса, маҳаллий тилга ниҳоятда беписандлик билан қарайди. Миссионер-шовинистлар каби туркий тилни адабий тил сифатида шаклланмаган деб билади: “Етарли шаклланмаган сарт тили сўзларини русча транскрипцияда бериш ўқувчиларнинг русча талаффузини бузишга олиб келади ва русча саводхонликка салбий таъсир кўрсатади”, - деб ёзади Граменицкий.

Ўзбек болалари учун тузилган учала дарсликда маҳаллий халқҳаётини акс эттирувчи бирорта ҳам асар берилмаган. Берилган расмлар, ҳатто қишлоқҳаётга бағишланган расмлар ҳам рус ҳаётдан олинган. С.Граменицкийнинг “Третья

¹ Бендриков К.Е. Очерки по истории народного образования в Туркестане. Москва, 1960. С.214.

книга для чтения” дарслигини ҳам методик, ҳам мавзу жиҳатидан анча чуқур ўрганган олим Йўлдош Абдуллаев жуда тўғри таъкидлаганидек: “Граменицкийнинг ўқиш китоблари рус-тузем мактаблари болалари учун тузилган бўлишига қарамай, Туркистон ўлкаси ҳақида жуда оз маълумот берилган, чунончи, 182 бетли “Третья книга для чтения”да Туркистон ҳақида бор-йўғи иккита текст бор холос”. Йўлдош Абдуллаевнинг ушбу фикрларини С.Граменицкийнинг бошқа икки дарслиги ҳақида ҳам айтиш мумкин.

1898 йил Дукчи эшон воқеаси – бутун Туркистон ўлкасини ларзага солган Андижон кўзғолони – губернаторликнинг ўлкада ўтказаётган мактаб сиёсатига бирмунча ўзгаришлар киритишга мажбур этди. Мустабидлар ўлка халқлари тўла занжирбанд қилинди, энди улар ҳеч қачон эрк, мустақиллик учун бош кўтара олмайдилар, деган фикрларини пучга чиқарди. Мустамлакачилар мазлум халқни жаҳолатда, нодонликда асраш уларга оз бўлса-да, маърифат нуридан баҳраманд қилишдан кўра хавфлироқ эканини тушундилар, жоҳил, нодон оломон ниҳоятда хавfli куч эканлигига ишонч ҳосил қилдилар. Оз бўлса-да, маърифат бериш, русларга нисбатан муносабатни яхшилаш мақсадида чекланган ҳолда русча таълим бериш, бу билан руслаштириш сиёсатини кучайтириш мақсадини ўз олдларига қўйдилар. Бунинг учун ўлкада мавжуд бўлган бирдан-бир ўзбек тилидаги “Туркистон вилоятининг газети”дан фойдаланишни мақсадга мувофиқ деб билдилар. Ушбу газетанинг ўша даврдаги бойламларини варақлар экансиз, русларни, уларнинг маданиятини, Россия давлатининг ҳарбий қудратини улуғловчи туркум мақолаларга кўзингиз тушади. Мақсад битта – Россияни улуғ давлат сифатида халқ онгига сингдириш, ўлка халқларини унга мутеликда сақлаш эди. Андижон кўзғолони муносабати билан А.Б.Вревский ўрнига келган Туркистоннинг янги генерал-губернатори С.М.Духовский ушбу кўзғолонни қоралаб, халқни даҳшатга солиш мақсадида айтган қуйидаги сўзларига эътибор беринг: “Ақлдан озган кишигина улуғ подшоҳимизнинг тутган йўлига қарши ҳаракат қилиш хаёлида бўлиши мумкин! Унинг қудрати шу қадар улуғки, унинг бир оғиз сўзи билан икки ҳафтадан сўнг Туркистон шу қадар кўшин билан тўладики, ҳар бир волостга биттадан батальон қўйиш мумкин бўлади”¹.

Газета саҳифаларида схоластик таълим-тарбия тизимини танқид қилувчи, усули савтия методининг афзалликларини тарғиб қилувчи мақолалар ҳам бот-бот кўрина бошлади. Руслаштириш сиёсатини амалга оширишда асосий восита бўлиб келаётган рус-тузем мактаблари тармоғини кенгайтириш, ундаги ўқитиш усулларига бирмунча ислоҳ киритишга мажбур бўлдилар, баъза жойларда ушбу мактаблар учун махсус ўқув бинолари ҳам қурилди. Рус-тузем мактабларининг мусулмон гуруҳларида ўқув-тарбия ишларини назорат остига олиш мақсадида ўзбек тилида алифбо дарслиги яратиш масаласи қўйилди. 1898 йилда генерал-губернатор Духовский ушбу вазифани Тошкент шаҳар 1-рус-тузем мактабининг мусулмон гуруҳи ўқитувчиси Саидрасул Саидазизовга топширди.

Туркистон генерал-губернаторлиги маҳаллий халқ ўртасида рус-тузем мактабларининг эътиборини ошириш, уларда русларга нисбатан илиқ

¹ “Туркистон вилоятининг газети”, 1898 йил, 28 июн.

муносабатни вужудга келтириш ва айниқса, Россия давлатининг қудратини намоиш қилиш мақсадида рус-тузем мактаблари ўқувчиларининг Санкт-Петербург, Москва ва бошқа шаҳарларига ўқув-таълимий саёҳатларини амалга оширди. Мана шундай саёҳатлардан биринчиси генерал-губернатор Духовскийнинг махсус кўрсатмаси ва режасига асосан амалга оширилди. Губернатор аввал Санкт-Петербургдаги катта мансабдор шахслар – ҳарбий ва халқ маорифи вазирлари билан келишиб олиб, уларга саёҳатнинг Россия манфаатлари учун қанчалар аҳамиятини тушунтирган. Ушбу саёҳат 1899 йилнинг ёз ойлари амалга оширилган ва икки ой давом этган. Духовский буйруғига мувофиқ Туркистон ўлкасининг ҳамма вилоятларидан 18 ўқувчи йиғилган, саёҳатга Самарқанд шаҳар рус тузем мактаби ўқитувчиси Лапин раҳбарлик қилган.

“Туркистон вилоятининг газети” 1899 йил 3 июл 25-сонида ўқувчиларнинг Петербургга кетгани ҳақида қисқа хабар ва саёҳат таассуротларини тўлиқ бериб бориш ҳақида маълумот беради. Дарҳақиқат, газетанинг 1899 йил 37, 38, 39, 40, 44, 45, 46-сонларида “Туркистон ўлкаси мусулмон болаларининг 1899 йилда Москва ва Петербург саёҳати баёни” (сарлавҳа рус тилида “Описание путешествия детей мусульман из Туркестанского края в Москву и Петербург в 1899 г.”) сарлавҳаси остида анча катта мақола Муҳиддинхўжа эшон ўғли имзоси билан эълон қилинган. Олдиндан келишилганидек, болаларни ҳамма жойда эҳтиром билан кутиб оладилар, саёҳатнинг иккинчи куни жума намозини Петербургнинг жамеъ масжидида ўқийдилар. Шаҳарнинг диққатга сазовор жойларида: Петропавловск қалъасида, Пушкин ўқиган подшоҳ лицейида, музейларда, заводларда ва ҳатто ҳар ким кириши мумкин бўлмаган император хонадонида, ҳарбийлар машқи жараёнларида бўладилар, улар билан шахсан ҳарбий вазир Куропаткин учрашди, “насихат” қилди. Бу ҳақда газета куйидагиларни ёзади: “Саккизинчи куни бориб, военный министр генерал-лейтенант Куропаткин жанобларини кўрмоқ бўлиб, мазкур жанобни уйларида кутуб турганимизда бир генерал келиб бизларни бир зол уйга бошлаб олиб кирдилар ва икки адъютантлари ҳам бор эди ва ул ҳолда ўшал баланд мартабалик ваенный министр ўзлари марҳамат айлаб, уйларида чиқиб, бизларни ҳар қаюларимиз билан сўрашиб, баъд аз ан ўртада туруб дедиларки: “Жамеъ мамлакатлардаги кишиларни ва раъиятларни баланд оталари подшоҳ бўладур ва биз Русия фуқароларининг ҳам баланд оталари подшоҳи аъзам императоримиздурлар. Шул сабабли ҳаммамиз бир-биримизга оға-инилик даражасидадурмиз ва яна ушбу тарафларни саёҳат айлаганларингизга кўп хурсанд бўлдум ва ушбу тарафларда кўрганларингизни ўз вилоятларингиздаги кишиларга камокон билан қилурсизлар ва яна кўрмаган жойларингизни тамошо айлаб кўрунглр”, - деб уч юз сўм ақча бизларга инъом айладилар”¹.

Губернаторлик маъмурлар ушбу бошланғич рус-тузем мактабларини ҳар қанча рағбатлантирмасинлар, халқҳаётига сингиб кета олмади. Айниқса, усули жаҳид мактабларининг фаолияти кенг кўлам кашф этгач, унга эҳтиёж ҳам

¹ Туркистон вилоятининг газети, 1899 й. 46-сон.

йўқолиб борди. Бунинг асосий сабаби бу мактабларнинг “сут билан кирган”, минг йиллар давомида миллатнинг қон-қонига сингиб кетган маънавиятини, тарихини, тилини йўққилишга қаратилганлигидадир.

3. Жаидчилик ҳаракатининг ўлка халқлари миллий уйғонишида тутган ўрни. Жаидчилик, ўлка жаид намоёндаларининг маданий-оқартувчилик фаолияти. Қадимчилар ва миллий тараққийпарвар-ислохотчилик оқими.

ЖАДИДЧИЛИК (арабча «жаид»-янги)-янгиланиш, янги замонавий мактаб, матбаа, миллий тараққиёт усуллари, йўллари тарафдорларининг умумий номи. Жаидчилик XIX аср охири ва XX асрнинг биринчи чорагида туркий мусулмон ўлкаларида (Қрим, Кавказ, Волгабўйи-Булғор ва Жанубий Урал хавзаси, Туркистон) шаклланиб келаётган миллий буржуазия мухитида вужудга келган. У ўша даврдан Туркистондаги миллий-озодлик ҳаракатининг мафкураси-Туркистон миллий мустақиллик мафкураси вазифасини бажарди.

Жаидчиликнинг асосий ғоя-мақсадлари: Туркистонни ўрта асрчилик, феодал тарқоқлик, диний хурофотлардан озод қилиш, «Усули қадим» ни инкор этган холда ўлкани, халқни, миллатни замонавий тараққиёт йўлига олиб чиқиш, миллий давлат бунёд этиш, конституцион, парламент ва президент идора усулидаги озод ва фаровон жамият қуриш, туркий тилларга давлат тили мақомини бериш, миллий пул бирлиги ва миллий қўшин тузиш. Бу ғоя ва мақсадлар 1917-1924 йилларда «Туркистон мухторияти» (1917 йил ноябр-1918 йил феврал), Бухоро ва Хоразм халқ Республикалари даврида (1920-1924 йиллар), қисқа муддатда ва қисман бўлсада амалга оширилган эди.

Қрим, Кавказ, Волгабўйи-Булғор ва Жанубий Уралдаги жаидчиликка Исмоилбек Гаспирали, Жовид Хусайнзода, Мусо Жоруллох Козоний, Ризоуддин ибн Фахриддинлар раҳнамолик қилишган. Туркистонда бу ҳаракатга Махмудхужа Бехбудий ва Мунаввар Қорилар етакчилик қилишган. Бухорода жаидчилик ҳаракатига Абдурауф Фитрат ва Усмонхўжалар, Хива жаидларига эса Полвонниёз хожи Юсупов ва Бобоохун Салимовлар етакчилик қилган.

Жаидчиликнинг Туркистондаги тараққиётини қуйидаги даврларга ажратиш мумкин:

I. 1885-1895 йиллар: Г.Исмоилбейнинг «Таржимон» газетаси таъсирида Қўқонда янги-жаид усулидаги мактаблар очиш ҳаракатлари бошланиб, улар аста-секин рус-тузем мактаблари билан рақобатлаша бошлаган.

II. 1895-1905 йиллар: Қримдаги Гаспира шаҳридан Г.Исмоилбейнинг Бухоро ва Самарқандга ташрифи, Бухоро амири билан учрашиши натижасида 1895 йилда жаид мактабларини ташкил этиш даври-Бухорода Жўрабой, Самарқандда А.Шакурый, С.Азизий, А.Мунзим, Мулла Қилич, Тошкентда Мунаввар Қори, А.Авлонийлар, Қўқонда Хамза, Наманганда И.Ибрат, Сўфизода ва бошқа сиймоларимиз очган жаид мактаблари ўз фаолиятларини олиб бордилар.

III. 1905-1914 йиллар жадидчиликнинг мактаб-маорифдан кенгрок газетчилик, яъни рўзномалар ва жаридалар чоп этиш, матбаа ишларини йўлга қўйиш, илм-фан, адабиёт, маданият-маорифни миллийлаштириш босқичи.

IV. 1914-1917 йиллар жадидчиликнинг ўта ижтимоий-сиёсий йўналиш касб этиши, жадидчилик сиёсий партияларининг тузилиши ва уларнинг уч хил турли талаблар қўйиши:

1) Россиядан тўла ажралиб чиқиш; 2) Россия Федерацияси таркибида «миллий-худудий мухторият» тузиш; 3) Россия унитаризми таркибида фақат маънавий-диний мухторият ҳуқуқлари кафолатига эга бўлиш.

V. 1917 йил ноябри-1918 йил феврал оралиғида Қўқонда «Туркистон мухторияти»нинг тузилиши ва унинг рус большевиклари томонидан қонга ботирилиб, тугатилиши.

VI. 1918-1924 йиллар-шўро тизими таркибида, маориф-матбаа ишларида «Чиғатой гурунги» ни тузиш билан ажралиб туради.

VII. Туркистон парчаланиб (1924), жадидчиликнинг кейинги тараққиёти «миллий республикалар» доирасида борди. Жадидчилик асосан маданият-маориф, мактаб ва матбаа ишларида «Чиғатой гурунги» ғояларини зимдан амалга оширишга, миллий озодлик ҳаракатини жонлантиришга уринди.

VIII. 1931 йилдан то 1937-38 йиллар орқали 50-йилларнинг биринчи ярмигача қатағонга учраш даври.

Туркистон жадидчилигидаги асосий ғоявий-назарий йўналиш Беҳбудий, Мунввар Қори, Фитрат, Чўлпонлар томонидан илгари сурилган бўлиб, шўролар тузуми, компартия ғояси ва мафкурасини тўлалигича инкор этиб, ягона ва бир бутун Туркистон халқи ва давлатини қуриш, замонавий тараққиёт йўлидан боришни таклиф этганлар. А.Авлоний, С.Айний, Хамза, Боту, Элбек, А.Икромов, Ф.Хўжаев ва бошқа жадидлар миллий ва умуминсоний демократик кадриятларга муқобилан шўро (совет) ғоя ва кадриятларига урғу беришган. Лекин шундай бўлсада охирида номлари келтирилган жадидлар ҳам ўзлари хизмат қилган шўро (совет) давлати томонидан қатағон қилиндилар ...

Туркистон жадидчилиги ва маърифатчилиги тўғрисида гап борганда, уни анъанавий Шарқ маърифатчилигидан, шунингдек, ўша даврдаги ислом диний ислохотчилигидан фарқлаш зарур. Анъанавий Шарқ маърифатчилиги (Турди, Ахмад Дониш, Анбар Отин, Нодира, Гулханий, Муқимий, Фурқат, Завқий) жадидлар маърифатчилиги учун маънавий-рухий замин бўлган. Шунингдек мусулмон оламида бошланган ислом ислохотчилик уринишлари жадидлар ҳаракати учун, ислом, шариат нуқтаи назаридан диний-қонуний жаҳатдан йўл очиб берган. Бироқ жадидчилик ҳаракати, ундаги маърифатчилик майиллари ўзини ҳаётга, умуммиллий ижтимоий-сиёсий муоммоларни ҳал қилишга йўналтирилганлиги билан анъанавий шарқ маърифатчилиги ва диний ислохотчилик жараёнларидан тубдан фарқ қилган.

Жадидчиликнинг тор-мор қилиниши туркий халқларнинг жаҳон миқёсида танилишини деярли бир асирга орқага сурди, уларни ҳукмрон коммунистик мафкура ва совет тузуми истибдодига қарам этилишига олиб келди. Жадидчилик ҳаракати бир аср давомида дастлаб Чор мустамлакачилиги, кейинчалик

коммунистик партия тазйиқи ва исканжасида бўлиб, тўла равишда номоён бўла олмади. Зиёлилар томонидан унинг заминларини ва шаклланиш тарзини ўрганиш таъқиқ остида бўлди. Шўролар давридаги мисли кўрилмаган мафкуравий, маънавий, сиёсий ва иқтисодий тазйиққа қарамай ўзбек халқи миллий ўзига хослигини сақлаб қола билди. Жадиждлар ўртага ташлаган ғояларни амалга ошириш вақти-соати келишини умид билан кутди. Бу вақт мустақиллик билан барга ҳаётимизга кириб кела бошланди. Чунки жадиждларнинг ғоялари ўлмас ғоялар эди.

<p>Мақтабсизлик қилди бизни қип ялянғоч, Мақтабсизлик бизни этди талон- тарож, Мақтабсизлик Турон элин ўлдирди оч, Кўзингни оч, бу хўрликдан мактабга қоч. Билим қочди қўлимиздан беш юз йилдир, Унутмагин Улуғбеклар бизнинг элдир, Турон эли, ўзбек тили бизнинг тилдир, Турон ўғли эканингни тезроқ билдир Абдулла Авлоний</p>	<p>Илмдур дунёда энг яхши хунар, Илмсиздан яхшидур гунг ила кар. Хар киши илм-ла бўлса ошно, Иззату давлатда бўлгай доимо, Илмсиз одам залилу хор ўлур, Илмсизликдан хамма безор ўлур.</p> <p style="text-align: right;">Мунаввар Қори.</p>
---	---

Назорат саволлари

1. Туркистон хонликларининг Россия империяси таъсир доирасига тушиб қолишининг ижтимоий омиллари нималардан иборат?
2. Россия империясининг “Ўрта Осиёни кўшиб олиши” иборасига муносабатингиз қандай?
3. Мустамлакачилик даврининг Туркистон халқлари маиший турмушига таъсирига баҳо беринг.
4. Рус олимларининг ўлка халқлари тарихи ва этнографиясини ўрганишга қўшган хиссасини қандай баҳолайсиз?
5. Мустамлака даврида Туркистон аграр муносабатларида қандай ўзгаришлар содир бўлди?
6. Ўлка халқлари орасида маданий-оқартув ишларининг ташаббускорлари фақат жадиждлар бўлган деган фикрга муносабатингиз қандай?

АДАБИЁТЛАР

1. Mirziyoyev Sh. M. Buyuk kelajagimizni mard va olijanob xalqimiz bilan birga quramiz. -Т. “О’zbekiston”, 2017.
2. Mirziyoyev Sh. M. Erkin va farovon, demokratik O’zbeiston davlatini birgalikda barpo etamiz. -Т. “О’zbekiston”, 2016.
3. Mirziyoyev Sh. M. Qonun ustuvorligi va inson manfaatlarini ta’minlash – yurt taraqqiyoti va xalq farovonligining garovi. -Т. “О’zbekiston”, 2017.
4. Mirziyoyev Sh. M. Tanqidiy tahlil, qat’iy tartib intizom va shaxsiy javobgarlik – har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo’lishi kerak. -Т. “О’zbekiston”, 2017.
5. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. –Т., “Шарқ”, 1998.
6. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: “Маънавият”, 2008.
7. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. –Т.: “Ўзбекистон”. 2011.
8. “Вақт” газетаси, 1907-йил, 213-сон.
9. “Письмо Н.И.Ильминского к обер-прокурору Святейшего Синода К.П.Победоносцеву”. В кн. Мусульманские депутаты Государственной думы России 1906-1917 гг. Уфа, 1998 г. С.120.
10. “Туркистон вилоятининг газети”, 1890 йил, 32-сон.
11. “Туркистон вилоятининг газети”, 1898 йил, 28 июн.
12. “Туркистон вилоятининг газети”. 1888 й., 31 декабр.
13. Ахмеджанов Г.А. Российская империя в Центральной Азии. – Т.: Фан, 1995.
14. Аъзамова Г. Сўнгги ўрта асрлар Ўрта Осиё шаҳарларида хунармандчилик ва савдо. Т.: Ўзбекистон. 2000.
15. Бабаджанов. Б.М. Кокандское ханство: власть, политика, религия. Токио-Ташкент: 2010.
16. Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана. Ленинград, 1927. С.308.
17. Бартольд В.В. Сочинения в девяти томах, II том (часть 2). Москва, 1963. С.345.
18. Вохидов Ш. Қўқон хонлиги ва Бухоро амирлигида унвон ва мансаблар. Т.: Фан, 1996.
19. Вохидов Ш. Қўқон хонлигида тарихнавислик. Т.Академнашр, 2010.
20. Граменицкий С.М. Положение инородческого образования в Сирдарьинской области. Ташкент, 1916. С.18.
21. Добромислов А.И. Ташкент в прошлом и настоящем. Ташкент, 1912. С.203.
22. Зиё Саид. Ўзбек вақтли матбуоти тарихига материаллар, Самарқанд-Тошкент, 1927, 22-бет.
23. Зиёев Х. Тарих ўтмиш ва келажак кўзгуси: (Тарихнинг долзарб масалалари). -Т.: Адабиёт ва санъат, 2000;
24. Зиёев Х. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. -Т.: Шарқ. 1998.

25. Знаменский П.В. Участие Н.И.Ильминского в деле иногородческого образования в Туркестанском крае. Казань, 1900. С.46.
26. Илҳомов З.А. Амирлашкар тарихи. Т. 2013. Шу муаллиф: Қўқон хонлиги тарихшунослигининг айрим масалалари. Т. 2008.
27. Илҳомов З.А. “Алиқули Амирлашкар ва унинг Қўқон хонлиги сиёсий ҳаётида туганган ўрни”. Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Т.2004
28. Исмоил бей Гаспринский (Гаспрали). Из наследия. Симферополь, “Таврия”, 1991 г. С.42.
29. История Узбекистана (XVI- первая половина XIX века). –Т.: “Фан”, 2012
30. Исҳоқхон Ибрат. Жомеъул-хутут, Наманган, “Матбааи Исҳоқия”, 1912 йил, 16-бет.
31. Қўлдошев Ш. «Қўқон хонлиги ва Шарқий Туркистон ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқалар (XVIII-XIX асрнинг ўрталари)» Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Т.2009.
32. Мадрахимов З. Қўқон хонлигида савдо муносабатлари. Т. “Янги нашр”. 2014.
33. Масалиева О. Бухоро, Хива ва Қўқон хонлиги тарихини XX аср Англия ва Америка тарихшунослигида ўрганилиши. Тарих фан...номзоди дисс... – Т., 1998
34. Махмудов Ш. Қўқон хонлиги сиёсий тарихи. Тарих фан номз илм дар дисс. Т. ЎзР ФА ТИ, 2010.
35. Мусулманские депутаты Государственной думы России 1906-1917 гг. Уфа, 1998 г. С.120-121.
36. Наливкин В.П. Туземцы раньше и теперь. Газета “Туркестанский курьер”, 1913, № 38.
37. Тиллабоев С. Туркистон ўлкасининг маъмурий бошқарув тизимида маҳаллий аҳоли вакиларининг иштироки. Т. “Фан”. 2008.
38. Туркестанские ведомости, 1899г., 18 феврал.
39. Туркистон вилоятининг газети, 1883 йил, 15 феврал, 6-сон. 1899 й. 46-сон. 1910 й., 21 март, 22-сон. 1890 й., 6, 8, 16, 19, 24-сонлар.
40. Ўзбекистон Республикаси Давлат архиви, 1009-фонд,
41. Ўзбекистон Республикаси Давлат архиви. Фонд № 723, 47-фонд,
42. Хамидов Х. XVI-XIX асрларда юртимиз маданияти тарихидан лавҳалар. Т. Фан. 2009.
43. Худойкулов Т.Д. XIX асрда Қўқон хонлигининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёти:Тарих фан. номз. ...дисс. - Тошкент: Уз МУ, 2009. - 172 б.
44. Ш.Каримов, Р.Шамсуддинов. Туркистон Русия босқини даврида. “Мерос”, Андижон, 1995 йил, 90-91-бетлар.
45. Шукуруллаев Ю.А.Бухоро амирлигида қўшин ва ҳарбий иш (1753 – 1920 йиллар). Тарих фан номз илм дар дисс. Т. 2006.
46. Илҳомов З.А. Қўқон хонлигида ҳарбий ислохотлар Педагогик таълим // 2002 йил, 5-сон. Б. 50-52.

47. Илҳомов З.А. Алиқули Амирлашкар // Ўзбекистон тарихи. 1999 йил, 3-сон. Б. 25;
48. Илҳомов З.А. Алиқули Амирлашкар ва унинг Қўқон хонлиги сиёсий ҳаётида тутган ўрни. Тарих фанлари номзоди ... дисс. –Т.: 2004. -160 б;
49. Илҳомов З.А. Амирлашкар дипломатияси. Педагогик таълим // 2001 йил, 4-сон. Б. 49-51;
50. Қосимов Б. Исмоилбек Гаспрати. – Т., 1992.
51. Ражабов Қ., Қандов Б., Шоймардонов И. Ўзбекистон тарихининг муҳим саналари. Тўлдирилган бешинчи нашри. – Т., “Ўзбекистон”, 2012. –Б. 130-144.
52. Содиқов М. Эрксевар, хурриятпарвар эл ворисларимиз. –Т., “Камалак”, 1992.
53. Тарих шохидлиги ва сабоқлари. Чоризм ва совет мустамлакачилиги даврида Ўзбекистон миллий бойликларининг ўзлаштирилиши. Масъул муҳаррир Д.А.Алимова. -Тошкент, “Шарқ”. 2001.
54. Ўзбекистон тарихи / Олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик. II-жилд (XIX асрнинг II ярми – 1989 йил июнь). Масъул муҳаррир Р.Ҳ. Муртазаева. –Т., “Янги аср авлоди”, 2015. –Б. 201-232.
55. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 1-китоб. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. – Т., «Шарқ», 2000.

4-мавзу. ЖАҲОН ИҚТИСОДИЙ ВА СИЁСИЙ ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНЛАРИДА ЎЗБЕК ДАВЛАТЧИЛИГИНИНГ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ВА СИЁСИЙ АЛОҚАЛАРИ МАСАЛАЛАРИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТАРИХШУНОС-ЛИК ТАДҚИҚОТЛАРИ

Режа:

1. XX аср охири - XXI аср дастлабки чорагида глобаллашув жараёнлари.
2. Ташқи иқтисодий ва сиёсий алоқалар масалаларининг замонавий тарихшунослик тадқиқотлари

Таянч тушунчалар: Глобаллашув, халқаро ташкилотлар, интеграция жараёнлари, Траекта, Европа Итифоқи, Марказий Осиё, Иқтисодий инқирозлар, БМТ, пандемия.

1. XX аср охири - XXI аср дастлабки чорагида глобаллашув жараёнлари.

Халқаро муносабатларнинг бугунги босиқичидаги ўзгаришлар моҳиятан XX асрнинг сўнгги чорагидан буён шаклланиб келаётган глобаллашув ва интеграциялашув жараёнларининг таъсири туфайли ривожланаётган бўлиб, биз яшаб турган ушбу давр икки кутбли дунёнинг бўлиниши ҳамда кўпчилик олимларнинг эътирофига кўра, кўп кутбли дунёга ўтиш босқичи эканлиги билан характерланади. Биринчи Президент И.Каримов айтиб ўтганидек, “XXI аср, шубҳасиз, халқаро муносабатларда бутун дунё қамраб олинган аср бўлади. Бундай шароитда интеграция жараёни, халқаро институтлар ва ташкилотларда суверен давлатларнинг иштирок этишини кенгайтириш жараёни фақат тарих тақозоси эмас, балки айрим минтақалар кўламида ҳам, шунингдек, умуман сайёрамиз кўламида ҳам собитқадамлик, барқарорликнинг қудратли омили деб ҳисобламоқ зарур”.

Глобаллашув аслида мураккаб тарихий жараён бўлиб, ундаги иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий, техник ва инфорацион омилларни ҳисобга олсак, бунда энди мамлакатлар ҳаёти мустақил, бир қарашда тартибсиз, назоратсиз кўринса ҳам, моҳиятан ўзаро чамбарчас бўлиб боришини таъкидлаш зарур. Албатта, ҳар бир давр рўҳини акс эттирадиган меъёрлар, шунингдек, навбатдаги ўзгаришларни белгилайдиган ўзига хос қонуниятлар мавжуд бўлади. Глобаллашув жараёнлари кўпчилик давлатлар қаторида мустақил давлатчилик йўлидан кетаётган Ўзбекистон учун ҳам қатор вазифалар, имконият ва муаммолар яратади. Мақолада глобаллашув маҳаллий ва хориж мутахассислари нигоҳида таҳлил қилиниб, унинг салбий ва ижобий қирралари кўрсатиб берилади.

Ўзининг асарларида, қатор чиқиш ва маърузаларида муҳтарам Президентимиз Ўзбекистоннинг ўзига хос ривожланиш модели яратилаётгани, ички ва ташқи сиёсатда ҳам кўп омилларни ҳисобга олган ҳолда ислохотлар олиб борилаётганини таъкидлаб ўтади. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига кўра ҳам, мустақил Ўзбекистон ўз ташқи сиёсатида халқаро

ҳуқуқнинг умумэтироф этилган тамойилларига содиқлигини намоён қилиб, миллий манфаатларга жавоб берадиган ривожланиш ва ҳамкорлик стратегиясини олиб боради. Бу йўлда давлат халқнинг истак ва хоҳишини ифода этиб, турли иттифоқ ва уюшмалар тузиши ёки уларга қўшилиши ҳамда кези келганда улардан чиқиши ҳам мумкин эканлиги қайд этилади. Биринчи Президент И.Каримов “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизлик таҳдид, барқарорлик шартлари, тараққиёт кафолатлари” асарида ҳозирги даврда бутун дунёда ва мамлакатимизда бўлаётган муҳим ўзгаришларни чуқур таҳлил қилиб, асосий муаммо ва чақириқларга тўхталади. Хусусан, улардан миллий-этник низолар, диний ақидапарастлик ва фундаментализм, халқаро терроризм, ноқонуний қурол-яроғ савдоси, Афғонистон муаммоси, экологик, сув муаммолари, ОИТС ва наркомания каби касалликларнинг кенг тарқалиб бораётганини таъкидлаб, турли маданий-мафкуравий таҳдидлар, аниқроғи инсон онги ва қалбини эгаллашга бўлаётган уринишлар бугунги глобаллашув ва ахборот асрининг сиёсий жиҳатларини ўзида намоён этишини уқтиради. Шунинг учун ҳам глобаллашув, яъни очиқлик, халқлар, мамлакатлар ҳаётида ўзаро боғлиқликнинг ортиб бориши ҳам айнан назорат этилишини талаб қилади.

“Глобаллашув” атамасининг ўзи дастлаб иқтисодий соҳада қўлланилгани назарда тутадиган бўлсак бу энг аввало, миллий хўжаликларнинг халқаро даражада бирлашиши, ўзаро муносабатларининг чуқурлашуви, товар айирбошлаш ҳамда халқаро меҳнат тақсимотининг рационаллашуви каби масалаларда намоён бўлади. Глобаллашув, аслини олиганда, фақат ўзаро манфаатдорлик тамойили асосида, яъни бу борада классик назариётчилар Адам Смит ва Дэвид Рикардо айтганидек, иқтисодиётларнинг бир-бирини тўлдириш эвазига ривожланса яхши. Шу нуқтаи назардан, биринчи Президент И.Каримов интеграция масалаларида баҳс юритилганда, ҳамкорлигимизда энг аввало иқтисодий манфаатдорлик, алоқаларни сиёсийлаштирмаслик кераклигини таъкидлайди. Бу борада Ўзбекистон ростдан ҳам Марказий Осиёда ҳам ерости бойликлари, ҳам турли иқтисодий имкониятлари, шунингдек, қулай жўғрофий жойлашуви, салоҳиятли меҳнат ресурслари, мустаҳкам инфратузилмаси билан стратегик аҳамиятга эга мамлакат ҳисобланади. Марказий Осиё минтақасининг дунё океанига чиқиш имконияти бир томондан чегараланган бўлса ҳам, транспортнинг бошқа алтернатив йўллари ривожлантириш мумкин. Тарихда мавжуд бўлган Буюк ипак йўлини тиклаш, Европа-Кавказ-Марказий Осиёни боғлайдиган ТРАСЕКА каби маршрутлар минтақага ўзига хос иқтисодий афзаллик беради. Айниқса, кейинги пайтларда иқтисодиёти жадал ривожланган давлатларда энергияга бўлган талаб, Марказий Осиёни муҳим энергия зонаси сифатида аҳамиятини оширади. Бу масалада, ялпи иқтисодий муносабатларнинг давлат томонидан бошқарилиши ўзимизга хос танланган тўғри йўл эканлиги Президентимиз томонидан қайд этиб келинмоқдаки, бу айниқса, кейинги молиявий-иқтисодий инқироз шароитида амалий исботини кўрсатмоқда. Марказий Осиёдаги кўп масаларнинг ҳал этилишида Ўзбекистоннинг иштироки кўп жиҳатдан ҳам иқтисодий ҳам сиёсий жиҳатдан минтақа манфаатига мос келади. Негаки, бугунги Ўзбекистон геосиёсий ва геоиқтисодий томондан

минтақада барқарор иқтисодий ва сиёсий муҳит қарор топишида муносиб хизмат қилиши мумкин. Марказий Осиёнинг марказида жойлашган Тошкент нафақат маданий-маърифий пойтахт, балки иқтисодий ва бизнес маркази сифатида ўсиб бормоқда. Бу ерда БМТ ва унинг тизимидаги қатор ташкилотлар ва дастурларнинг идоралари, ХВФ, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Европа Тикланиш ва тараққиёт банки, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Немис техник кўмак жамияти, Европа Иттифоқи (ЕИ)нинг Ўзбекистондаги делегацияси идораси каби турли ташкилотлар ўз фаолиятини олиб бормоқда. Мамлакатда хориж ва маҳаллий сармоя иқтисодиётнинг етакчи тармоқларида кўпгина корхона ва банклар ишлаб турибдики, бу Ўзбекистоннинг глобал иқтисодиётнинг таркибий қисми эканлигини кўрсатади. Қолаверса, Ўзбекистоннинг миллий мустақил банк тизимидаги сиёсат, мамлакат ташқи қарзларининг доимий назорат қилиниши билан ажралиб туради. Қисқа қилиб айтганда, ҳам инсон ресурслари ҳам хом ашё учун қулай жой бўлиши Ўзбекистонга янги-янги имкониятлар яратади. Бу эса, мамлакатни босқичма-босқич жаҳон хўжалик тизимига интеграциялашувини, иқтисодиётни либераллаштириш орқали хорижий инвестицияни жалб этиш, бу ерда халқаро ҳамкорликнинг минтақавий марказини ташкил этиш, турли товар ва хизматлар оқимини кенгайтириш, транспорт, туристик ва молиявий операцияларни олиб боришни, шунингдек, дунёда мавжуд ресурслар ва имкониятларни қайтадан тақсимлашда ҳам ўзаро манфаатли шарт-шароитларни яратиш мумкинлигини ифода этади.

XX асрнинг ниҳоясида собиқ Иттифоқнинг парчаланиши, мамлакатлар ўртасида иқтисодий ва сиёсий алоқаларнинг сифат жиҳатдан янги босқичга чиқиши, миллий хўжалик алоқаларининг интеграциялашуви билан глобализация жараёнларининг жадаллашуви юз берди. Глобализация натижасида жаҳон хўжалигининг таркибий қисмига айланиб бораётган мамлакатларнинг сони ортиб бормоқда. Бу миллий даражадаги ҳуқуқий, иқтисодий ҳамда технологик тўсиқлар йўқолишига, унинг ўрнига иқтисодий хўжаликнинг умумий иқтисодий қонуниятлари ва хўжаликнинг функционал алоқаларини татбиқ этилишига олиб келмоқда. Мамлакатлар ҳаётидаги глобализация — иқтисодий муносабатлардаги товарлар, хизматлар, капитал ҳамда фонд бозорларидаги савдо ва сиёсатга доир тартибларнинг тобора эркинлашуви орқали намоён бўлмоқда. Ташқи савдо алоқалари эркинлаштирилаётган мамлакатлар сони йил сайин ортиб бормоқда. Президент юқорида эслатиб ўтилган асарида хавфсизликнинг ҳеч бир ҳудуд

Глобаллашув ва ахборот асрининг ҳали қонуниятлари тўлиқ юзага чиқмагани боис, шунингдек, баъзи воқеликларнинг хатто умумэтироф этилган андозаси (масалан, халқаро терроризм халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда аниқ ифодасини топгани йўқ) яратилмагани сабабли, кўпчилик масалаларда мамлакатларнинг позицияси турлича бўлмоқда. Бу албатта ўз навбатида янги даврга хос хусусиятларни англатади. Демак, бу босқичда жаҳоннинг кўпчилик мамлакатлари танлаган йўл — бозор иқтисодиётига асосланган очиқ жамият ўзининг ҳам ижобий ҳам салбий жиҳатларини намоён қилмоқда. Айнан

хавфсизлик нуқтаи назаридан мазкур даврни бошқарилиши қийин, мураккаб сир-асрорларга тўла эканлигини тан олиш керак. Бу, баъзи олимлар қарашича, АҚШ каби ташаббускор давлатларга устунлик бериши мумкин. Лекин, бу, бизнингча, ҳар доим ҳам тўғри бўла олмайди. Хусусан, АҚШдаги 2001 йил 11 сентябрь воқеалари бунга далолат. Халқаро терроризмни қўллаб-қувватлаш баъзи давлатлар учун гарчи манфаатли кўринса ҳам, аслида бунга оқилона ташқи сиёсат нуқтаи назаридан қаралса, бу бутун инсоният учун умумий хавф хатар туғдириши табиий ҳол. Глобаллашув ва ахборот асридаги мафкуравий жараёнлар ҳақида кетганда, бу боради Биринчи Президент И.Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарини (2008 й.) алоҳида қайд этиш мумкин. Унда юртбошимиз маънавий-мафкуравий масаларга атрофлича тўхталиб, халқимиз орасида ҳали ҳам мавжуд бўлиб келаётган иллатларни кўрсатиб беради. Нима бўлганда ҳам, бугунги ўзгариб бораётган дунёда ўз ўрнимизни топиб боришимиз учун, ҳам ички ҳам ташқи сиёсатда мафкуравий иммунитет масалаларга эътибор қаратишимиз зарурлиги, шунингдек, давр талабларига оғоҳ ва тайёр бўлиб боришимиз лозимлигини таъкидлайдилар.

Глобаллашув ҳодисаларнинг сиёсий кўздан кечирганда, ҳокимият учун курашда янги янги воситалар орқали ҳаракат қилиниш имконияти туғилишини айтиб ўтиш жоиз. Албатта, кўпчилик олимлар глобаллашув жараёнларидан кўпроқ янгиликлар ва ижобий ўзгаришлар кутилишини таъкидлашади. Хусусан, Ўзбекистон олимларидан С.Сафоев, Ф.Толипов, А.Қосимов, Н.Касимова, Р.Алимов, И.Мавлянов, Ф.Мўминов, А.Саидов, С.М.Адилходжаева, Ф.Бафоев каби олимлар ушбу жараёнларга турли омилларни, жумладан сиёсий-иқтисодий, маданий-мафкуравий, ижтимоий, ҳуқуқий жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда ёндашадилар. Биринчи навбатда сиёсий жиҳатдан глобаллашув кўпчилик томонидан назорат қилиниши зарур бўлган ўзгаришлар сифатида эътироф этилади. Масалан, олима С.М.Адилходжаева ўзининг “Глобализация. Давлат. Тарақиёт стратегияси” номли мақоласида глобаллашув жараёнларида давлат ўзининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, ўзи сиёсий йўлини йўқотмаслик учун муайян стратегик дастурга эга бўлишини таъкидлайди. Бундан ташқари, глобаллашув ўз ичига миллий ижтимоий-иқтисодий шаклланишларнинг ягона жаҳон ижтимоий-иқтисодий тизимга бирлашишини айтиб ўтади. Глобаллашув шубҳасиз халқаро муносабатлар ва давлатлар ташқи сиёсатининг прагматик кўринишга ўтиши, шунингдек, бундай алоқаларнинг демократлашуви учун янги имкониятлар туғдириши мумкин. Тўғри, шу пайтгача кшпчилик ривожланган давлатлар тараққиёт ресурсларини ўзларида тўплаб келмоқда. Лекин, бундан кейин жаҳон сахнасида Осиёдаги Хитой, Сингапур, Малайзия каби ҳамда энди мустақил йўлдан ривожланишга интилаётган Ҳиндистон, Бразилия каби давлатлар янги кучлар сифатида намоён бўлмоқда.

Маҳаллий олимлардан Н.Касимова ўзининг қатор ишларида глобаллашув жараёнларига ҳам иқтисодий ҳам сиёсий жиҳатдан ёндашади. Жумладан, унга кўра, минтақавий интеграция ва глобал интеграциялашув параллел ҳодисалар сифатида бир-бирини тўлдириши, қолаверса, улар моҳиятан айни ҳодисалар

эканини изоҳлайди. Шунингдек, глобаллашув жараёнлари агар давлатлар томонидан оқилона ташқи сиёсат негизида ҳамкорликка таянилса, биринчи навбатда иқтисодий омиллар ўзининг ижобий жиҳатларини кўрсатади. Ортиқча экспансия ва мустамлакачиликнинг янги турлари халқаро меҳнат тақсимоти кучайган бир вазиятда кўпчиликка, айниқса илгари хомашё вазифасини ўтаб келган таъсир доирадаги мамлакатларга қатор афзалликлар яратади.

Хорижлик олимлар, глобаллашув жараёнларига тафсиф берар экан улар ҳам масалага турлича ёндашадилар. Бир гуруҳ мутахассислар кўпроқ салбий жиҳатларга урғу қаратса, баъзилар эса ижобий томонларни кўрсатишга ҳаракат қиладилар. Масалан, олим Э.Кириченко ўзининг “Ақллилар оқими”дан уларнинг глобал миқёсда “айланиб юриши” номли мақоласи глобаллашув жараёнларида “ақллилар оқими” атамаси, унинг қачон келиб чиққанлиги, биринчи марта қаерда қўлланилганлиги тўғрисидаги маълумотлар билан бошланади. Мақолада “ақллилар оқими”нинг сабаб ва омиллари кўрсатиб берилган. Шунингдек, таълим соҳасининг глобаллашуви, таълим стандартларининг бир-бирига яқинлашуви, Европа ва Америка Қўшма Штатларининг хорижий талаба ва тадқиқотчилар учун жуда қулай шарт-шароитлар яратиб берганлиги ҳақидаги фикрлар келтириб ўтилган. Бундан ташқари, “ақллилар оқими” нинг бир қанча салбий ва ижобий оқибатлари ҳақида тўхталиб ўтилган. “Ақллилар оқими” атамасининг эскирганлиги ҳамда унинг ўрнига “ақллиларнинг айланиб юриши”, яъни бутун дунё бўйлаб халқаро меҳнат бозорида интеллектуал салоҳиятга эга бўлган юқори тоифали мутахассисларнинг пайдо бўлганлигига катта урғу берилган. “Ақллиларнинг ҳаракатланиши”нинг турлари, ривожланган ва ривожланаётган давлатларнинг “ақллилар ҳаракатланиши”ни қабул қилиши ва жўнатишида уларнинг тутган ўрни ҳақида таъкидлаб ўтилган. Мақолада “ақллилар оқими”дан зарар кўраётган мамлакатлар тўғрисида маълумотлар берилган. Мақола Россиянинг глобал миқёсда “ақллилар оқими”даги ўрни ҳақидаги фикрлар билан тугайди. Хуллас, “ақллилар оқими” муаммоси, ушбу муаммо дунёнинг деярли барча давлатларида долзарб аҳамиятга эга эканлиги ҳақидаги фикрлар баён этилган бўлиб, мазкур ҳодиса ҳам глобаллашувнинг ҳам салбий ҳам ижобий томони сифатида гавдаланади.

Хорижлик олимлардан В.Соколов “Келгуси дунё чизгилари:

миллатлар, минтақалар, трансмиллий ҳамжамиятлар” номли мақоласида глобаллашувни ҳар томондан таҳлил қилишга уринади. Унга кўра, глобаллашув ва минтақавий интеграциялашув иқтисодий национализмга қарши ҳодиса сифатида қаралади. Бу ерда албатта бироз бир ёқлама ёндашув яъни айнан иқтисодиёт ва бошқа муносабатларнинг трансмиллий чегарадан чиқишига урғу қаратиш кузатилади. Лекин, Владимир Максименконинг “Происходит ли глобализация” мақоласида эса аксинча муносабатни кўрамыз. Унга кўра эса, глобаллашувда АҚШ, Россия каби қудратли давлатлар ўзининг ўйинини олиб боради, деган фикрни юритади. Бу бир жиҳатдан маълум сабабга эга. Айнан, хафвсизлик ва жаҳон сиёсатининг мураккаб томонлари ҳақида гап кетганда, глобаллашув маълум маънода кўп қутбли дунёнинг салбий томонини

кўрсатади. Шунинг учун, давлатлар томонидан иқтисодий, сиёсий ва хавфсизлик масаларида ҳамкорлик қилиш, муроса йўлини тутиш долзарб аҳамиятга эга ҳисобланади.

2.Ташқи иқтисодий ва сиёсий алоқалар масалаларининг замонавий тарихшунослик тадқиқотлари

Жаҳоннинг тараққий этган давлатлари билан иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик ривожланаётган мамлакатлар учун алоҳида аҳамият касб этади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб ўз иқтисодиётини бозор муносабатларига асосланган кенг қамровли инфратузилмани яратиш, ижтимоий ҳаётни демократик тамойилларга асосланган дунёвий давлатни барпо этиш мақсадларини илгари суриб, жаҳоннинг йирик мамлакат ва турли халқаро ташкилотлари билан яқин алоқаларни йўлга қўйган.

Дарҳақиқат, ўз мустақиллигини қўлга киритганидан кейин Ўзбекистон Республикаси жаҳоннинг нуфузли халқаро ташкилотлари билан тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиб, уларнинг бой тажриба ва имкониятларидан мамлакатдаги иқтисодий ва ижтимоий ислохотларни амалга ошириш жараёнида унумли фойдаланиб келмоқда. Айнан бундай ҳамкорлик алоқалари Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ўртасида юзага келган муносабатларда яққол кўзга ташланади. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ўртасидаги иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги ҳамкорликда ушбу ташкилотга аъзо бўлган барча мамлакатлар иштирок этиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини жадал равишда тубдан модернизация қилиш, унинг кўп тармоқли инфратузилмасини юзага келтириш ва сармоялар ажратиш жараёнида, шубҳасиз, Европа Иттифоқининг илғор, ривожланган мамлакатларининг ўрни ҳам мавжуд⁴³.

Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсатида Европа Иттифоқи мамлакатлари етакчи ўрин эгаллар экан, ўз навбатида республика ушбу ташкилотга аъзо давлатлар билан кўп томонлама ўзаро муносабатларни йўлга қўйилишига катта эътибор қаратмоқда. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Европа Иттифоқининг иқтисодий ривожланган, Чехия, Болгария, Венгрия, Польша, Латвия ва Литва каби мамлакатлар билан иқтисодий ва ижтимоий – гуманитар соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириб келмоқда⁴⁴.

Ўтган қисқа даврда Европа Иттифоқининг Польша, Руминия, Болгария, Латвия, Литва ва бошқа мамлакатларида фаолият юритаётган Ўзбекистон элчихоналари икки ва кўп томонлама алоқаларнинг олиб борилишида муҳим

⁴³ Арин О. Интеграционный блок или экономический центр? // Новая и новейшая история. Москва, 1998. – №10. – С. 45-49.

⁴⁴ Хидиров Х. Ўзбекистон ташқи сиёсати: сиёсий модернизация ва интеграция // Фалсафа ва Ҳуқук. – 2007. – № 1. – Б. 21–22; Касымова Н. А., Жўраев С. А. Актуальные вопросы современных международных отношений. – Ташкент: Академия, 2008. – С. 233; МИД РУз // Сотрудничество Республики Узбекистан со странами Европы. <http://www.mfa.uz>.

ўрин эгалламоқда⁴⁵. Демак, Ўзбекистон Европа Иттифоқи доирасида ҳамкорлик билангина чегараланиб қолмасдан, унинг таркибида бўлган давлатлар билан ҳам тўғридан-тўғри икки ва кўп томонлама ҳамкорлик алоқаларини боғлаган. Ҳозирда эса Европанинг 16 та мамлакати билан икки томонлама савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш мақсадида ташкил этилган ҳукуматлараро қўмита фаолият олиб бормоқда⁴⁶.

Ана шундай икки томонлама ҳамкорлик алоқалари Шарқий Европа давлатлари билан тўғридан-тўғри йўлга қўйилган бўлиб⁴⁷, ҳозирда Европа Иттифоқининг «Шериклик ва Ҳамкорлик» битими негизида ҳам ривожланиб келмоқда. Жумладан, қисқа даврда Ўзбекистон Республикаси билан кенг қамровли ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган Шарқий Европа мамлакатлари сарасига Болгария, Латвия, Литва, Польша, Венгрия, Словакия, Словения кабиларни киритиш мумкин. Шу ўринда, алоҳида таъкидалаб ўтиш керакки, ушбу давлатлар билан алоқалар анча аввалдан ривожланиб келган, айниқса охириги чорак аср давомида бу алоқалар янги босқичга кўтарилганлигини кўриш мумкин.

Шарқий Европа давлатларида иқтисодиётнинг турли соҳалари ривожланган бўлиб, айниқса фармацевтика, қишлоқ хўжалиги ва балиқчилик борасида юқори натижаларга эришиб келмоқда. Ривожланиб келаётган Ўзбекистон учун уларнинг тажрибаларини ўрганиш ҳар жиҳатдан фойдалидир. Шу билан бирга ушбу давлатларда нефт ва нефт маҳсулорларига, пахта толаси ва минерал ўғитларга катта эҳтиж мавжуд бўлиб, ушуб йўналишда Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилиш уларга ҳам бирдай манфаатлидир.

Ўзбекистон Республикаси Европа Иттифоқига 2004⁴⁸ ва 2007⁴⁹ йилларда аъзо бўлиб қўшилган Шарқий Европа мамлакатлари билан турли соҳаларда жумладан, иқтисодиёт, фан ва таълим, туризм ва маданиятни турли йўналишларида ҳамкорликни кучайтириб келмоқда. Ушбу давлатлар билан тўғридан-тўғри икки томонлама ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган бўлиб⁵⁰, ҳозирда Европа Иттифоқининг «Шериклик ва Ҳамкорлик» битими негизида ривожланиб келмоқда. Жумладан, қисқа даврда Ўзбекистон Республикаси билан кенг қамровли ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган Шарқий Европа мамлакатларидан Венгрияни Республикасини кўрсатиш мумкин.

2020 йил ҳолатига Шарқий Европа мамлакатлари билан ҳамкорлик алоқалари ривожланиб янги сифат босқичига кўтарилаётганлигини мамлакатимизга амалга оширилаётган расмий ташрифлар кўламида ҳам кўриш мумкин. Жумладан, 2020 йил 18 февралда Ўзбекистон Республикасига Шарқий Европа давлатлари ичида иқтисодий соҳада анча мувафақиятли ривожланиб

⁴⁵ МИД РУз // Сотрудничество Республики Узбекистан со странами Европы. <http://www.mfa.uz>

⁴⁶ МИД РУз // Сотрудничество Республики Узбекистан со странами Европы. <http://www.mfa.uz>.

⁴⁷ МИД РУз // Сотрудничество Республики Узбекистан со странами Европы. Узбекско-болгарские отношения. Сотрудничество в политической сфере. <http://www.mfa.uz>.

⁴⁸ 2004 йилда Европа Иттифоқига қўшилган давлатлар: Венгрия, Кипр, Латвия, Литва, Мальта, Польша, Словакия, Словения, Чехия, Эстония – муаллиф.

⁴⁹ 2007 йилда Европа Иттифоқига қўшилган давлатлар: Болгария, Руминия.

⁵⁰ МИД РУз // Сотрудничество Республики Узбекистан со странами Европы. Узбекско-болгарские отношения. Сотрудничество в политической сфере. <http://www.mfa.uz>.

келаётган Венгрия Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар ва ташқи ишлар вазири Петер Сийярто бошчилигидаги делегация ташрифида кўришимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Венгрия Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар ва ташқи ишлар вазири Петер Сийяртонинг қабул қилиб, ...Ўзбекистон ва Венгрия ўртасидаги анъанавий дўстлик ва кўп қиррали шериклик муносабатлари кейинги йилларда изчил ривожланаётганини катта мамнуният билан қайд этди...⁵¹.

Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий стратегияси ва омиллари, халқаро майдонга чиқиши, халқаро муносабатларнинг замонавий шаклини яратишдаги ўрни ҳамда жаҳон ҳамжамияти мамлакатлари ва халқаро ташкилотлар билан икки ва кўп томонлама олиб борган ҳамкорлик алоқалари масалаларини қамраб олган. Улар орасида, энг аввало, А. Акилов, А. Расулев ва А. Бедринцев, А. Касимов, Л. Петрова, И. Васькин, Н.А. Касимова, С.А. Жўраевларнинг[4]⁵² монографияларини таъкидлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Мустақилликнинг дастлабки йилларида яратилган ушбу муаллифларнинг ишларида республиканинг жаҳон ҳамжамиятига кириб бориши миллий мустақиллик мафқураси нуқтаи назаридан таҳлил қилинган.

Халқаро ҳамкорлик муносабатлари борасида Э.З. Нуриддиновнинг тадқиқотлари алоҳида ўрин эгаллайди⁵³. Хусусан, муаллифнинг «Ўзбекистон Республикасининг Европа мамлакатлари билан халқаро ҳамкорлиги» номли монографиясида кўплаб ҳужжатли материаллар асосида республиканинг Европа мамлакатлари билан кўп томонлама ҳамкорлиги кенг кўламда ёритиб берилган.

Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги эришган муваффақиятлари ҳамда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳалардаги ривожланиши ҳақида Б. Робертсон, Н. Любин, Д. Дикер ўз асарларида фикр-мулоҳаза юритганлар⁵⁴. Шу билан бирга ушбу муаллифлар Ўзбекистон Республикасининг Марказий Осиё минтақасидаги геосиёсий ва геостратегик аҳамиятига алоҳида урғу бериб ўтганлар.

Икки томонлама алоқаларнинг жадаллик билан ўсиб бораётганлигини ўзаро товар айрибошлаш 2018 йилга нисбатан 2019 йилда 45 фоизга ортганлигида ҳам кўриш мумкин⁵⁵. Бунда албатта 2018 йил 14 декабрида Тошкентда ўтказилган

⁵¹ Ўзбекистон Президенти Венгрия делегациясини қабул қилди // Халқ сўзи. 2020. 19 февраль

⁵² Акилов А., Расулев А., Бедринцев А. Узбекистан: внешнеэкономическая деятельность и интеграция в мировое хозяйство. – Ташкент: Узбекистан, 1996. – 80 с.

⁵³ Нуриддинов Э.З. Становление нового типа экономических отношений Узбекистана с ведущими государствами Западной Европы // Общественные науки в Узбекистане. – Тошкент, 1998. – № 1. – С. 22-27; Ўша муаллиф: Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолияти: асослари ва устувор йўналишлари // Ўзбекистон тарихи. – Тошкент, 2000. – № 4. – Б. 27-37; Ўша муаллиф: Международное сотрудничество Республики Узбекистан со странами Европы. – Тошкент: Чулпан, 2002. – 216 с.; Ўша муаллиф: Становление и приоритетное направление внешней политики Республики Узбекистан // Ўзбекистон тарихи. – Тошкент, 2002. – № 4. – С. 3–11.

⁵⁴ Lubin N. Central Asia: Issues and challenges for United States polity. The new geopolitics of Central Asia and its borderlands. Ed. By Ali Banuazizi and Myran Weiner. J. 8. Touris and Co. Ltd. – I. W. Y., 1994; Dyker D. A. Investment direction in prospects of Uzbekistan // Central Asia Newsiife. Chapter 4, 8. August-September. 1996; Roberson B. A. The Middle East and Europe. The Power deficur. Routledge. – London, 1998.

⁵⁵ Ўша жойда.

“Ўзбек-Венгер бизнес форумини” ҳиссаси катта. Форум давмида Венгрия томонидан 18 та компаия вакиллари иштирок этиб, умумий қиймати 46, 5 миллион АҚШ доллариллик шартнома имзоланган эди⁵⁶. Бунда балиқчилик, меваларни қайта ишлаш ҳамда қишлоқ хўжалигини турли соҳаларида кластрларни яратиш мақсад қилинган. Агар қисқа давр тарихига эътибор берсак, ушбу келишувлар ўзининг ижобий натижаларини берганлигини ташқи ишлар вазири Петер Сийярто ҳам эътироф этди.

Ҳамкорлик алоқаларини тарихий тадрижини ўрганиш орқали қуйидаги соҳаларда: қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат саноати, фармацевтика ва бошқа тармоқларда қўшма лойиҳаларни самарали амалга оширилганлиги кўрсатмоқда. Шу билан бирга шарқий Европа давлатлари билан таълим, маданият ва туризм соҳаларидаги аламашинувлар кенгайётганлиги қувонарли ҳолатдир. Айниқса таълим соҳасида Чехия, Латвия ва Польша Республикалари билан талабалар алмашинуви соҳасидаги алоқалар сўнги йилларда бир неча мартабага кўпайди. Туризм йўналишида ҳам салмоқли натижаларга эришилиб келинмоқда.

Венгрия Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар ва ташқи ишлар вазири Петер Сийярто ташрифи доирасидаги музокараларда истиқболда қуйидаги: АКТ, телекоммуникациялар, банк – молия, қурилиш, қишлоқ ва сув хўжалиги, озиқ – овқат саноати каби соҳаларда ҳамкорликни янада ривожлантириб янги сифат босқичига кўтариш масалалари келишиб олинди⁵⁷.

Шарқий Европанинг тиббиёт туризм юксак тараққий этган давлати ҳисобланган Болгария республикаси билан ҳам ҳамкорлик алоқалари сўнги йилларда анча юқорига кўтарилганлигини кўриш мумкин. Ўзбекистон ва Болгария Республикалари ўртасидаги иқтисодий соҳадаги ҳамкорлик алоқаларига назар ташлайдиган бўлсак, икки мамлакатнинг савдо айланмаси йилдан йилга ўсиб борганлигини кўриш мумкин. Масалан, 2004 йилда икки мамлакат ўртасидаги савдо айланмаси 132 млн. АҚШ долларини ташкил этган. Аммо, Болгария Европа Иттифоқига аъзо бўлганидан сўнг, томонлар ўртасидаги савдо айланмасининг бир мунча сусайганлигини кўриш мумкин. Бу кўрсаткич 2005 йилда 77 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Бунда Ўзбекистоннинг экспорт улуши 22 млн. АҚШ долларини, импорт улуши эса 55 млн. АҚШ долларини ташкил этган⁵⁸. Ўтган давр давр мобайнидаги ривожланиш динамикасини кўриш учун рақамларга мурожат этамиз. 2015 йилда икки томонлама савдо айланмаси миқдори 42 млн. АҚШ долларини ташкил этган. Бу шуни кўсатадики охириги ўн йиллик алоқаларда сустлик, орқага кетиш ҳолатини кўриш мумкин. Ваҳоланки иқтисодчи ва сиёсатчи экспертлар фикрича икки томонлама алоқаларни бир неча ўн марта юқори даражага олиб чиқишга салоҳият икки томонда ҳам етарлидир. Ҳозирда Ўзбекистон ва Болгария мамлакатларининг иқтисодий салоҳияти ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорлик қўлампидан анча юқори. Томонларнинг товарлар ва хизматлар рўйхатига назар

⁵⁶ m.uz.spuniknews.ru. Пресс – служба госкоминвестиций Узбекистана

⁵⁷ Петер Сийярто: ўзаро ҳамкорлик янада мустаҳкамланишидан манфаатдоримиз // Халқ сўзи. 2020. 19 февраль

⁵⁸ МИД РУз // Политика Узбекистана по развитию международного торгового-экономического сотрудничества. <http://www.mfa.uz>

ташлаганда, бизнес борасидаги алоқалар нисбатан суст эканлиги кузатилади. Масалан, қишлоқ хўжалиги соҳасида Ўзбекистон ва Болгария катта тажрибага эга. Полиз маҳсулотлари етиштириш ва чорва селекцияси ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларининг ўрнатилишини талаб этади. Бу орқали озиқ-овқат ишлаб чиқариш, мевасабзаёт ва гўшт-сут маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида фаолият юритадиган қўшма корхоналар тузишга ҳам янада кенгроқ йўл очилишига имконият яратилади. Шунингдек, тўқимачилик ва фармацевтика саноати, кўнчилик, пойабзал ишлаб чиқариш – бугунги куннинг долзарб соҳаларидан ҳисобланади. Булар сирасига қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва энергетикани ҳам қўшиш мумкин⁵⁹.

Бугунги кунда Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида Болгариянинг беш фирмаси – «Вено Холдинг» (холдинг ва молия), «Зет энд Эм Прайвит» (кончилик ва қишлоқ хўжалиги техникаси), «Энергия – 97» (кўрғошин – кислотали аккумулятор ва батареялар), «Актавис» (фармацевтика), «Кокет» (трикотаж буюмлар) аккредитация қилинган⁶⁰.

Шарқий Европа мамлакатлари ичида Ўзбекистон Республикаси билан узоқ тарихий алоқаларга эга давлат – Бу Латвиядир. Айнан ана шу тарихий ришталар икки давлатни турли йўналишларда жумладан, балиқчилик, фармацевтика, таълим, транзит юк ташиш соҳаларида кенг қамровли, ўзаро манфаатли алоқларни йўлга қўйишда муҳим роль ўйнаганлигини эътироф этиш ўринлидир.

Ўзбекистон Республикаси билан Латвия Республикаси ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битимга мувофиқ, мамлакатлар ўртасидаги ўзаро савдода энг кўп қулайлик яратиш тартиби жорий этилган. Ўзбекистоннинг Латвия билан ташқи савдо айланмаси 2006 йил 88,2 млн. АҚШ долларини ташкил қилган бўлса, 2007 йил 123,3 млн. АҚШ долларига тенг бўлди⁶¹. Унда мамлакатнинг экспорт улуши – 102 млн. долларни ташкил этди. 2008 йилнинг биринчи ярмида ушбу кўрсаткич 279,2 фоизга ўсиб, 142, 6 млн. долларга етди⁶². Икки томонлама савдо айланмаси 2018 йил ҳолатига 100 млн. долларни ташкил этган⁶³. Демак Латвия билан ҳам худди Болгария каби охириги ўн йилликда иқтисодий пасайиш бўлганлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон экспорти таркибида ёқилғи, нефть ва минераллар ҳамда уларни қайта ишловчи моддалар, пахта толаси, ўғитлар ва хизматлар асосий ўринни эгалламоқда. 2019 йилда Латвия бозорларига сархил мевалар, сабзовотлар, қуруқ мевалар ва тўқимачилик маҳсулотлари ҳам етказиб берилган. Импорт асосини эса механик ва электр асбоб-ускуналари, қора металлдан тайёрланган

⁵⁹ МИД РУз // Сотрудничество Республики Узбекистан со странами Европы. Узбекско-Болгарские отношения. Сотрудничество в торгово-экономической сфере. <http://www.mfa.uz>.

⁶⁰ МИД РУз // Сотрудничество Республики Узбекистан со странами Европы. Узбекско-Болгарские отношения. Сотрудничество в торгово-экономической сфере. <http://www.mfa.uz>.

⁶¹ Ўзбекистон Республикаси ТИАИСВ ЖА. Ўзбекистон Европа Иттифоқи савдо-иқтисодий алоқалари тўғрисидаги маълумот. 1- варақ.

⁶² МИД РУз // Политика Узбекистана по развитию международного торгово-экономического сотрудничества. <http://www.mfa.uz>

⁶³ m.uz.spuniknews.ru. Латвийские компании осваивают новые рынки, Узбекистан стал крупным партнером с взаимным торговым оборотом в 100 миллионов евро.

буюмлар, хизматлар, ёғоч-тахта, фармацевтика ва балиқ маҳсулотлари, органик бирикмалар ташкил этади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда Латвия сармоядорлари иштирокида 21 та корхона фаолият юритмоқда. Унинг 2 таси тўлалигича Латвия капитали асосида ташкил этилган. Мазкур корхоналарнинг асосий фаолияти электроника, дастурлаш жиҳозлари ва радиоалоқа воситалари, умумий машинасозликда қўлланиладиган буюмлар, тикув дастгоҳлари мебеллар ва ипак маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилган. Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Латвиянинг 8 та фирмаси ваколатхонаси аккредитациядан ўтган. Ўзбекистонда Латвиянинг нуфузли банкларидан бири «Парекс Банк» ваколатхонаси ҳам ишлаб турибди.

Латвия Ўзбекистоннинг ишончли иқтисодий шерикларидандир. Мамлакатлар икки томонлама савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш баробарида транзит юк ташиш борасида ҳам ишончли ҳамкорлардир. Ўзбекистон ўз маҳсулотларини Ғарб давлатларига Латвия бандаргоҳлари орқали экспорт қилади. Европа Иттифоқи аъзоси сифатида Латвия халқаро иқтисодий муносабатлардаги ўрнини кенгайтириш, Европа бозоридан тўлиқ фойдаланиш имконига эга. Айни пайтда, Буюк ипак йўли марказида жойлашган Ўзбекистон Латвия учун бутун Ўрта Осиё минтақаси билан ҳамкорликни ривожлантиришида муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Икки томонлама алоқаларда Европанинг нисбатан кичик аммо эришаётган натижалари анча юқори бўлган Словакия ва Словения давлатлари билан алоқалар ҳам анча кенг тармоқлидир.

Ўзбекистон Республикаси билан Словакия Республикаси ўртасида иқтисодий алоқалар яхши йўлга қўйилган бўлиб, ҳозирда бир нечта фирма ва компаниялар фаолият юритиб, республика бозорларида муносиб ўрин эгалламоқда. Уларнинг орасида автомобиль шиналарини етказиб берувчи «МАТАДОР», тўқимачилик, енгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи «ХИРАНА», медицина маҳсулотлари, дори-дармон ишлаб чиқариш ва уни сотиш билан шуғулланаётган «СЛОВАКА – ФАРМА», насослар ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган «СИМА» корхоналари рақобатбардош сифатли маҳсулотлари билан республикада ўзига хос ўрин эгаллаб, ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириб келмоқда⁶⁴.

Ўзбекистон – Словения ҳамкорлиги иқтисодий йўналишда ривожланиб, бунда икки томон ҳамкорликда фаолият олиб бораётган, асосан, мактаб мебеллари ишлаб чиқариш билан машғул «Файз–Явор» ҳамда Словения инвестицияси асосида фаолият олиб бораётган, савдо операцияларини бажарадиган, шу билан бирга, озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериш хизматлари билан шуғулланиб келаётган «Интертэк» корхонасидир⁶⁵.

⁶⁴ ЦГА РУз. Пресс – релиз // Ф-м-2, д – 169, л - 27.

⁶⁵ МИД РУз // Сотрудничество Республики Узбекистан со странами Европы. Узбекско-словенские отношения. Сотрудничество в торгово-экономической сфере. [http:// www.mfa.uz](http://www.mfa.uz).

Словениянинг «Лек» компанияси Ўзбекистонда фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасида ҳамкорлик қилиш истагини билдирган.

Шарқий Европа мамлакатлари Европа Иттифоқининг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлиб, мазкур ташкилотнинг ташқи сиёсий фаолиятида тўлиқ иштирок этаётганлигини кўриш мумкин. Шундан келиб чиқиб, бу давлатлар янги мустақил давлатлар билан икки томонлама ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириб, Европа Иттифоқининг «Шериклик ва Ҳамкорлик» битими доирасидаги фаолиятларини янада кенгайтирмоқдалар. Шарқий Европа мамлакатлари ўзлари орттирган тажрибаси билан ёш мустақил давлатларнинг бир қатор ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этишда ёрдам бермоқда.

Шундан келиб чиқиб, айтиш мумкинки Ўзбекистон Республикасини Шарқий Европа мамлакатлари билан икки ва кўп томонлама алоқалари ўзининг ижобий натижаларини бериб келмоқда, бундай ўзаро ҳамкорлик алоқларини кўламини янада кенгайтириш галдаги муҳим вазифалардан саналиб, истикболда икки минтақа халқлари тараққиётига хизмат қилиши шубҳасиздир.

Назорат саволлари

1. Глобализация жараёнларининг ижобий ва салбий жиҳатларини таҳлил этинг.
2. Глобализация шароитида Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати ва унга оид тадқиқотлар таҳлилин аналга оширинг.
3. Ўзбекистоннинг қайси халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқларини олиб бормоқда?
4. Замонавий халқаро муносабатлар тизимида Ўзбекистоннинг ўрни қандай?

5-мавзу. ЗАМОНАВИЙ ТАРИХШУНОСЛИК ТАДҚИҚОТЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ЖАҲОН ИҚТИСОДИЙ ВА СИЁСИЙ АЛОҚАЛАРИ ЖАРАЁНЛАРИ-NING ГЛОБАЛЛАШУВ ВАЗИЯТИДАГИ ТАШҚИ СИЁСА-ТИ ПРИНЦИПЛАРИ МАСАЛАЛАРИNING ЎРГАНИЛИШ

Режа:

1. Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий принциплари ва йўналишлари.
2. Ўзаро манфаатли, амалий ташқи сиёсат-Харакатлар стратегиясининг устувор йўналишларидан бири сифатида.

Таянч тушунчалар: ташқи сиёсат, харакатлар стратегияси, конституция, ташқи сиёсат концепцияси, Ўзбек-хитой ҳамкорлиги, темир йўл, буюк ипак йўли, бир камар-бир йўл.

1. Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий принциплари ва йўналишлари. Ўзбекистон ташқи сиёсатида Осиё вектори.

